

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 330.43:631.22(575.1)

311:631.22(575.1)

МАМАТКУЛОВ БАХТИЁР ХАЛМУРАДОВИЧ

**Фермер хўжалиklarининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари
самарадорлигини статистик баҳолаш усуллариини такомиллаштириш
(Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиklари мисолида)**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий маслаҳатчи:
Иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор Набиев Х.Ғ.

ТОШКЕНТ – 2022

М У Н Д А Р И Ж А

| | | |
|-----------------|--|------------|
| | Кириш..... | 3 |
| I БОБ. | ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ..... | 18 |
| 1.1. | Ўзбекистон миллий иқтисодиётида фермер хўжалиklarининг тутган ўрни ва роли..... | 18 |
| 1.2. | Фермер хўжалигининг фаолиятини статистик тадқиқ этиш – озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омили..... | 31 |
| 1.3. | Фермер хўжалиklarини ривожлантиришда илғор мамлакатлар тажрибалари ва улардан фойдаланишнинг асосий йўналишларини статистик тадқиқ этиш..... | 36 |
| | <i>I боб бўйича хулоса.....</i> | <i>44</i> |
| II БОБ. | ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ..... | 47 |
| 2.1. | Фермер хўжалиklarининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни индекс таҳлили..... | 47 |
| 2.2. | Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиklари фаолияти самарадорлиги динамикасини миқдорий баҳолаш..... | 66 |
| 2.3. | Фермер хўжалиklари фаолияти самарадорлигини корреляцион-регрессион таҳлил методи асосида статистик баҳолаш..... | 72 |
| | <i>II боб бўйича хулоса.....</i> | <i>77</i> |
| III БОБ. | ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАНЛАНМА КУЗАТУВ АСОСИДА СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ..... | 79 |
| 3.1. | Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиklари фаолияти самарадорлигини анкета-сўровномалари асосида статистик баҳолаш..... | 79 |
| 3.2. | Фермер хўжалиklarининг даромадларини “Probit” ва “Logit” моделлари асосида эконометрик моделлаштириш..... | 94 |
| 3.3. | Фермер хўжалиklarининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини “Panel data” модели асосида эконометрик моделлаштириш..... | 113 |
| | <i>III боб бўйича хулоса.....</i> | <i>133</i> |
| IV БОБ. | ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ..... | 138 |
| 4.1. | Фермер хўжалиklари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар “гипотезаси” услубиятини такомиллаштириш..... | 138 |
| 4.2. | Фермер хўжалиklarининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини “Holt Winter seasonal” модели орқали 2022-2026 йилларга прогнозлаштириш..... | 150 |
| 4.3. | Фермер хўжалиklarининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизлари самарадорлигини статистик баҳолаш услубиятини такомиллаштириш..... | 162 |
| | <i>IV боб бўйича хулоса.....</i> | <i>171</i> |
| | Хулоса ва таклифлар..... | 175 |
| | Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 186 |
| | Иловалар..... | 199 |

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб бориши жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига алоҳида талабнинг шаклланиши ҳисобига фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда «қатор далаатларда ер давлат мулки бўлсада деҳқонларга кенг хўжалик юритиш мустақиллиги берилиб, қишлоқ хўжалиги самарадорлиги жуда юқори бўлмоқда. Дунё мамлакатларида, жумладан Японияда – 100%, Исроилда – 90%, Хитойда – 100% ер давлат мулки ҳисобланиб, деҳқонларга ер мерос қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалликка ёки узок муддатли ижарага берилмоқда»¹. Бугунги кунда жаҳонда фермер хўжаликларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш аҳолини сифатли ва хафсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг муҳим манбаи сифатида қаралмоқда.

Жаҳонда фермер хўжаликларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш борасида давлатнинг тартибга солиш механизмларидан мақсадли фойдаланиш, самарадорликни таъминлашда ишлаб чиқаришни замонавий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш, прогнозлаштириш усуллариининг аниқлик даражасини ошириш кабилар бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада фермер хўжаликлари фаолиятига оид ишончли, сифатли маълумотларни шакллантириш, уларнинг шаффофлиги ва ошкоралигини оширишнинг услубий асосларини такомиллаштириш, хўжаликлар бўйича статистик маълумотларни халқаро даражада унификациялаш даражасини ошириш, ностандарт ижтимоий-иқтисодий таъсирлар шароитида фермер хўжаликлари самарадорлигини таъминлаш, методологик-услубий жиҳатдан фермерлик фаолияти ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва демографик жараёнлар уйғунлигини статистик

¹ www. // http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/20_Abdullayeva_Akhmedov.pdf . маълумотлари.

баҳолаш каби йўналишлардаги тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам равишда таъминлашда асосий ишлаб чиқарувчи бўлган фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан кўллаб-қувватлашга, улар фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Аввало, фермер ва деҳқонларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш керак. Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда албатта ўзгариш ва ўсиш бўлади»². Бу борада фермер хўжаликлари самардорлигини статистик баҳолаш методологиясини унга таъсир кўрсатувчи омиллар, сувни миллий бойлик таркибида ҳисоблаган ҳолда такомиллаштириш, соҳа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда статистик-маълумотлар базасини такомиллаштириш, фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг узоқ ва ўрта муддатли прогноз сценарийларини асослаш, моделлаштиришнинг, жумладан, «Probit» ва «logit» моделларининг аниқлик даражаси ошириш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон «Миллий Статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//»Халқ сўзи» газетаси, 30 декабр 2020 йил № 275–276 (7746–7747)

жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Жаҳонда фермер хўжаликларининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини статистик баҳолаш усуллари тақомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар қуйидаги олий таълим муассасалари ва илмий марказлар томонидан амалга оширилмоқда: University of Oxford (Буюк Британия); University of California (АҚШ), Yonsei University (Корея Республикаси); Москва иқтисодий, статистика ва информатика университети (Россия Федерацияси); Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Тошкент давлат иқтисодий университети, Тошкент молия институти (Ўзбекистон Республикаси).

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида фермер хўжаликларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини статистик баҳолашнинг услубий ва эконометрик усул ҳамда ёндашувларини тақомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотларга кўра қуйидаги илмий натижалар олинган:

Жаҳонда бугунги кунда ««Ақлли» қишлоқ хўжалигидаги технологиялар асосида «Интернет буюмлари» (Internet of Things - IoT) - турли хил «ақлли қурилмалар» орқали назорат ва бошқарув жараёнлари автоматлаштирилган ва уларда одамларнинг иштирокини сезиларли даражада камайтириш имконини берадиган турли хил қурилмалар ва машиналар ўртасидаги ўзаро таъсир ва маълумот алмашиш тизими жорий этилган. Жумладан, Ақлли деҳқончилик; Ақлли фермалар; Ақлли иссиқхоналар; хом ашёни бошқариш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш; қишлоқ хўжалиги транспортини бошқариш; «Big Data» ва бошқалар»⁴.

³ Ходиев Б. Ю. Цифровая экономика в Узбекистане // журнал «Мировая экономика», 2017. № 12

Америка Қўшма Штатлари аграр соҳасида фаолият юритиш самарадорлигини юқори босқичда эканлиги билан жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди, кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида мамлакат меҳнат ресурсларининг фақат 2 фоизигина фаолият олиб боради. «АҚШдаги кишлоқ хўжалигида бир қанча замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиб, статистик баҳолаш усуллари хамда эконометрик моделларни такомиллаштирган ҳолда, фермер хўжаликларига арзон нарх билан кўп маҳсулот етиштириш имкони яратилган».⁵

Тайванда охириги 5-10 йил мобойнида фермер хўжаликларини иқтисодий қўллаб-қувватлашни статистик баҳолаш ва эконометрик моделларига асосланган илмий инновацияларни яратиш ва амалга ошириш бўйича давлат 100 миллион долларгача маблағ ажратган. «Жумладан, дастурий таъминот ва мобил иловаларни ишлаб чиқиш, статистика тадқиқот марказларини яратиш асосида фермерлар учун катта ўқув дастури ишлаб чиқилган. Имкони борича воситачиларни бозордан чиқариш ва фермерлар, қайта ишловчилар ва чакана савдо тармоқларининг даромадлилигини ошириш учун давлат Интернет-порталларни яратган».⁶

Хорижий давлатларда фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини статистик баҳолаш ва прогнозлашнинг услубий асосларини хамда фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда маҳсулотларнинг оптимал тақибини шакллантириш; даромадга таъсир этувчи омилларни прогнозлашнинг аниқлик даражасини ошириш; барқарор ривожланиш ва макроиқтисодий ўсишни таъминлашда фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг оптимал йўналишларини ишлаб чиқиш;

⁵ Р.Х. Аюпов, М.Ю. Джуманиязова Цифровая трансформация в сельском хозяйстве Республики Узбекистан // Экономические науки DOI: 10.24411/2500-1000- 2019-11020

⁶ Лapidус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. – М.: ИНФРА-М, 2018. -381 с.

фермер хўжаликларини ривожлантиришда давлатнинг қўллаб-қувватлаш функциясини такомиллаштириш; фермер хўжаликларига оид жараёнларни баҳолаш ва прогнозлаштиришнинг эконометрик моделлаштиришни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида фермер хўжаликларининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини статистик баҳолаш усулларини такомиллаштиришнинг илмий-назарий, услубий ва амалий жиҳатлари ҳар доим олимлар ва амалиётчиларнинг диққат марказида бўлиб келган. Тадбиркорлик субъекти ҳисобланган фермер хўжаликларини ташкил этиш, ривожлантириш ҳамда самарадорлиги муаммоларини турли назарий мактаблар иқтисодчилари тадқиқ қилганлар. Ушбу муаммони ўрганишда қўллаб олимларнинг фундаментал тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. Улар фермер хўжаликларининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлиги назариясининг шаклланиши, мослашуви ва ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Фермер хўжаликларининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини статистик баҳолаш, эконометрик моделлаштириш ва миқдорий жиҳатдан ўрганиш масалалари илмий ишланмалар ва амалий тадқиқларда устувор аҳамиятга эга бўлиб келган. Ушбу муаммога МДХ олимларидан М.В. Браславец, М.С. Красс, Н.М.Харченко, В.А.Кундиус, И.Н.Чуев, И.Н. Дубина⁷ ва бошқа иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий-тадқиқот ишларида алоҳида эътибор қаратганлар.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида фермер хўжаликларининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишга олимлардан А.Абдуғафуров, Б.Атаниязов, Б.Б.Беркинов, Н.М.Махмудов,

⁷ Браславец М.В. и др. Математическое моделирование экономических процессов в сельском хозяйстве. – М.: Колос, 1998. – 589 с. 8 Красс М.С., Чупрынов Б.П. Основы математики в экономическом образовании. – М.: «Дело», 2008. – 341 с. 9 Харченко Н.М. Экономическая статистика. – М.: ИТК «Дашков и Ко», 2010. – 296 с. 10 Кундиус П. Экономика агропромышленного комплекса. – М.: «Издательство КноРус», 2010. – 570 с. 11 Чуев И.Н., Чуева Л.Н. Комплексный анализ хозяйственной деятельности. – М.: ИТК «Дашков и Ко», 2010. – 420 с. 12 Дубина И.Н. Математико-статистические методы в эмпирических социально-экономических исследованиях. – М.: «Финансы и статистика», 2010. – 643 с

Ё.Абдуллаев, Б.А.Бегалов, Б.К.Ғайибназаров, К.С.Сафаева, Б.Т.Салимов, Б.Ю.Ходиев, Т.Ф.Фармонов, Р.Х.Хусанов, Ш.Р.Холмўминов, Т.Ш.Шодиев, Х.А.Шодиев, С.С. Ғуломов⁸ ва бошқалар сезиларли ҳисса қўшдилар. Ушбу олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни яхшилаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг энг самарали йўллари топишда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Аммо, алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар ва услубий ишланмалар фермер хўжаликларининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини статистик баҳолаш усуллари тақомиллаштириш нуқтаи назаридан ўрганилмаган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида ўз ўрнига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар сифатида фермер хўжаликларининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмларини ривожланиш тенденцияларига, ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига, уларнинг олган даромадларига таъсир этувчи омиллар ва шу асосда улар фаолияти самарадорлигини оширишнинг эконометрик усулларига асосланган ушбу докторлик диссертация ишининг мавзуси ислохотларнинг ҳозирги босқичида долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.
Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФМ-6 «Ўзбекистонда иқтисодиётни

⁸ Гулямов С.С., Догиль Л.Ф., Семенов Д. Предпринимательство и малый бизнес. – Т.: ТГЭУ, 1996; Абдуллаев А.М., Ходиев Б.Ю., Ишназаров А. Эконометрика. – Т.: ТГЭУ, 2007. – 467 с.; Шодиев Т., Хакимов Т. Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси нашриёти, 2005. – 271 б.; Беркинов Б.Б., Тошматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликлар ва уларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини ривожлантириш истиқболлари. –Т.: ТДИУ, 2008. – 147 б.; Махмудов Н.М., Сычева Н.И. Фермер хўжаликлари фаолиятини моделлаштириш. Ўқув қўлланма. Т.:2005 й; Махмудов Н.М., Аскарлова М.Т. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. Т.: «Иқтисодчи», 2014й; Сафаева Қ., Бекназарова К. Операцияларни текширишда математик усуллар. –Т.: Ўқитувчи, 1984. – 340 б; Шодиев Х.А. Молия статистикаси. –Т.: Ибн-Сино, 2002. – 319 б; Т.Ф. Фармонов. Фермер хўжаликларининг ривожлантириш истиқболлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 178 б.

эркинлаштириш шароитида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини ошириш ва уни статистик-эконометрик баҳолаш усулларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида фермер хўжаликларини тутган ўрни ва ролини статистик таҳлил қилиш;

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омили сифатида фермер хўжалигининг фаолиятини статистик тадқиқ этиш;

фермер хўжаликларини ривожлантиришда илғор мамлакатлар тажрибалари ва улардан фойдаланишниинг асосий йўналишларини статистик тадқиқ этиш;

фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни индекс таҳлил қилиш;

фермер хўжаликларининг самарадорлиги динамикасини миқдорий баҳолаш;

фермер хўжаликларининг самарадорлигини корреляцион-регрессион таҳлил методи асосида статистик баҳолаш;

фермер хўжаликларининг самарадорлигини анкета-сўровномалари асосида статистик баҳолаш;

фермер хўжаликларининг даромадларини «Probit» ва «Logit» моделлари асосида эконометрик моделлаштириш;

фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини «Panel data» модели асосида эконометрик моделлаштириш;

фермер хўжаликларининг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар «гипотезаси» услубиятини такомиллаштириш;

фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини «Holt Winter seasonal» модели орқали 2022-2026 йилларга прогнозлаштириш;

фермер хўжалиklarининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини статистик баҳолаш усуллари истиқболларини аниқлаш;

фермер хўжалиklarининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини статистик баҳолаш усуллари такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиklари, монографик тадқиқот сифатида Сирдарё вилояти фермер хўжалиklари танланган.

Тадқиқотнинг предмети фермер хўжалиklarининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқот илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фермер хўжалиklари даромадига таъсир этувчи омилларни баҳолаш методологияси хўжалиklarда янги иш ўринларини яратиш, ҳосилдорлик ва бозор хизматларининг ортиши, ер олиш имкониятларининг кенгайиши каби омилларнинг мақсадли комбинацияси неизида такомиллаштирилган ҳолда “Probit” ва “Logit” моделларининг аниқлик даражаси оширилган;

фермер хўжалиklари хусусиятларига кўра анкета-сўровномалар натижа-маълумотларини маълумотлар базаси таркибига киритилган ҳолда фермер хўжалиklари самарадорлигини статистик баҳолаш методологияси такомиллаштирилиб, “Google format” дастурий таъминоти учун махсус алгоритм ишлаб чиқилган;

фермер хўжалиklари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар “гипотеза”га асосланган ёндашув суғориладиган ер моҳиятига сув ресурсларининг жараёнда бевосита қатнашиши, сувни миллий бойлик таркибида ҳисоблаган ҳолда ер (тупроқ)нинг табиий унумдорлик даражасини мезон қилиб олган ҳолда логирфмланган қийматларга кўра такомиллаштирилган;

фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқаришига таъсир этувчи омиллар, уларга бириктирилган ер майдони асос омилидан келиб чиққан ҳолда “Panel data” модели методологияси такомиллаштирилган ҳамда фермер хўжалиklarини ривожлантириш, жумладан, Сирдарё вилоятида кўп тармоқли фермер хўжаликлари экинлар майдонини мақбуллаштириш, янги токзорлар ташкил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокида хўжаликларга замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш асослаб берилган;

фермер хўжалиklarининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган кўп вариантли прогноз сценарийлари асосланиб, унга кўра “Holt Winter seasonal” модели такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

фермер хўжалиklarининг даромадига таъсир этувчи энг кучли ва кучсиз ижобий ҳамда салбий омиллар таъсирини “Probit” ва “Logit” моделлари асосида эконометрик моделлаштириш фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини статистик баҳолашга ёрдам берди. Модель фермер хўжалиklarининг даромадига ижобий таъсир этувчи омилларни таққослаш ва баҳолаш учун хизмат қилди ҳамда амалиётда даромадни ошишига имкон яратди;

анкета-сўровномалари асосида фермер хўжалиklarининг фаолияти тўғрисида аниқ, шаффоф ва сифатли маълумотлар олиш ҳамда уларни таҳлил қилиш имконияти яратилди ва “Google format” дастурий таъминот учун алгоритм ишлаб чиқилиши натижасида фермер хўжалиklarини рўйхатга олиш методологияси амалиётга тадбиқ этилди;

фермер хўжалиklarининг фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар “гипотезаси” услубияти логирфмланган қийматлар асосида яратилиши натижасида уларнинг самарадорлик даражаси аниқланиб, энг кучли таъсир этувчи омиллар кенгроқ амалиётга жорий этилди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича фермер хўжалиklarининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омиллар “Panel data” дастури асосида эконометрик моделлаштириш методологиясини

амалиётга жорий қилиниши статистик таҳлил қилиш имкониятларини янада кенгайтирди;

фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми “Holt Winter seasonal” силлиқлаш модели орқали 2022-2026 йилларга прогноз қилиниши натижасида бир неча вариантдаги прогноз сценарийлари ишлаб чиқиши бир қатор стратегик, шу жумладан, макроиқтисодий муаммоларни ҳал қилишга имкон берди;

Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сонли буйруғига асосан чоп этилган “Қишлоқ хўжалиги статистикаси” фанидан тайёрланган дарсликда ва 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғига асосан чоп этилган “Қишлоқ хўжалиги статистикаси” фанидан тайёрланган ўқув қўлланмасида ўз аксини топган. Дарслик ва ўқув қўлланмадан ОТМ ларининг Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” бакалавриат таълим йўналиши талабалари “Қишлоқ хўжалиги статистикаси” фанининг маъруза ва амалий машғулотларида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар прогноз кўрсаткичлари самарадорлигининг статистик усуллари воситасида илмий асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда олинган натижалардан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги тизими муассасалари томонидан кенг фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқотда илмий асосланган ғоя ва услубий ишланмалар фермер хўжаликларининг фаолиятини иқтисодий қўллаб-қувватлашда мураккаб кўп омилли жараёнларни статистик тадқиқ

этиш, белгиланган мақсадга эришиш учун самарали қарорлар қабул қилиш, узоқ муддатда мўлжалланган комплекс дастурлар ишлаб чиқиш асосида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғини мониторинг ва статистик таҳлил қилиш ҳамда прогнозлашни янада сифатли амалга ошириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини юқори аниқлик даражасида статистик баҳолашга имкон бериши, олинган хулосалар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги томонидан таъсир этувчи омиллар ҳисобга олган ҳолда ялпи маҳсулот ҳажмини прогнозлаш ва махсус дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланилиши ҳамда таклиф қилинган такомиллаштирилган усуллар статистика идораларининг турли даражаларида қўлланилиши, олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналиши бўйича «Қишлоқ хўжалиги статистикаси», «Статистика», «Иқтисодий статистика», «Эконометрика», магистратура мутахассислигининг «Амалий эконометрика», «Эконометрик методлар» каби фанлари ўқув дастури, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуаларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Фермер хўжаликларининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини статистик баҳолаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хўжаликларда янги иш ўринларини яратиш, ҳосилдорлик ва бозор хизматларининг ортиши, ер олиш имкониятларининг кенгайиши каби омиллар негизида фермер хўжаликлари даромадлигига таъсир этувчи омилларни комплекс баҳолашнинг такомиллаштирилган методологиясидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

қисқартириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фермер хўжалиklarини ривожлантириш ва ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 4 августдаги 06/31-1-10/10-3892-сонли маълумотномаси; Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2022 йил 7 июндаги 01/03-1505-сонли маълумотномаси). Натижада фермер хўжаликлари даромадига таъсир этувчи энг кучли ижобий омиллар комбинациясига кўра даромад позицияларини оширишнинг кўшимча имконият ва уларнинг аниқлик даражасини оширишга эришилган;

фермер хўжалиklarида маълумотлар базаси таркибига соҳа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда анкета-сўровномалар натижа-маълумотлари киритилган ҳолда фермер хўжалиklarи самарадорлигини статистик баҳолашнинг такомиллаштирилган методологиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 20 июль 2019 йилдаги 654-сонли буйруғига асосан чоп этилган «Қишлоқ хўжалиги статистикаси» фани дарслиги мазмунига сингдирилган ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фермер хўжалиklarини ривожлантириш ва ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланган. (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 4 августдаги 06/31-1-10/10-3892 сонли маълумотномаси ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2022 йил 7 июндаги 01/03-1505 – сонли маълумотнома) Ушбу таклифни жорий этиш натижасида анкета-сўровномаларида қатнашган 150 та фермер хўжалиklarи фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни бартараф этиш чоралари амалга оширилди ҳамда иқтисодий-статистик кўрсаткичларни очик, шаффоф эълон қилиш имконияти кенгайтирилди ва «Google format» дастурий таъминоти учун алгоритм ишлаб

чиқилиши натижасида фермер хўжаликларини рўйхатга олиш методологияси амалиётга тадбиқ этилган;

фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омилларни баҳолашнинг «гипотеза»га асосланган ёндашув суғориладиган ер моҳиятига сув ресурсларининг жараёнда бевосита қатнашиши, сувни миллий бойлик таркибида ҳисобланган, ер (тупроқ)нинг табиий унумдорлик даражасини мезон қилиб олган ҳолда логирфмланган қийматларга кўра такомиллашган ёндашув Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 20 июль 2019 йилдаги 654-сонли буйруғига асосан чоп этилган «Қишлоқ хўжалиги статистикаси» фани дарслиги мазмунига сингдирилган ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларининг иқтисодий кўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини статистик баҳолаш усулларини такомиллаштириш учун амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2022 йил 7 июндаги 01/03-1505-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши суғориладиган ерлар ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг услубий асосларини такомиллаштиришга, фермер хўжаликлари самарадорлигига таъсир этувчи омиллар, жумладан, инвестициялар, асосий капитал, бандлик кабилардан мақсадли, натижада самарали фойданиш бўйича қўшимча имкониятлар яратилишига хизмат қилган;

фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқаришига таъсир этувчи омилларидан келиб чиққан ҳолда «Panel data» модели методологияси такомиллаштирилган ҳамда фермер хўжаликларини ривожлантириш, жумладан, Сирдарё вилоятида кўп тармоқли фермер хўжаликларининг экинлар майдонини мақбуллаштириш, янги токзорлар ташкил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокида хўжаликларга замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш бўйича таклифлардан Сирдарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш,

хуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича 2021 йил учун «Йўл харитаси» ни, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»ни амалга оширишга оид Сирдарё вилоятини иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 4 августдаги 06/31-1-10/10-3892-сонли маълумотномаси; Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2022 йил 7 июндаги 01/03-1505-сонли маълумотномаси). Таклифлардан фойдаланиш фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштиришда мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш имкониятини яратган ҳамда такомиллашган эконометрик модел асосида фермер хўжаликлари сонининг ўзгариши ҳисобига POLS модели бўйича 0,0075 фоизга, FDE модели бўйича 0,0019 фоизга камайиши, REE модели бўйича 0,0075 фоизга, FEE модели бўйича эса 0,0051 фоизга ошиши ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлашга хизмат қилган;

ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларга комплекс ёндашган ҳолда фермер хўжалиқларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини 2022-2026 йилларга мўлжалланган кўп вариантли прогноз сценарийлари ва унга кўра такомиллашган «Holt Winter seasonal» силлиқлаш моделидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фермер хўжалиқларини ривожлантириш ва ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 4 августдаги 06/31-1-10/10-3892 сонли маълумотномаси ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2022 йил 7 июндаги 01/03-1505-сонли маълумотномаси). Натижада миллий ҳисоблар тизими стандартлари асосида фермер хўжалиқларида қўлланиладиган статистик ҳисоботларни халқаро даражаларда баҳолаш ва прогноз услубини ахборотлар базаси янада

кенгайтирилиб, 2026 йилда фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариши ҳажми пессемистик прогноз бўйича 124516 млрд сўм, ўртача прогноз бўйича 136438 млрд.сўм, оптимистик прогноз бўйича 148360 млрд.сўмни ташкил этиши юқори аниқлик даражасида асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг асосий ғояси ва натижалари маърузалар шаклида 7 та халқаро ва 23 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган, шулардан 2 таси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижалари бўйича чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 18 та илмий мақола, жумладан, 12 таси республикамиз ва 6 таси хорижий журналларда, 30 та тезис, шундан 7 та халқаро, 23 та республика илмий-анжуманларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 185 бетни ташкил этади.

I БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистон миллий иқтисодиётида фермер хўжаликларининг тутган ўрни ва роли

Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил танлаган тараққиёт йўлидан бориб, ислохотларни янада чуқурлаштириш, бозор муносабатлари тизимини шакллантириш, турли тармоқлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш вазифаларини амалга ошириб келмоқда. Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда иқтисодий ўсиш сиёсати иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш заруратини кўрсатмоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида таркибий ислохотлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётда нодавлат сектор улушини ошириш, корхоналарни янги технология ва жиҳозлар билан жиҳозлашга йўналтирилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев бошчилигида иқтисодиётимизда замонавий бозор талабларига мувофиқ чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш асосий мақсадлардан бири сифатида белгилаб олинди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев: “Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирамиз. Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда эса 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур”⁹ – деб таъкидлаб ўтган эди. Албатта, мамлакатнинг жаҳон хўжалиги тизимига фаол кириб бориши учун иқтисодиётда статистика маълумотларини очиқлигини таъминлаш каби таркибий ислохотлар муаммосига алоҳида аҳамият берилишини тақозо этади. Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида иқтисодиётнинг қишлоқ, ўрмон

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).

ва балиқчилик хўжалиги тармоғида фермер хўжаликларини таркибий жиҳатидан ўзгартириш, уларни техника билан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ўта муҳим масала сифатида қараш зарурлиги давр талабидир.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги янги таҳрирдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида: “Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир”¹⁰ - деб таъриф берилган.

Россия Федерациясининг 2003 йил 11 июндаги “Дехқон (фермер) хўжалиги тўғрисида”ги № 74-ФЗ-сонли (2021 йил 6 декабрдаги янги таҳрирда) Федерал қонунида фермер хўжалигига “Дехқон (фермер) хўжалиги (кейинги ўринларда фермер хўжалиги) деганда қариндошлик ва (ёки) мол-мулк билан боғлиқ бўлган, умумий мулкка эга бўлган ҳамда ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик фаолиятини (ишлаб чиқариш, қайта ишлаш,) биргаликда амалга оширадиган фуқароларнинг бирлашмаси тушунилади”¹¹ - деб таъриф берилган.

Бизнинг фикримизча “Фермер хўжалиги ижарага бириктирилган ер участкаларидан фойдаланиш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектидир” деб таъриф бериш халқаро андозаларга тўлиқ мос келишини таъминлайди.

Республикамиз қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар натижасида аграр соҳанинг ривожига таъсир этувчи иқтисодий кўрсаткичларнинг ролини мунтазам ошириб бормоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил 26 август.

¹¹ Россия Федерациясининг 2003 йил 11 июндаги «Дехқон (фермер) хўжалиги тўғрисида»ги № 74-ФЗ-сонли (2021 йил 6 декабрдаги янги таҳрирда) Федерал қонуни.

қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида етиштирилган маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми жорий нархларда 2010 йилда 32746,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 317781,6 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда, 2021 йилда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,0 %га ошган (10-11 иловага қаранг).

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми жорий нархларда 2010 йилда 30856,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 302524,9 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда, 2021 йилда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,6 %га ошган (8-9 иловага қаранг).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай натижаларга ўзбек халқимизнинг фидокорона меҳнати, табиий ва иқтисодий омиллардан, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш эвазига эришилмоқда.

1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ЯИМ, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҚҚ, фермер хўжаликлари ЯИЧ ҳажмининг ўзгариш динамикаси¹²

| Йиллар | ЯИМ, (таққослама баҳоларда) млрд. сўм | Ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари, %да | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҚҚ, (таққослама баҳоларда) млрд. сўм | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҚҚ нинг ўсиш суръатлари, %да | Фермер хўжаликлари ЯИЧ, (таққослама баҳоларда) млрд. сўм | Фермер хўжаликлари ЯИЧ нинг ўсиш суръатлари, %да |
|--------|--|---|--|---|---|---|
| 2010 | 380264 | 107,2 | 113475 | 106,1 | 55428 | 106,4 |
| 2011 | 408784 | 107,5 | 120396 | 106,1 | 58753 | 106,0 |
| 2012 | 437807 | 107,1 | 128823 | 107,0 | 62984 | 107,2 |
| 2013 | 469766 | 107,3 | 137069 | 106,4 | 66889 | 106,2 |
| 2014 | 502180 | 106,9 | 145429 | 106,0 | 71103 | 106,3 |
| 2015 | 538338 | 107,2 | 154300 | 106,1 | 75369 | 106,0 |
| 2016 | 577097 | 105,9 | 163867 | 106,2 | 80117 | 106,3 |
| 2017 | 602490 | 104,4 | 165833 | 101,2 | 80918 | 101,0 |
| 2018 | 635 024 | 105,4 | 166331 | 100,3 | 81080 | 100,2 |
| 2019 | 671 220 | 105,7 | 171487 | 103,1 | 83756 | 103,3 |
| 2020 | 683 974 | 101,9 | 176460 | 102,9 | 85598 | 102,2 |
| 2021 | 734588 | 107,4 | 183519 | 104,0 | 88337 | 103,2 |

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (таққослама баҳоларда) 2010 йилда 380263,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 734587,7 млрд. сўмни ташкил этган. 2021 йилда 2010 йилга нисбатан 354324,6 млрд. сўмга ёки 93,1 %га ошган.

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010-2021 йиллар бўйича статистик тўпламлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий таянчи бўлган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, фермер хўжалиklarининг экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи ялпи ишлаб чиқаришига янги ва илғор технологияларни жорий этиш, самарали техникалар паркини кенгайтириш, янги экин навлари ва зотдор чорва моллари кўпайтириш, уруғчилик-селекция ишларини тубдан ўзгартириш борасида пухта ўйланган ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ялпи қўшилган қиймати (таққослама баҳоларда) 2010 йилда 113473,6 млрд. сўмни, 2021 йилда 183518,5 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда, 2021 йилда 2010 йилга нисбатан 70044,9 млрд. сўмга ёки 61,7 %га ошганлигини кўришимиз мумкин.

Ўтган 2010-2021 йиллар оралиғида фермер хўжалиklари ялпи ишлаб чиқариш қиймати ҳам таққослама баҳоларда ўсиб бориш суръатига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич таққослама баҳоларда 2010 йилдаги 55427,7 млрд. сўмдан 2021 йилда 88337,3 млрд. сўмга ошган. Ўтган ўн бир йил оралиғида фермер хўжалиklари ялпи ишлаб чиқариш қиймати 32909,6 млрд. сўмга ёки 59,4 %га ортган (1.1-жадвал).

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ республикаимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини, қайта ишлаш саноати корхоналарининг эса хом-ашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр сектор соҳаларида тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги бозори учун зарур бўлган барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой саноатига хом-ашё етказиб бериши билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё-саноати ва бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кафолатли бозор ҳамдир.


**Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида фаолият
юритаётган фермер хўжаликлар сонининг ўзгариш динамикаси¹³**

(Бирликда)

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | | | | | | | 2021 йилда 2010 йилга нисбатан |
|--------------------------------|---------------|---------------|---------------|--------------|--------------|--------------|---------------|---------------|---------------|--------------|---------------|---------------|--|
| | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | |
| Ўзбекистон Республикаси | 221033 | 222111 | 227515 | 91154 | 83293 | 97492 | 134262 | 147833 | 151957 | 92554 | 102992 | 107622 | -113410 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 9424 | 9353 | 9408 | 3632 | 3684 | 5155 | 5569 | 6592 | 6919 | 5567 | 6115 | 6385 | -3039 |
| <i>Вилоятлар:</i> | | | | | | | | | | | | | |
| Андижон | 16142 | 16398 | 16979 | 7175 | 7046 | 8905 | 12581 | 13180 | 12028 | 7970 | 8537 | 9001 | -7141 |
| Бухоро | 13539 | 13540 | 13749 | 4233 | 4337 | 5154 | 7255 | 7835 | 7666 | 6196 | 6475 | 6702 | -6837 |
| Жиззах | 11324 | 11432 | 12123 | 6548 | 6771 | 8797 | 10629 | 10476 | 11618 | 7538 | 8399 | 8949 | -2374 |
| Қашқадарё | 30097 | 29982 | 30468 | 14406 | 10477 | 12334 | 16873 | 19470 | 20682 | 11440 | 14151 | 14842 | -15255 |
| Навоий | 7302 | 6983 | 6893 | 1876 | 1882 | 2303 | 3442 | 4191 | 4475 | 2979 | 3167 | 3169 | -4133 |
| Наманган | 14014 | 14086 | 14616 | 6423 | 5784 | 6531 | 8339 | 9273 | 10230 | 6267 | 7012 | 7158 | -6856 |
| Самарқанд | 25972 | 26341 | 27450 | 10106 | 10123 | 11993 | 19944 | 21844 | 21452 | 11411 | 12599 | 12933 | -13039 |
| Сурхондарё | 15638 | 15627 | 15935 | 6294 | 5127 | 6261 | 9020 | 10444 | 10521 | 6137 | 7214 | 7741 | -7897 |
| Сирдарё | 12159 | 12745 | 13388 | 6975 | 6480 | 6056 | 6252 | 6301 | 6545 | 4043 | 4743 | 5179 | -6980 |
| Тошкент | 19811 | 19628 | 20093 | 9289 | 7619 | 8287 | 14217 | 15265 | 15405 | 7630 | 8000 | 8091 | -11720 |
| Фарғона | 26389 | 27029 | 27446 | 9164 | 8822 | 9161 | 11485 | 13975 | 15047 | 10950 | 11693 | 12409 | -13980 |
| Хоразм | 19222 | 18867 | 18967 | 5033 | 5141 | 6653 | 8656 | 8987 | 9369 | 4426 | 4887 | 5063 | -14159 |

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари сони 2010 йилда 221032 тани ташкил этган бўлса, фермер хўжаликларининг ер участкаларини оптималлаштирилгандан кейин 2021 йилда фермер хўжаликлари сони 107622 тани ташкил қилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16 март 2010 йилдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш яқунлари тўғрисида”ги 47-сонли Қарорига асосан, 1 та фермерга тўғри келадиган ер участкасининг ер майдони 62,4 гектарни ташкил қилган.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010-2021 йиллар бўйича статистик тўпламлари асосида муаллиф томонидан тузилди




1.1-расм. Фермер хўжаликлари сонининг ўзгариш динамикаси¹⁴,
бирликда

Ўтган 2021 йилда фермер хўжаликларининг ер майдонларини оптималлаштириш ишлари янада изчиллик билан давом эттирилди. Бугунги кунда мамлакатимизда жами 107622 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда (1.1-расм).

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларга бириктирилган ер майдони 2010 йилда 5826,8 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 5822,3 минг гектарни ташкил этган ҳолда, 2021 йилда 2010 йилга нисбатан 4,5 минг гектарга ёки 0,1 фоизга камайган. Фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонлари камайишининг асосий сабабларидан бири уларга бириктирилган ер майдонларида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун ер ажратилаётганлиги ҳисобланади.

Шу билан бирга, фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонлари 2010 йилда 5826,8 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 5822,3 минг гектарни ташкил қилди. 2021 йилда 2010 йилга нисбатан 4,5 минг гектарга ёки 0,1 фоизга камайган (1.2-расм).

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.



1.2-расм. Фермер хўжаликларига ер майдонининг ўзгариш динамикаси
(минг гектар ҳисобида)¹⁵

Мамлакат аграр секторида иқтисодийни модернизация қилиш хўжалик юртишнинг кўп босқичли тизимини шакллантириш талабини келтириб чиқарди. Шу сабабли, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида хўжалик шакллариининг фаолият юртиши учун ташкилий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан кўрсатиб берилган Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишида қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев: - “Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш бўйича изланишларимизни давом эттирамыз”¹⁶ - деб таъкидлаб ўтганлари беъжиз эмас.

Мамлакатимизда агросаноат мажмуидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш,

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010-2021 статистик тўпламлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).

қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, мустақиллигимизнинг дастлабки дақиқаларидан эътиборимиз марказида бўлиб келаётган устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтисодийни модернизация қилиш шароитида тармоқлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш мақсадида ислохотларни янада чуқурлаштириш вазифалари амалга ошириб келинмоқда. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида олиб борилаётган ишлар таркибий ўзгаришларни амалга ошириш заруратини кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарини янги технология ва жиҳозлар билан жиҳозлаш, таркибий ислохотлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётда нодавлат сектор улушини ошириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларига банд бўлганлар сони 2021 йилда 712,7 минг кишини, 2010 йилда 1338,9 минг кишини ташкил этган. 2021 йилда 2010 йилга нисбатан 626,2 минг кишига ёки 46,8 фоизга камайган.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ялпи ишлаб чиқаришининг улуши хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланишини республикамиз ҳудудлар миқёсида таҳлил қилганимизда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги вақтда юртимизда жами суғориладиган ерларнинг қарийб 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг қарийб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир, 23 фоиздан ортиғи эса бонитети паст ерлар тоифасига киради.

Бугунги кунда унумдор ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш ва унумдорлигини оширишга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини бундан буён ҳам кўпайтириб боришимиз зарур. Айни пайтда ушбу мақсадлар учун йўналтирилаётган катта миқдордаги маблағлардан

фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни мақсадли ишлатиш, замонавий технологиялар ва техникани жорий этиш борасидаги ишларни ҳам тартибга солиш лозим.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Агар соҳадаги асосий эътибор Ўзбекистон Республикасидаги фермер хўжалиklarининг асосий кўрсаткичлари динамикасининг ўзгаришини ўрганишга қаратилади.

1.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиklари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари¹⁷

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | | | 2021 йил 2010 йилга нисбатан | |
|---|--------|--------|--------|--------|--------|---------|---------|---------|------------------------------|-------|
| | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | (+;-) | % |
| Фермер хўжалиklари сони, дона | 78856 | 96081 | 132356 | 146618 | 151099 | 92 554 | 102 992 | 107 622 | 28 766 | 136,5 |
| Фермер хўжалиklарига бириктирилган ер майдони, минг га | 5839,8 | 5812,8 | 5806,2 | 6207,6 | 6310,2 | 6 313,6 | 6 102,9 | 5822,3 | -18 | 99,7 |
| 1 фермер хўжалигига ўртача тўғри келадиغان ер майдони, га | 79,5 | 73,7 | 43,9 | 42,3 | 41,8 | 68,2 | 59,3 | 54,1 | -25 | 68,1 |
| Жами экин майдони, минг га | 3678,2 | 3694,2 | 3706,7 | 3474,5 | 3396,0 | 2 623,2 | 2 545,6 | 2 477,6 | -1 201 | 67,4 |
| шундан: | | | | | | | | | | |
| Дон экинлари жами, минг га | 1655,6 | 1671,1 | 1689,4 | 1655,6 | 1643,2 | 1 334,1 | 1 317,6 | 1 273,9 | -382 | 76,9 |
| Техник экинлари жами, минг га | 1372,3 | 1368,7 | 1333,9 | 1253,3 | 1150,5 | 1 009,5 | 954,5 | 896,8 | -476 | 65,4 |
| шундан: пахта, минг га | 1301,5 | 1298,1 | 1265,1 | 1201,2 | 1108,2 | 972,9 | 916,0 | 853,0 | -449 | 65,5 |
| Картошка, минг га | 80,3 | 80,6 | 84,6 | 78,7 | 86,8 | 11,1 | 11,2 | 16,4 | -64 | 20,4 |

Жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриниб турибдики, 2020 йилда фермер хўжалиklари сони 107622 тани ташкил этган бўлса, 2014 йилда 78856 тани ташкил этган. 2021 йилда 2014 йилга 28766 тага ёки 36,5 фоизга ошган (1.3-жадвал).

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш таъминланаётган йилларда Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиklарининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилганимизда, Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони 3708,4 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2021 3260,7 минг гектарни ташкил қилди. 2021 йилда 2010 йилга нисбатан 447,7

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2014-2021 йиллар бўйича статистик тўпламлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

минг гектарга камайган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти эса 2010 йилда, 30856,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 302524,9 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда 2021 йилда 2010 йилга нисбатан 271668,2 млрд. сўмга ошган. Фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқаришини ўсиш суръати 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 3,6 фоизга ошган. Бу ҳолат республикада қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантирилишини тақозо этмоқда (5-иловага қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев: - “Кейинги йилда кластер усулида пахта етиштиришни камида 52 фоизга етказиш учун 48 та пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга, ғалла ва мева-сабзавот кластерлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш керак. Бу соҳа биз учун нисбатан янги эканини инобатга олиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, кредит тизимини соддалаштириш, харажатларни субсидиялаш, ер ажратиш билан боғлиқ тартибларни қайта кўриб чиқиш талаб этилади”¹⁸ - деб таъкидлаб ўтди.

Бу масалаларни ҳал этиш учун қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ялпи ишлаб чиқариши билан узвий боғлиқ бўлган қайта ишлаш тармоқларининг ривожланишини таъминлашга эришиш, тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни истеъмолчиларга етказувчи тармоқларнинг ташкилий, техникавий, технологик, иқтисодий ва ижтимоий боғланишини таъминлаш лозим. Бунинг учун, фермер хўжалиги ялпи ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш учун янги қишлоқ хўжалиги техникалари, машиналари, кимёвий ва транспорт воситалари ҳамда мустаҳкам моддий-техника базасини барпо этиш керак. Фермер хўжалигининг келажақдаги ривожини даставвал унинг учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари фаолиятига

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//”Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230).

бевосита, шунингдек, аграр соҳанинг равнақи унга хизмат кўрсатувчи, яъни кишлок хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи, тармоқдаги машина-трактор ва бошқа техникаларни таъмирловчи, хўжалик объектларини қурувчи, ирригация-мелиорация ва кимё, транспорт хизматларини бажарувчи тармоқлар фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Фермер хўжалиги фаолияти ўзига хос хусусиятлари билан корхона, микрофирмалардан кескин фарқ қилади. Бу хусусиятларнинг асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёни табиий жараёнлар билан узвий боғланиб кетган. Бу мулкчилик шаклида маҳсулот ишлаб чиқариш нафақат меҳнат ҳисобига, шу билан бир қаторда тирик организмларни мустақил ривожланиши ҳисобига ҳам юзага келади. Шунинг учун фермер хўжалигида ер майдонлари, ўсимликлар, ҳайвонлар тўплами мавжуд. Натижада ер майдонлари, ўсимликлар ва чорва моллари статистик кўрсаткичлари билан тўлдирилади, кенгайтирилади.

2. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиб ер ҳисобланади. Ер фермер хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситасидир. У ишлаб чиқариш воситаси сифатида чегараланган, уни кўпайтириш, қайта ишлаб чиқариш имконияти йўқ. Шунинг учун ернинг физиологик хусусиятларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш жараёнини шундай ташкил этиш лозимки, натижада ернинг унумдорлиги камаймасин, балки ошиб борсин. Ушбу хусусият ер ва ундан фойдаланиш кўрсаткичларининг шаклланишида маълум даражада таъсир қилади.

3. Фермер хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнининг асосий хусусиятларидан бири – мавсумийлигидир. Ишлаб чиқариш жараёнини босқичлари тартиб билан қатъий кетма-кетликда бажарилиши лозим.

4. Фермер хўжалиги фаолиятини самарадорлигини ошириш жараёнида ўсимликлар ва ҳайвонларнинг қатнашиши ўзаро узвий боғланган маълум нисбатда ривожланадиган иккита тармоқни ўсимликчилик ва чорвачиликни

вужудга келтиради. Бу аграр соҳалар орасидаги боғлиқлик мос равишда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва табиий шароитларни ҳисобга олиб ҳудудлар бўйича жойлаштиришга олиб келади. Бу эса фермер хўжалигида ўзининг хусусиятларига эга бўлган ишлаб чиқариш турлари, ҳудудий ишлаб чиқариш комплексларини вужудга келтиради.

5. Фермер хўжалигида бозор муносабатларини ўрнатишга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилиши, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида турли хил мулк шаклидаги хўжаликларни вужудга келтирмоқда. Бу ўз моҳияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиб, ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича йирик, ўрта ва кичик хўжаликларга бўлинади. Мос равишда умумий ва ўзига хос статистик кўрсаткичлар тизимини юзага келишига сабабчи бўлади. Фермер хўжалигини бу хусусиятлари унинг ҳолати ва ривожланишини ўрганиш учун кўп миқдордаги статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишни талаб қилади.

Юқорида таклиф этилган барча масалалар фермер хўжаликлари фаолиятига татбиқ этилса, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида уларнинг янада ривожланишига жуда кўп шарт шароитлар яратилади.

Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг янги тури, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг самарали янги шакли сифатида фермерлик фаолиятини самарадорлигини ошириш – давр талаби бўлиб қолмоқда.

Мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш заруриятини даставвал мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда қарамоқ мақсадга мувофиқдир.

“Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак.

Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда ижтимоий тадбиркорлик асослари ва уни рағбатлантириш чоралари тўғрисида тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилади. Шунингдек, ҳукумат жорий йилда давлат дастурлари доирасида ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш орқали 500 мингта янги иш ўрни яратишни таъминлаши зарур”¹⁹.

Фермер хўжаликлари эришаётган ютуқлар аграр соҳа ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг энг самарали шаклларида бири эканини тасдиқламоқда. Йиллар давомида орттирилган тажрибамиз фермер хўжаликларини янада ривожлантириш учун бир қанча муҳим вазифаларни, уларнинг молиявий барқарорлигини, рақобатбардошлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни талаб этади.

Фермер хўжаликларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида аксарият фермер хўжаликларида ер майдони ҳажмининг кичиклиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига ва барқарор фойда олишга тўсқинлик қилди. Иқтисодий аҳволи ночор бўлган бундай фермер хўжаликлари ўзларини зарур техника воситалари ва айланма маблағ билан таъминлашга, банкдан кредит олиш учун гаров таъминоти қўйишга имконияти етмади, олинган қарз мажбуриятларини қоплаш учун тўловга қобиллик (ликвидлик) даражасига эга бўлмади. Энг муҳими, улар ўз харажатларини ўзи қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадларини муттасил ошириб бориш сингари бозор иқтисодиёти тамойилларига мос бўлиб тушмади.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, давлатимиз томонидан фермер хўжаликларининг экин майдонларини инвентаризациядан ўтказишни танқидий баҳолаш асосида фермерларга бириктирилган ер майдонларини мақбуллаштириш бўйича пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Мақбуллаштириш жараёни мобайнида фермер хўжаликларининг иқтисодий

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).

самарадорлигини ўстиришга имкон яратувчи қуйидаги омиллар эътиборга олинди:

- фермер хўжаликларининг жўғрофий жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, қандай соҳага ихтисослашганлиги бўйича республикамиз ҳудудларидаги аҳоли зичлигини эътиборга олиш;

- сув ресурсларини тежаб ишлатадиган янги агротехнологияларни амалиётга жорий этишга қулай муҳит яратиш;

- фермер хўжаликларининг техника билан таъминлаш учун молиявий имкониятларни ошириш;

- сурункали равишда зарар билан ишлаётган фермер хўжаликларининг фаолиятини тугатиш.

Хулоса қилиб айтганда, аграр соҳага бозор муносабатларини жорий этиш турли хилдаги мулкчилик шакллари, товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва рақобат муҳити мавжуд бўлишини талаб этади. Фермер хўжаликларини келажакда аграр соҳадаги мавқеини мустаҳкамлаб, қишлоқда яшовчиларнинг ҳаёт тарзида, кишилар онгида мулкдорлик, бошқарувчилик ҳисси билан шакллантириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1.2. Фермер хўжалигининг фаолиятини статистик тадқиқ этиш - озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омили

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мамлакат сиёсатининг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. БМТ бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотларини юқори даражада етиштириш ва тақсимлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни ўзгартириш кераклигини таъкидламоқда. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи аҳолини озиқ-овқат билан тўлиқ таъминлаш орқали даромад манбаини яратиб беради. Инсон манфаатлари йўлида ҳам қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи ривожланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев: - “Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун – шунга эътибор беринг – ҳар ойда қарийб 400

миллиард доллар миқдорида зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган”²⁰ – деб таъкидлаб ўтганлари бежиз эмас.

“2020 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 260,3 трлн. сўмни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар 251,8 трлн. сўмни, ўрмон хўжалиги – 6,7 трлн. сўмни, балиқчилик хўжалиги – 1,8 трлн. сўмни ташкил қилди”²¹.

Давлат ва давлатлараро даражада озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий мақсади иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларини мувозанатлаштиришдан иборат.

Аҳолининг ижтимоий гуруҳлари (оилалар) даражасида озиқ-овқат маҳсулотларини уларнинг миқдори, асортименти, сифати бўйича рационал меъёрларга мувофиқ овқатланишини таъминлаш зарур.

Мамлакатимиз аграр соҳасини статистик тадқиқ этиш озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳолатини тавсифлайди, озиқ-овқат маҳсулотларини олишда аграр салоҳиятни аниқлайди.

Аграр соҳа моддий-техника базасини статистик таҳлил қилишни амалга ошириш маркетинг соҳаси самарадорлигини статистик баҳолашга имкон беради. Статистик баҳолаш учун муҳим кўрсаткичлар – сарф-харажатларнинг турли мақсадларда маҳсулотни ишлатишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодиётни барқарорлаштириш, аграр соҳани ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш, мамлакатни озиқ-овқат билан тўла таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//”Халқ сўзи” газетаси, 30 декабр 2020 йил № 275–276 (7746–7747).

²¹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2020 йил яқунлари бўйича статистик ахборотномаси маълумотлари.

ихтисослаштирилган саноат корхоналарининг хом-ашёга бўлган эҳтиёжини етарли даражада қондириш энг зарур масалалардан бири ҳисобланган эди.

Давлат статистика қўмитасининг уй хўжаликлари танланма кузатувлари натижасида “2021 йилда уй хўжалиги аъзоларининг ўртача сони 5,1 кишини ташкил этди. Худудлар бўйича таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткич Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида (5,6 киши), энг қуйи кўрсаткич эса Тошкент шаҳрида (4,2 киши) қайд этилди”²².

Замонавий аграр иқтисодиёт мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Унинг ривожланиш ҳолати доимий эътиборга моликдир.

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг иқтисодий инқирозга учрашининг бир неча сабабларини кўриб чиқамиз:

1. Кўп йиллар мобайнида ерга эгаллик қилиш бўйича давлатнинг мулкӣ муносабатлари ҳукмронлиги иқтисодий ислоҳотларни юқори даражада амалга ошишига салбий жиҳатдан таъсир этган.

2. Аграр соҳа ялпи ишлаб чиқаришига фан-техниканинг ютуқларини амалга ошириш қийинлашиб қолган эди.

3. Аграр соҳа ишлаб чиқаришида ортиқча меҳнат ресурсларининг иш билан таъминлаш ҳукумат олдиға яна бир улкан муаммони қўйган эди.

4. Аграр соҳада механизациялаштириш даражасининг пасайиб кетганлиги, ишлаб чиқаришға жалб қилиш қимматлиги сабабли ишлаб чиқарувчиларда бунинг учун керакли маблағ етишмаган эди.

5. Аграр соҳа корхоналарини ривожлантириш учун керакли миқдордаги ссуда ва кредитларни олишнинг ҳаддан ташқари қийинлиги ҳам муҳим сабаблардан бири бўлган.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқдир”²³.

²² Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2020 йил якунлари бўйича статистик ахборотномаси маълумотлари.

²³ Mamatqulov B.X., Utanov B.Q. Qishloq xo‘jaligi statistikasi - (darslik) - T.: TDIU, 2019 – 242 bet.

Мамалакатимизда аграр сиёсатнинг асосий вазифаси бу каби муаммоларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш ва иқтисодий ислохотларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашдир.

Республикамиз қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида олиб борилаётган институционал ўзгаришлар натижасида бозор институтларини шакллантиришга эришилди.

Аҳоли фаровонлигини ифодалашда жами аҳолининг, оилаларнинг, алоҳида шахсларнинг умумий даромадлари муҳим аҳамиятга эга. 2020 йилда аҳолининг умумий даромадлари 401,5 трлн. сўмни ташкил этди.

1.4-жадвал

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳолининг реал умумий даромадлари ва аҳоли жон бошига ўртача реал умумий даромадларининг ўзгариш динамикаси²⁴

| № | Ҳудудлар номи | Жами, млрд. сўм | | 2020 йилда 2019 йилга нисбатан, % да | Аҳоли жон бошига ўртача, минг сўм | | 2020 йилда 2019 йилга нисбатан, % да |
|-----|------------------------------------|-----------------|---------------|---|--------------------------------------|--------------|---|
| | | 2019 йил | 2020 йил | | 2019 йил | 2020 йил | |
| | Ўзбекистон Республикаси | 346184 | 355531 | 102,7 | 10324 | 10386 | 100,6 |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 14725 | 15520 | 105,4 | 7801 | 8121 | 104,1 |
| | вилоятлар: | | | | | | |
| 2. | Андижон | 30274 | 30153 | 99,6 | 9753 | 9549 | 97,9 |
| 3. | Бухоро | 24225 | 24661 | 101,8 | 12692 | 12742 | 100,4 |
| 4. | Жиззах | 12564 | 13105 | 104,3 | 9183 | 9385 | 102,2 |
| 5. | Қашқадарё | 28460 | 28773 | 101,1 | 8770 | 8699 | 99,2 |
| 6. | Навоий | 16150 | 17410 | 107,8 | 16319 | 17315 | 106,1 |
| 7. | Наманган | 22336 | 22894 | 102,5 | 8032 | 8064 | 100,4 |
| 8. | Самарқанд | 34511 | 36478 | 105,7 | 9000 | 9324 | 103,6 |
| 9. | Сурхондарё | 22316 | 22673 | 101,6 | 8582 | 8540 | 99,5 |
| 10. | Сирдарё | 7889 | 7849 | 99,5 | 9431 | 9195 | 97,5 |
| 11. | Тошкент | 31410 | 33043 | 105,2 | 10778 | 11134 | 103,3 |
| 12. | Фарғона | 29223 | 29282 | 100,2 | 7876 | 7734 | 98,2 |
| 13. | Хоразм | 20042 | 20102 | 100,3 | 10824 | 10694 | 98,8 |
| 14. | Тошкент ш | 52404 | 53452 | 102 | 20636 | 20368 | 98,7 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳолининг реал умумий даромадлари 355,5 трлн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,7 %га ошди, аҳоли жон бошига эса 10385,8 минг сўмни ташкил этган. Ўзбекистон

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ҳисобланган реал умумий даромадларининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида (20367,5 минг сўм) кузатилди. Шунингдек, Навоий (17314,5 минг сўм), Бухоро (12742,2 минг сўм), Тошкент (11133,6 минг сўм) ва Хоразм (10693,6 минг сўм) вилоятларида республика даражасидан юқори кўрсаткич қайд этилди. Энг қуйи кўрсаткичлар эса Фарғона вилоятлари (7734,4 минг сўм), Наманган (8063,8 минг сўм) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (8121,2 минг сўм) кузатилди (1.4-жадвал).

Монографик тадқиқот сифатида Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари томонидан ғалла етиштириш ҳажми ва прогноз даражасини ўрганилди ҳамда қуйидаги натижаларга эришилди.

1.5-жадвал

Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари томонидан ғалла етиштириш ҳажми ва прогноз даражаси²⁵

| Йиллар | Фермер хўжаликларида ғалла етиштириш ҳажми, центнер, (Y) | Шартли йиллар, t | t ² | Yt | Yt | Йиллар прогноз | t | Фермер хўжаликларида ғалла етиштириш ҳажми, центнер, (Y) |
|-------------|--|------------------|----------------|---------------|-----------------|----------------|----|--|
| 2009 | 3201122 | -6 | 36 | -19206732 | 3930476 | 2022 | 7 | 3961507 |
| 2010 | 3589690 | -5 | 25 | -17948450 | 3932863 | 2023 | 8 | 3963894 |
| 2011 | 3750085 | -4 | 16 | -15000340 | 3935250 | 2024 | 9 | 3966281 |
| 2012 | 4029571 | -3 | 9 | -12088713 | 3937637 | 2025 | 10 | 3968668 |
| 2013 | 4182165 | -2 | 4 | -8364330 | 3940024 | 2026 | 11 | 3971055 |
| 2014 | 4407874 | -1 | 1 | -4407874 | 3942411 | | | |
| 2015 | 4669736 | 0 | 0 | 0 | 3944798 | | | |
| 2016 | 4696279 | 1 | 1 | 4696279 | 3947185 | | | |
| 2017 | 4739277 | 2 | 4 | 9478554 | 3949572 | | | |
| 2018 | 3468934 | 3 | 9 | 10406802 | 3951959 | | | |
| 2019 | 3450374 | 4 | 16 | 13801496 | 3954346 | | | |
| 2020 | 3515881 | 5 | 25 | 17579405 | 3956733 | | | |
| 2021 | 3581389 | 6 | 36 | 21488334 | 3959120 | | | |
| Жами | 51282377 | 0 | 182 | 434431 | 51282377 | | | |

Маълумотларни таҳлили натижасида шу маълум бўлдики, ахборот базаси сифатида Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари томонидан ғалла етиштириш ҳажмини аниқлашда 2009-2021 йиллардаги статистик ҳисоботлар маълумотлари, ўтказилган аниқ социологик тадқиқотлар натижаларидан

²⁵ Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг 2009-2021 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

фойдаланилди. 2026 йилда Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ҳажми 3971055 центнерни ташкил этиши кутилмоқда (1.5-жадвал).

“Мустақиллик йилларида мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор берилмоқда. Шу сабабли, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, юқори унумли ва самарали техникалар паркини кенгайтириш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг камровли, шу билан бирга пухта ўйланган ишлар амалга оширилди”²⁶.

Иқтисодиёт тармоқларида туб ўзгаришларни амалга оширишда иқтисодий ислохотларга қаратилган чора-тадбирлар ва улардан кўзда тутилган мақсад – мамлакат аҳолиси учун яхши яшаш шароитларини яратиш, маънавий-ахлоқий етуқлигига эришиш, иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат.

1.3. Фермер хўжаликларини ривожлантиришда илғор мамлакатлар тажрибалари ва улардан фойдаланишнинг асосий йўналишларини статистик тадқиқ этиш

Ўзбекистон Республикаси бюджетини шакллантиришда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида хўжалик субъектларининг асосий шакли – фермер хўжаликларининг ўрни муҳим ва етакчидир. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим мақсадларидан бири қишлоқ жойларда фермер хўжаликларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, ушбу жараён мамлакат иқтисодий ўсишини тезлаштиради ва аҳоли турмуш даражасининг фаровонлигини таъминлайди.

²⁶ В. Х. Mamatkulov Statistical analysis of factors affecting the volume of groom production of farms // South Asian Journal of Marketing & Management Research (SAJMRR)// ISSN: 2249-877X.Vol. 11, Issue 1, January 2021, Impact Factor: SJIF 2021= 7.642 <https://saarj.com>. 31-39 p.

Европа иттифоқига кирувчи мамлакатларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида картошка маркетинги уюшмаси, сут ишлаб чиқариш бирлашмаси каби ташкилотлар мамлакатдаги фермер ва бошқа тоифа хўжалик субъектларини бир йўналишда бирлаштириб туради. Бу эса ташкилотларнинг вазифаси фермерлар фаолиятига бир қанча қулайликлар яратиш билан биргаликда мамлакат бўйича турли маҳсулотлар (картошка, сут)ни ишлаб чиқариш бўйича маркетинг ғояларини амалга оширишнинг илмий ҳамда услубий асосларини ишлаб чиқиб, уларни фермер хўжаликларини бошқаришга жорий этиш юзасидан иш олиб боради.

Фермер хўжаликларини бирлаштирувчи уюшмаларнинг ташкил топиши улар учун бир қатор имкониятларни яратади:

– фермерлар иқтисодий ва ҳуқуқий саводини оширишда муҳим роль ўйнайди. Масалан, махсус ўқув курслари, семинарлар ташкил этилиб, унга турли иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги институтларининг мутахассисларини жалб қилиш мумкин. Бу фермер хўжалигида янгиланишларни, илмий техник тадқиқотларни олиб бориши учун муҳимдир;

– фермер хўжалигини ташкил этишда бир қатор қулайликлар яратади. Мисол учун фермер ўз хўжалигини ташкил қилишни маҳаллий бошқарув органларида бўладиган югур-югур, оворагарчиликсиз ҳал этиш имкониятлари яратилади. Бунинг учун бўлажак фермер уюшмага керакли ҳужжатларни тақдим қилиши кифоя. Уюшмада ҳокимлик ва бошқа юқори ташкилотлар билан ишловчи, махсус ҳуқуқий билимга эга бўлган мутахассислар фаолият юритиб, хўжалик ташкил этилишидаги барча фаолиятни ўз зиммаларига олиши мумкин. Шунингдек, фермер ҳукуматимиз томонидан бериладиган имтиёзли кредитларни уюшмадаги бу соҳада маълум тажрибага эга бўлган мутахассислар кўмагида қўлга киритиш имконига эга бўлади;

– маҳаллий бошқарув органлари томонидан фермерлар фаолиятига ноқонуний аралашув, турли ташкилотлар билан тузилган шартномаларнинг

бузилиши ва бошқа ҳолларда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади;

– фермер хўжаликларига инвестицияни жалб этиш имконияти, ҳамда шу инвестицияларни молиялашнинг янги манбалари яратилади. Ҳозирги кунда янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, уларни молиявий маблағ ҳамда замонавий техниканинг етишмаслиги муаммоси қийнамоқда. Бунинг учун уюшма фермер хўжаликлари учун бизнес-режа ишлаб чиқиш, шартнома тузиш ва олинган кредит ёки инвестицияларни қайтариш муддатларини аниқлашда ҳамда бу борада қилинадиган ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашади;

– турли кредит уюшмалари ташкил топишига ёрдам беради. Бу эса бугунги кунда мамлакатимиз аграр тармоғидаги бир қатор муаммоларни ҳал этади. Масалан, ҳозирги кунда экин ерларининг катта қисми мелиоратив ҳолати ёмонлашган бўлиб, ирригация тизимлари, коллектор-дренаж тармоқларини қайта реконструкция қилиш учун хўжаликларда етарли маблағ мавжуд эмас. Яъни, бу масала битта хўжалик миқёсида ҳал қилинмайди. Бунинг учун маълум ҳудудда жойлашган хўжаликлар бирлашиб, маълум бир лойиҳани ишлаб чиқиши ва уни молиялаши мумкин;

– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқараётган хўжаликларни бирлаштириб, маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш имкониятларини яратади ва ҳоказо.

Ўзбекистон ҳозирги кунда ривожланаётган давлатлар қаторида бўлиб, унинг иқтисодида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи муҳим ўрин эгаллайди. Мустақилликнинг қўлга киритилиши, бозор иқтисодига ўтиш ислоҳотлари, меҳнатни ташкил қилишнинг янги шакллари ҳосил қилиниши, хусусий мулкка асосланган фермер хўжаликларининг кенгайиши ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари билан танишиш ва жорий қилишни талаб қилади.

Шундай экан хорижий давлатлардаги фермер хўжаликлари аҳволи тўғрисида тўхталишдан олдин уларда тўпланган тажрибалар ва уни мамлакатимиз фермер хўжалиklarини бошқаришга қўллаш имкониятларини кўриб чиқамиз.

Ҳозирги кунда Европа мамлакатларида икки ёки ундан ортиқ оилаларни мол-мулки ва ер майдонини бирлаштириш асосида юзага келувчи ҳамкорликдаги фермер хўжаликлари ривожланмоқда. Ҳамкорликдаги фермер хўжалиklarида ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижаси бўлмиш фойдани тақсимлашда, уларни хўжаликка қўшган ҳиссаси (ер, капитал ва меҳнат ресурслари бўйича) асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Францияда фермерлар ҳамкорлигининг бу кўринишини Биргаликда хўжалик юритиш бирлашмалари деб аташади. Унда аъзолар сони минимал иккита, максимал ўнта қилиб белгиланган. Биргаликда хўжалик юритиш бирлашмаларининг 50 фоизидан ортиғида аъзолар сони 2-3 тадан ошмайди ва асосан қариндошчилик белгиларига кўра бирлашиш одат тусига кирган.

Биргаликда хўжалик юритиш бирлашмалари ўртача 74 гектар ерга ишлов беради. Уларга аъзо бўлган оилалар ўз ер участкаси ва мулкига бўлган эгаликни сақлаб қолади, даромадни тақсимлашда эса аъзоларнинг хўжалиklarни мулкӣ хисси ва меҳнатда қатнашув даражаси ҳисобга олинади. Одатдаги оилавий хўжалиklarдан фарқ қилиб бундай хўжалиklarда аъзолар ўртасидаги меҳнат, бошқарув, даромадларнинг тақсимлаш муносабатлари, ҳуқуқӣ жиҳатдан низом асосида мустаҳкамлаб қўйилган бўлади.

Фермер хўжалиklarининг ҳамкорлиги тўғрисида фикр юритар эканмиз ерга нисбатан мулкӣ муносабат тўғрисида ҳам бир қанча фикрларни баён этишимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг табиий-иқтисодӣ шароити ернинг хусусӣ мулк объекти сифатида чиқишга имкон бермайди. Бизда суғориладиган ерлар чекланган, аҳолининг ўсиш суръатлари эса юқори. Шундай шароитда ерга хусусӣ мулкчилик жорий этилиб, ер атрофида олди-сотди муносабатлар

шакланса, маълум вақтдан кейин бу ўзининг салбий томонларини кўрсатади. Жумладан, бу ҳолат шунга олиб келадики, бир гуруҳ йирик ер эгалари ҳеч қандай ҳаражат қилмасдан ер майдонларидан келадиган рента ҳисобига ниҳоятда юқори даромад ола бошлайдилар. Худди шундай ҳолатни чет мамлакатлар тажрибасида ҳам кўриш мумкин.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, ер давлат мулки сифатида қолса ҳам деҳқонларга кенг хўжалик юритиш мустақиллигини бериш орқали юқори натижаларга эришиш мумкин. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида, жумладан, Японияда - 100 фоиз, Исроилда - 90 фоиз, Хитойда - 100 фоиз ер давлат мулки ҳисобланади. Деҳқонларга ер мерос қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгаликка ёки узоқ муддатли ижарага берилади. Кузатишлар шундан далолат берадики, ер давлат тасарруфида бўлса ҳам бу мамлакатларда қишлоқ хўжалиги самарадорлиги жуда юқори бўлади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина мамлакатларида ер ижараси кенг тарқалган. Масалан, АҚШ қишлоқ хўжалигида ер муносабатларининг ўзига хослиги шундаки, ишлаб чиқариш бир вақтни ўзида ҳам фермерларни хусусий ерларида, ҳам ижарага олинган ерларда юритилади. АҚШ бўйича фермерлар ихтиёридаги жами қишлоқ хўжалигидаги яроқли ерларнинг 34 фоизи уларни хусусий мулки бўлиб, қолган 66 фоизини ижарага олинган ерлар ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасида ерни узоқ муддатга ижарага беришни татбиқ этилиши деҳқонларнинг ерга бўлган муносабатини тубдан яхшилайдди, деҳқон ерни ҳосилдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича маблағ сарфлашдан чўчимайди, чунки у ердан узоқ муддатли ижара асосида фойдаланишини билади. Натижада, деҳқоннинг ерга бўлган муносабати ўзгариб боради.

Энди эса дунёдаги бир қатор давлатларда фермер хўжаликларининг аҳволини кўриб ўтамыз.

Кейинги даврларда АҚШ аграр иқтисодиётида фермер хўжаликлари, уларни бошқариш йўналишлари ва тартибга солинишида бир мунча ўзгаришлар амалга оширилди.

Америка фермерлари фаолиятида деҳқончилик ва боғдорчилик энг муҳим йўналиш бўлиб келган. У фақат мамлакатни ғалла ва ёғ-мой берадиган маҳсулотлар, сабзавот ва мевалар билан таъминлабгина қолмасдан, балки чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини ҳам шакллантиради. Ҳайдаланадиган ерлардан фойдаланишнинг ўзига хос таркиби пайдо бўлди.

“АҚШ фермер хўжалиklarининг бутун ривожланиш жараёнида ғаллачилик-деҳқончиликнинг устун соҳаси ҳисобланиб келган. Сўнгги беш йилда ғалла экинларининг ўртача йиллик майдони 69 миллион гектарни ташкил этиб келди. Бу мамлакатдаги ҳайдаладиган майдонларнинг 52 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Ҳайдов ерларининг ярмидан кўпроғини озуқа ва ғалла экинлари ҳамда хашак етиштириладиган майдонлар (68 миллион гектарга яқин) эгаллайди. Ўртача ҳосилдорлик 48,5 центнерни ташкил этгани ҳолда бу майдонлардан 328,2 миллион тонна дон йиғиб олинади. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда бу 1200 килограммни ташкил этади”².

Дастлабки 70 йил давомида америка фермерлик ҳаракатининг хавас уйғотувчи тарихи унчалик кўнгилли бўлиб чиқмади. Маблағларнинг йирик фермерларда жамланиши, ер майдонларидан самарали фойдаланиш, кооперациялашган бирлашмалар ва компанияларнинг ташкил этилиши аграр соҳани ривожлантиришда ижобий роль ўйнайди. Меҳнат, ресурслар ва энергия тежалувчи технологиялар қўлланилиши асосида маҳсулотнинг кўпайиши, унинг сифати яхшиланиши – унга иқтисодий мезонлар билан ёндашилган тақдирда ижобий ҳолатда бўлди. Бироқ шу жиҳат шубҳасизки, қишлоқ хўжалигининг индустрallasуви майда, оилавий фермер хўжаликлари хонавайрон бўлишини кескин тезлаштириб юборди. Холбуки,

² Международный журнал «Проблемы теории и практики управления» (сайт в интернете-<http://www.eaar-russia.org>).

улар ўз вақтида мамлакатнинг озиқ-овқат маъмурчилигини таъминлаб берган ва ҳамон айрим соҳаларда “америка қишлоқ хўжалигининг кўзгуси” ҳисобланади.

Жамият ва маъмурият фермерликнинг муаммоларидан ташвишда бўлиб, бу ўринда унинг ишлаб чиқариш таркибларига эътироз йўқ. Давлатнинг қатъий тартибга солиши туфайли бозор тизими ҳажм жиҳатидан унчалик катта бўлмаган, лекин ўз вазифасини етарли уддалайдиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи фермерлар гуруҳини олдинга олиб чиқди. Улар озиқ-овқат муаммосини муваффақиятли ҳал қилдилар ва ҳал қилмоқдалар. Бироқ, америкаликлар аҳолининг кўп қисмига хос бўлган хусусий фермага эгалик қилиш ёки унда яшашдан иборат, гарчи бу фермалар рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қобил бўлмаса ҳам уни сақлаб қолишни хоҳлашади.

Бундай фермер хўжаликларини сақлаб қолиш иқтисодий эмас, балки ижтимоий хусусиятга эга муаммодир. Шу сабабли, у фақат Америка Қўшма Штатларининг бутун қудрати билан бартараф этилиши мумкин. Бунда Гарбий Европанинг тажрибасини ҳисобга олмоқ жоиз. Бу ерда фермерлик аллақачон турмуш кечириш ва меҳнат қилишнинг алоҳида тарзига айланди.

Европа Иттифоқига кирувчи давлатларда фермер хўжаликларига жиддий эътибор қаратилаётганини шу маълумотдан аниқлаб олса ҳам бўлади. Шундай экан, Европа Иттифоқига кирувчи давлат бўлмиш Германияда фермер хўжаликларининг аҳволи ва уларни бошқариш, ташкил қилишнинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий тарафларини кўриб чиқамиз.

Аграр статистика (Gesetz uber Agrarstatistiken) тўғрисидаги қонунларига биноан 1 гектар қишлоқ хўжалик экин майдони ёки 0,3 гектар боғ-ер хўжалиги, ёки 0,1 гул экинлари, ёки 1 сотих иссиқхона, ёки 3 бош сигир, ёки 8 бош чўчқа ёки боқувдаги йирик шохли қорамол, ёки 15 қўй, ёки 200 бош парранда (товуқ, бройлер)лари бўлган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик

хўжалиги тармоғи маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган деҳқон хўжалиги ҳисобланади¹.

Германиядаги фермер хўжаликлари орасида чорвачилик ва ер майдонларида фаолият кўрсатадиган хўжаликлар ажралиб туради, улар асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар ҳисобландилар. Боғдорчилик хўжаликлари эса алоҳида ўринда туради. Булар унча кўп бўлмаган ер майдонларига эгадирлар. Уларнинг ўртача ер майдони 2,1 гектарга тенг бўлиб, хўжаликлар сони 2462 та эди.

Фермер хўжаликларининг таснифланадиган белгиларидан бири уларнинг оила даромадидаги ўрнидир. Даромаднинг 50 фоизини таъминлаб турадиган хўжаликлар ажралиб туради, хизматчилар эса асосан иш жойи билан кўзга кўринади. Бундай хўжаликлар 5565 та бўлиб, уларнинг умумий қишлоқ хўжалик ерларидаги улуши 14,6 фоизни ташкил этади. Уларнинг ер майдони 135 гектарга тенгдир. Бошқа гуруҳга ёрдамчи хўжаликлар киради, бу хўжаликлар мулкдорнинг асосий иш жойи ҳисобланмайди ва оила даромадининг 50 фоизигача бўлган қисмини беради. Улар 7082 та бўлиб, битта хўжаликнинг ўртача ер майдони 18 гектарни ташкил этади. Фермер хўжаликларини гуруҳлаш шуни кўрсатадики, уларнинг аксарияти (58,3 фоиз) 20 гектаргача ер майдонига эга.

Буларга қарийб барча ёрдамчи хўжаликлар, боғдорчилик, балиқчилик хўжаликлари ва бошқа хўжаликлар киради. 20 гектардан 200 гектаргача қишлоқ хўжалик майдонларига эга бўлган хўжаликлар 26,6 фоизни, 100 гектардан 500 гектаргача қишлоқ хўжалик майдонларига эга хўжаликлар 13,8 фоизни ва 500 гектардан ортиқ қишлоқ хўжалик майдонларига эга хўжаликлар 1,3 фоизни ташкил этади.

Фермерларни қўллаб-қувватлашда давлатнинг роли ҳамма соҳада кўзга ташланади. Масалан, кўпгина давлатларда фермерларни суғурталашни ҳам ҳукумат қўллаб-қувватлайди. Яъни, фермер ҳосилини табиий офат ёки бошқа сабаблар туфайли ҳосилни йўқотилиши суғурталаётганда, улар томонидан

¹ Журнал «Аграрные преобразования в Восточной Германии» ВИАПИ, Москва, сентябрь 2000.

тўланадаган суғурта мукофотининг асосий қисмини ҳукумат тўлаб беради. Масалан, АҚШда ҳосилни суғурта қилиш давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва шу билан биргаликда ўз ҳосилини суғурта қилдирмаган фермер хўжаликларига давлат томонидан субсидия берилмайди. Давлатдан субсидия олишни хоҳлаган фермер ўз ҳосилини суғурта қилдиради.

Мамлакатимизда фермер хўжалиklarининг даромадлилигини ошириш мақсадида юқоридаги тажрибадан фойдаланиш, яъни ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларини ҳар йили бозордаги шароитга қараб фермер зарар кўрмайдиган миқдорда белгилаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари ҳукумат фермерларни суғурта қилиш билан шуғулланувчи ягона ташкилот “Ўзагросуғурта” суғурта компаниясини бевосита қўллаб-қувватлаётган бўлсада, фермерларни бу соҳада қўллаб-қувватлаётгани йўқ. Аксарият фермерларда суғурта мукофоти тўлаш учун маблағ етишмаган ҳозирги шароитда ҳукумат уларга тўланадиган суғурта мукофотининг маълум бир қисмини қоплаб бериши зарур. Бу эса фермер хўжаликларида таваккалчиликни камайтириш, уларга барқарор даромад билан ишлаш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, республикаимизда фермер хўжаликлари тўғри ташкил этилган бўлиб, уларнинг ривожланиши, уларни ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан такомиллашуви, пировардида фермер хўжалиklarини қишлоқ хўжалиги соҳасида етакчи ўринни эгаллашини таъминлаш борасидаги ишларни мунтазам олиб бориш лозим. Бунинг учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хўжалиklarни бошқаришдаги мавжуд камчиликларни бартараф этишда яқиндан кўмаклашиш лозим бўлади.

I боб бўйича хулоса

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг фермер хўжаликлари ривожланиб, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғидаги мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда. Бугунги кунда фермер хўжалиklarининг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитлари намоён бўлаётганлигини кўришимиз мумкин. Ўтказилган илмий тадқиқотлар

натижасида республикаимиз фермер хўжаликларини ривожланишининг кўйидаги муҳим хусусиятлари аниқланди:

биринчидан, ернинг Ўзбекистон Республикасида давлат мулки шаклида сақланиб қолаётганлиги;

иккинчидан, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида етиштирилган маҳсулотларга давлат буюртмасининг сақланиб қолаётганлиги;

учинчидан, янгидан ташкил топган фермер хўжалиги фаолиятининг илк даврида қийин молиявий аҳволга тушиб қолганлиги сабабли, келажакдаги фаолиятини ривожлантиришда бир қанча қийинчиликларга дуч келаётганлиги.

Чунки, фермер хўжаликларининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмларини самарадорлик даражаси қанчалик юқори бўлиши: бу **биринчидан**, республикаимиз ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўламини ошишига, **иккинчидан**, аҳолининг турмуш даражасини яхшиланишига, **учинчидан**, республикаимизнинг экспорт салоҳияти даражасини оширишга имкон яратади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида иқтисодий қўллаб-қувватлаш тузилмасидаги ўзгаришлар, ҳамда амалда бошқа тармоқлар билан узвий боғлиқ бўлганлиги айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Чунки, республикаимиз ҳудудларида иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмларига бўлган талаб бир даражада эмас. Бу талабни ўрганиш учун, **биринчидан**, илғор ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган тарзда статистик ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, статистик таҳлил қилиш, нашр этириш ва сақлаш бўйича комплекс тизимни ташкил этиш, **иккинчидан**, расмий статистикани мувофиқлаштириш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш мақсадида мамлакатнинг яхлит миллий статистика тизимида қўлланиладиган бошқарув тамойиллари ва услубий асосларини такомиллаштириш лозим. Умуман олганда, идоравий маълумотларнинг базасини битта маълумотларни бошқариш тизимида

бириктириш орқали статистик кузатишларни босқичма-босқич оптималлаштириш, респондентлардан ҳисобот топшириш юкламасини камайтириш, шунингдек, рўйхатга олиш тадбирларини тизимли ўтказиш ва ялпи статистик ҳисоботларни танланма кузатишлар билан алмаштириш ҳисобига шакллантирилган статистика тизимини такомиллаштириш жаҳон бозорида Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Шу сабабли, республикада фермер хўжаликларининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини статистик баҳолашнинг янги услубиятини ишлаб чиқиш, статистик маълумотларнинг долзарблигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, статистик маълумотлардан фойдаланувчилар ва маълумотлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик механизмларини жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурияти пайдо бўлади.

II Боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

2.1. Фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни индекс таҳлили

Ўзбекистон Республикаси аграр тармоғида амалга оширилаётган янги ислохотлар натижасида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғининг иқтисодий кўрсаткичлари тез суръатлар билан ошиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Аввало, фермер ва деҳқонларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш керак. Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда албатта ўзгариш ва ўсиш бўлади”²⁷.

Фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни статистик таҳлили ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларни ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигини статистик кўрсаткичлар ёрдамида ифодалайди. “Аниқ шароитда содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг миқдорини, ҳажмини ва қийматини ифодаловчи миқдорлар статистик кўрсаткичлар деб аталади. Ҳодиса ва жараёнларни ўзаро узвий боғлаган ҳолда бир бутунликда тавсифловчи миқдорлар тўплами статистик кўрсаткичлар тизими деб юритилади”²⁸.

Статистика фермер хўжалиги фаолиятига баҳо бериш ва фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни статистик таҳлили учун ўзаро бир-бири билан узвий боғланган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланади.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//”Халқ сўзи” газетаси, 30 декабр 2020 йил № 275–276 (7746–7747).

²⁸ Mamatqulov B.X., Utanov B.Q. Qishloq xo‘jaligi statistikasi - (darslik) - T.: TDIU, 2019 – 242 bet.

Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан бугунги иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистон Республикаси ҳудудлар кесимида фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни статистик таҳлиliga қаратилган масалалар тизимли ёритиб берилмаган, айрим ҳудудлар хусусиятлари ўрганилиши билан чекланган.

Фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни статистик таҳлил қилганимизда, қишлоқ хўжалиги статистикасида қуйидаги кўрсаткичлар тизими гуруҳларидан фойдаланиб, фермер хўжалиги фаолияти ва унинг натижалари ўрганилади:

1. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ бўлган меҳнат ресурслари кўрсаткичлари:

Биринчи гуруҳ кўрсаткичлар таркибига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятининг асосий негизини таърифловчи меҳнат ресурслари кўрсаткичлари киритилади, яъни меҳнатга яроқли қишлоқ аҳолисининг сони ва таркибий қисми ҳамда иқтисодиётдаги бандлик ва ишсизлик кўрсаткичлари, меҳнат ресурслари билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари ҳисобланади.

2. Ишлаб чиқаришнинг ва хизмат кўрсатишнинг моддий асосларини тавсифловчи кўрсаткичлар:

Иккинчи гуруҳ кўрсаткичларига қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базасини тавсифловчи кўрсаткичлар киритилади, яъни асосий ва айланма фондларнинг ҳажми, таркибий тузилиш ва динамикасини акс эттирувчи кўрсаткичлар ҳамда қишлоқ хўжалик ерларининг ҳажми, таркибий тузилиши, улар билан таъминланиш ва улардан фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий асосларини таърифловчи кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

3. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жараёнлари ва унинг натижаларини тавсифловчи кўрсаткичлар:

Учинчи гуруҳ кўрсаткичларга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёни ва унга хизмат кўрсатиш натижаларини тавсифловчи кўрсаткичлар киритилади, яъни ўсимликчилик ва чорвачилик ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ушбу гуруҳга тўлиқ киритилади.

Ўсимликчилик кўрсаткичларига қишлоқ хўжалик экинларининг экин майдонлари ва уларни таркибий қисмлари кўрсаткичлари, ялпи ҳосил кўрсаткичлари ҳамда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги кўрсаткичлари киритилади.

Чорвачилик кўрсаткичларига чорва моллари ва паррандаларнинг бош сони (турлари бўйича) кўрсаткичлари, чорва моллари ва паррандаларнинг маҳсулоти ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари, чорвачилик ва паррандачиликда истеъмол қилинган озуқа сарфлари кўрсаткичлари киритилди.

Ушбу гуруҳ кўрсаткичлари ишлаб чиқарувчиларнинг тоифалари (категориялари) бўйича ўрганилади. Статистика қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўрсаткичларига бўлиб ўрганади.

4. Маҳсулотларни сотиш ва қайта ишлаш фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар:

Тўртинчи гуруҳ кўрсаткичларга қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи маҳсулотларини сотиш билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар, қайта ишловчи ва озиқ-овқат саноати фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар киритилади.

5. Ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичлари:

Бешинчи гуруҳ кўрсаткичларига, қишлоқ хўжалигининг хориж билан бўладиган иқтисодий алоқалар муносабатлари натижасида юзага келадиган статистик кўрсаткичлар киритилади, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг муҳим турлари бўйича импорт ва экспортни таърифловчи ташқи савдо алоқалари кўрсаткичлари киритилади.

6. Ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар:

Олтинчи гуруҳ кўрсаткичлар тизимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи корхоналарининг молиявий фаолиятини таърифловчи кўрсаткичлар ўз ифодасини топади. Яъни корхонанинг тўловга қодирлиги, молиявий мустақиллиги, ўз айланма маблағлари билан таъминланиши дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, маҳсулотларни сотишдан олинган фойда ёки зарар каби кўрсаткичлар молиявий фаолиятни таърифловчи кўрсаткичлар тариқасида шу гуруҳда акс эттирилади.

7. Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини таърифловчи кўрсаткичлар:

Еттинчи гуруҳга қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи ялпи ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар киритилади, яъни жонли меҳнат сарфи самарадорлиги (меҳнат унумдорлиги, иш вақтидан фойдаланиш), ишлаб чиқариш харажатлари самарадорлиги (рентабеллик, харажатлар қайтими, харажатлар сиғими), асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги (фонд сиғими, фонд қайтими) иқтисодий самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади ва улар шу гуруҳда акс эттирилади.

8. Қишлоқ аҳолисининг яшаш ва меҳнат шароитларини тавсифловчи кўрсаткичлар:

Саккизинчи гуруҳ кўрсаткичларига қишлоқ аҳолисининг меҳнат қилиш ва яшаш шароитларини ифодаловчи кўрсаткичлар киритилади. Буларни ўз навбатида икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1) Қишлоқнинг ижтимоий тараққиётини ифодаловчи кўрсаткичлар. Буларга қуйидаги кўрсаткичлар киради: аҳолининг уй-жой билан таъминланиш кўрсаткичлари; қишлоқ аҳолисининг маданий, маориф, соғлиқни сақлаш муассасалари билан таъминланиши кўрсаткичлари; замонавий алоқа воситалари (телевизор, телефон, радио ва бошқалар) билан таъминланиш кўрсаткичлари;

2) Қишлоқ аҳолисининг яшаш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар. Буларга қуйидагилар киради: аҳолининг номинал ва реал даромадлари кўрсаткичлари; аҳолининг жамғармалари кўрсаткичлари; қишлоқ аҳолисининг ҳар хил эҳтижётларга сарф бўлган харажатлар кўрсаткичлари; озиқ-овқат товарларининг жон бошига истеъмоли даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, узоқ муддатга хизмат қилувчи буюмлар билан аҳолининг таъминланиш кўрсаткичлари (автомашина, телевизор, кир ювувчи машина, соатлар каби буюмлар билан таъминланиш кўрсаткичлари)²⁹.

Юқоридаги гуруҳларда қайд қилинган кўрсаткичлар кузатиш бирлиги асосида ҳар хил даражада ҳисобланади. Масалан, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғининг ишлаб чиқарувчиларининг кўрсаткичлари, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларининг кўрсаткичлари, ўсимликчилик ва чорвачиликнинг алоҳида соҳаларининг кўрсаткичлари тариқасида ҳамда мамлакат ва регионлар қишлоқ хўжалигининг жамловчи кўрсаткичлари тариқасида ҳисобланади.

2.1-жадвал

Сирдарё вилояти Оқолтин тумани фермер хўжаликларида донли экинлар майдони ва ҳосилдорлиги ҳақида маълумотлар берилган³⁰

| № | Экин турлари | 2020 йил | | 2021 йил | |
|----|----------------|-------------|-------------------|-------------|-------------------|
| | | майдони, га | ҳосилдорлик, ц/га | майдони, га | ҳосилдорлик, ц/га |
| | | M_0 | X_0 | M_1 | X_1 |
| 1. | Бугдой | 14500 | 23,0 | 12180 | 24,0 |
| 2. | Арпа | 250 | 20,0 | 320 | 20,0 |
| 3. | Шоли | 180 | 20,0 | 250 | 20,0 |
| 4. | Макка дон учун | 520 | 60,0 | 567 | 65,0 |
| | Жами | 15450 | 24,2 | 13317 | 25,6 |

Бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркиби ва ҳосилдорлиги ўзгариши таъсир қилади. Бу таъсирни аниқлашда иқтисодий индекс усулидан фойдаланилади. Маълумки, ялпи ҳосил, экин майдони таркиби ва ҳосилдорликни умумий индекси бир турдаги экин турлари бўйича ҳисобланади.

²⁹ Mamatqulov B.X., Utanov B.Q. Qishloq xo'jaligi statistikasi - (darslik) -T.: TDIU, 2019 – 242 bet.

³⁰ Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ҳокимияти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Донли экинлар майдони ва ҳосилдорлиги ҳақида маълумотлар берилган. Донли экинларни ҳосил ва ҳосилдорлиги ўзгариши ҳақидаги маълумотларни таҳлил этишда иқтисодий индекс усулидан фойдаланамиз.

Биринчи навбатда, ҳосилдорликнинг алоҳида индексини ҳисоблашимиз керак. Бунинг учун ҳар бир экин тури бўйича ҳосилдорликни ўзгаришини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаймиз:

$$1. \text{ Буғдой} \quad i = \frac{X_1}{X_0} = \frac{24}{23} = 1,043 \text{ ёки } 104,3\%$$

$$2. \text{ Арпа} \quad i = \frac{X_1}{X_0} = \frac{20}{20} = 1,000 \text{ ёки } 100,0\%$$

$$3. \text{ Шоли} \quad i = \frac{X_1}{X_0} = \frac{20}{20} = 1,000 \text{ ёки } 100,0\%$$

$$4. \text{ Макка дон учун} \quad i = \frac{X_1}{X_0} = \frac{65}{60} = 1,083 \text{ ёки } 108,3\%$$

Иккинчидан, ўртача ҳосилдорлик индексини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} : \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$

$$I_x = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} : \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0} = \frac{12180 \times 24,0 + 320 \times 20,0 + 250 \times 20,0 + 567 \times 65,0}{12180 + 320 + 250 + 567} : \frac{14500 \times 23,0 + 250 \times 20,0 + 180 \times 20,0 + 520 \times 60,0}{14500 + 250 + 180 + 520} = \frac{340575}{13317} : \frac{373300}{15450} = 1,058 \text{ ёки } 105,8\%$$

Демак, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан донли экинлар ўртача ҳосилдорлиги 5,8 %га ошган.

Учинчидан, ўртача ҳосилдорликни мутлақ ўзгаришини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{\bar{X}} = \bar{X}_1 - \bar{X}_0 = 25,57 - 24,16 = 1,41 \text{ ц/га}$$

Демак, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан донли экинлар ўртача ҳосилдорлиги 1,41 ц/га ошган.

Шу жумладан:

а) Ўртача ҳосилдорликни ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига ўзгаришини қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta_{\bar{X}} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0} = \frac{340575}{13317} - \frac{12180 \times 23,0 + 320 \times 20,0 + 250 \times 20,0 + 567 \times 60,0}{15450} = 25,57 - 21,07 = 4,5 \text{ ц/га}$$

Демак, донли экинлар ўртача ҳосилдорлиги ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига 1,12 ц/га ошган.

б) Ўртача ҳосилдорликни экин майдонлари таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta_{\text{э.т.}} = \frac{\sum M_1 X_0}{\sum M_1} - \frac{\sum M_0 X_0}{\sum M_0} =$$

$$\Delta_{\text{э.т.}} = \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_0} - \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0} = \frac{325560}{15450} - \frac{373300}{15450} = 21,07 - 24,16 = -3,09 \text{ ц/га}$$

Демак, донли экинлар экин майдонлари таркиби ўзгариши ҳисобига 3,09 ц/га ошган.

Тўртинчидан, ялпи ҳосилнинг умумий индексини қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$I_{\text{я.х.}} = \frac{\sum M_1 X_1}{\sum M_0 X_0} = \frac{340575}{373300} = 0,912 \text{ ёки } 91,2 \%$$

а) Ўртача ҳосилдорликнинг умумий индексини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I_x = \frac{\sum M_1 X_1}{\sum M_0 X_1} = \frac{12180 \times 24 + 320 \times 20 + 250 \times 20 + 567 \times 65}{14500 \times 24 + 250 \times 20 + 180 \times 20 + 520 \times 65} = \frac{340575}{390400} = 0,872 \text{ ёки } 87,2 \%$$

Демак, донли экинлар ялпи ҳосили ўртача ҳосилдорлик ўзгариш ҳисобига 12,8 %га камайган.

Бешинчидан, ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгаришини қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$\Delta_{\text{я.х.}} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_0 = 340575 - 373300 = -32725 \text{ центнер}$$

Шу жумладан:

а) Ялпи ҳосилни ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{\text{я.х.х.}} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_1 = 340575 - 325560 = 15015 \text{ центнер}$$

б) Ялпи ҳосилни экин майдони таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{\text{я.х.м.}} = \sum X_0 M_1 - \sum X_0 M_0 = 325560 - 373300 = -47740 \text{ центнер}$$

в) Ялпи ҳосилни ҳосилдорлик ва экин майдони таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{\text{ялп}} = \Delta_{\text{ялпх}} + \Delta_{\text{ялпм}} = 15015 - 47740 = -32725 \text{ центнер}$$

Ҳисобланган кўрсаткичлар асосида хўжаликда 2021 йили 2020 йилига нисбатан дон ишлаб чиқаришда маълум ўзгаришлар бўлган. Ҳосилдорлик бугдойда 4,3 % ёки ҳар гектарига 1 центнердан, макка дони 8,3 %га ёки ҳар гектаридан 5 центнердан ошган, арпа ва шоли ўртача ҳосилдорлигида ўзгариш бўлмаган.

Хўжаликда экилган донли экинларни умумий ҳосилдорлиги 1,41 ц/га ошган, ўртача ҳосилдорлик индекси 5,8 %га ошган. Бу ошишни омиллари қуйидагилар: ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига ўртача ҳосилдорлик 4,5 ц/га ошган, экин майдони таркиби ўзгариши ҳисобига ўртача ҳосилдорлик 3,09 ц/га камайган. Натижада ўртача ҳосилдорликни умумий мутлақ ўзгариши 4,5 ц/га-3,09 ц/га=1,41 ц/га бўлган.

Хўжаликда йиғиб олинган ялпи ҳосил 8,8 %га ёки -32725 центнерга камайган. Ялпи ҳосилни камайиш омиллари қуйидагилар: ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига ялпи ҳосил 15015 центнерга ошган, экин майдони таркибини ўзгариши ҳисобига ялпи ҳосил - 47740 центнерга камайган. Натижада ялпи ҳосил (15015 центнер -47740 центнер) 32725 центнерга камайган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида кичик фермерлик субъектлари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби саноат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб бориши билан белгиланади. Бу эса фермер хўжаликларида ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши прогноз даражаларини аниқлашни тақозо этади.

Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажми прогнозини тренд тенгламаси орқали аниқлаймиз.

“Қатор даражалари ўртасидаги мутлоқ фарқлар (мутлоқ ўсишлар) деярлик ўзгармас миқдор (константа) бўлса ёки бир-биридан жуда кам

тафовутланса, яъни даражалар арифметик прогрессия ёки унга яқин шаклда ўзгарса, уларни вақтини тўғри чизиқли функцияси деб қараш мумкин, яъни:

$$Y_t = a_0 + a_1 t$$

Бу аниқланаётган тўғри чизиқнинг a_0 ва a_1 параметрлари (тенглама номаълум ҳадлари) кичик квадрат усули ёрдамида нормал тенгламалар тизимини тузиб ечиш йўли билан аниқланади:

$$Na_0 + a_1 \sum t = \sum Y$$

$$a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 = \sum Yt$$

Бу ерда: Y – берилган қатор даражалари; N – уларнинг сони; t – даврнинг тартиб сони.

$$\begin{cases} Na_0 = \sum Y \\ a_1 \sum t^2 = \sum Yt \end{cases}$$

$$\text{Бундан: } a_0 = \frac{\sum Y}{N} = \bar{Y} \quad \text{ва} \quad a_1 = \frac{\sum Yt}{\sum t^2} \text{ „}^{31}$$

2.2-жадвал

Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ҳажми ва прогноз даражаси³²

| Йиллар | Фермер хўжаликлари ялпи маҳсулоти, (таққослама баҳоларда) млн. сўм, (Y) | Шартли йиллар, t | t ² | Yt | Y _t | Йиллар прогноз | t | Фермер хўжаликлар и ялпи маҳсулоти, млн. сўм, (Y) |
|-------------|---|------------------|----------------|-------------------|-------------------|----------------|-----------|---|
| 2009 | 148936.0 | -6 | 36 | -893616 | 41391,06154 | 2022 | 7 | 2123268,362 |
| 2010 | 178182.7 | -5 | 25 | -890913,5 | 201535,4692 | 2023 | 8 | 2283412,77 |
| 2011 | 235773.9 | -4 | 16 | -943095,6 | 361679,8769 | 2024 | 9 | 2443557,177 |
| 2012 | 459079.9 | -3 | 9 | -1377239,7 | 521824,2846 | 2025 | 10 | 2603701,585 |
| 2013 | 700163.6 | -2 | 4 | -1400327,2 | 681968,6923 | 2026 | 11 | 2763845,993 |
| 2014 | 894889.7 | -1 | 1 | -894889,7 | 842113,1 | | | |
| 2015 | 968571.8 | 0 | 0 | 0 | 1002257,508 | | | |
| 2016 | 1106042.6 | 1 | 1 | 1106042,6 | 1162401,915 | | | |
| 2017 | 1387713.9 | 2 | 4 | 2775427,8 | 1322546,323 | | | |
| 2018 | 1562828.6 | 3 | 9 | 4688485,8 | 1482690,731 | | | |
| 2019 | 1861745.4 | 4 | 16 | 7446981,6 | 1642835,138 | | | |
| 2020 | 1623090.9 | 5 | 25 | 8115454,5 | 1802979,546 | | | |
| 2021 | 1902328.6 | 6 | 36 | 11413971,6 | 1963123,954 | | | |
| Жами | 13029347,6 | 0 | 182 | 29146282,2 | 13029347,6 | | | |

³¹ Statistika: darslik// Shodiyev X va Xabibullayev I. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2019.-454 б.

³² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2009-2021 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Жадвал маълумотларининг таҳлили натижасидан шу маълум бўлдики, ахборот базаси сифатида Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ҳажми 2009-2021 йиллардаги статистик ҳисоботлар маълумотлари, ўтказилган аниқ социологик тадқиқотлар натижаларидан фойдаланилди. 2026 йилда Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ҳажми 2763846,0 млн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда (2.2-жадвал).

Хулоса қилиб айтганда, республикаимиз фермер хўжаликларининг бундай кўрсаткичларга эришиши фермерлик фаоллиги орқали амалга ошади.

Биобарин, ишлаб чиқариш инфратузилмаси субъектлари сонининг ўзгариш динамикаси ўрганилганда уларнинг сони қишлоқ хўжалик корхоналарини тегишли хизмат турларига бўлган талабини тўлақонли қондириш имконини бермаслиги тўғрисидаги хулоса чиқаришга асос бўлди.

Амалиёт натижаларининг кўрсатишича, бугунги фермер хўжаликларида техника воситалари тақчиллиги, техникавий хизматларга бўлган талабнинг юқорилиги, ушбу турдаги хизматларни кўрсатувчи корхоналар монопол мавқеини сақланиб қолиши, қишлоқ хўжалиги ялпи ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархи таркибида мазкур хизматларга қилинаётган харажатлар салмоғи юқори бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Аввало, фермер ва деҳқонларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш керак. Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда албатта ўзгариш ва ўсиш бўлади”³³ - деб таъкидлаганлари бежиз эмас.

Сирдарё вилоятида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида маҳсулот (хизмат)ларнинг етиштиришни тақозо этмоқда.

³³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//”Халқ сўзи” газетаси, 30 декабрь 2020 йил № 275–276 (7746–7747).

Ўтказилган илмий-тадқиқот жараёнларидаги илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан бугунги иқтисодийни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистон Республикаси ҳудудлар кесимида фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни статистик таҳлилига қаратилган масалалар тизимли ёритиб берилмаган, шу билан бирга айрим ҳудудларнинг хусусиятлари ўрганилиши билан чекланган.

Тадқиқот жараёнида мураккаб ва нисбий миқдорлар, ўртача миқдорлар, статистик жадвал ва графиклар, иқтисодий индекслар каби усулларида кенг фойдаланилган. Бугунги кунда мамлакатимизнинг фермер хўжаликларида маҳсулот етиштиришни диверсификация қилиш, уларни энг замонавий, илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, инновация жараёнларини такомиллаштириш, илм-фан, техника соҳаларида янги ишланмаларни яратиш ва жорий қилиш, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини замон талаблари асосида ташкил қилишга катта аҳамият қаратилмоқда.

Сирдарё вилоятининг умумий ер майдони 427,6 минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар 286,9 минг гектарни, шу жумладан, суғориладиган экин ерлари 250,9 минг гектарни ташкил этган.

Сирдарё вилояти ҳудудида, асосан, суғориладиган ўтлоқи, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи - бўз тупроқлар кенг тарқалган. Вилоятда суғориладиган тупроқлари механик таркиби бўйича тузилиш қуйидагича: лойли -1,9 фоиз, оғир қумоқли -11,7 фоиз, ўрта қумоқли -49,6 фоиз, енгил қумоқли -30,0 фоиз, қумлоқли тупроқлар эса - 6,2 фоиз ва қумли 0,6 фоизни ташкил этади.

Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари ер майдонлари 2001 йилда 64824 гектарни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 152958 гектарни ташкил этган. Вилоят бўйича суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг 12,4 фоизи шўрланмаган (ювилган), 41,2 фоизи кучсиз шўрланган, 39,2 фоизи ўртача шўрланган, 5,3 фоизи кучли шўрланган ва 1,9 фоизи жуда кучли шўрланган тупроқлар ҳисобланади.

Бу кўрсаткич “Ховос туманида – 64,7 %, Мирзаободда – 56,8 %, Ок олтинда – 44 %, Боёвутда – 37,4 %, Сардобада – 26,7 %, Сайхунободда – 10,3 %, Гулистонда – 6,3 % ва Сирдарёда – 3,9 %ни ташкил этади”³⁴.

Ўзбекистон Республикаси статистика амалиётида ҳосилдорлик даражаси, ялпи ҳосил миқдори ва ялпи ҳосил қиймати, ўсимликчилик маҳсулотлари қийматларининг ўзгаришини таҳлил этишда индекслардан фойдаланилади. Таққослаш асоси сифатида олинган кўрсаткичга қараб индекслар – ўтган давр, режа кўрсаткичига, бошқа хўжалик ёки туман даражасига нисбатан ўзгаришларни акс эттиради.

Алоҳида экин тури ҳосилдорлигининг ўзгариши, ҳосилдорлик индекси ёрдамида қуйидаги формула билан аниқланади:

$$i = \frac{X_1}{X_0},$$

Ялпи ҳосилнинг ўзгариши эса қуйидаги формула билан аниқланади:

$$I_{як} = \frac{M_1 X_1}{M_0 X_0}$$

бу ерда: M_0, X_0 – 2020 йилидаги экин майдони ва ҳосилдорлик;

M_1, X_1 – 2021 йилдаги экин майдони ва ҳосилдорлик.

Бир турдаги экинлар ёки хўжаликлар бўйича ўртача ҳосилдорлик даражаларини таққослаш учун ўртача ҳосилдорлик индекси $i_{\gamma} = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0}$

ҳисобланади:

$$\text{бу ерда: } \bar{X}_1 = \frac{\sum M_1 X_1}{\sum M_1}; \bar{X}_0 = \frac{\sum M_0 X_0}{\sum M_0}$$

“Ялпи ҳосил режасининг бажарилиши ёки уни динамикасининг ўзгаришини таҳлил этиш учун аввало 2021 даврининг (йилининг) ҳақиқий даражасини режада кўрсатилган ёки ўтган даврнинг ҳақиқий даражасига солиштириб мутлоқ ва нисбий ўзгаришлари, сўнгра ялпи ҳосилнинг

³⁴ Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг тегишли йиллар бўйича статистик ахборотномаси маълумотлари.

ўзгаришига омилларнинг таъсири аниқланиб, мавжуд резервлар кўрсатилади”³⁵.

Экин турлари ва бир хил турдаги экинларнинг гуруҳлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш (ялпи ҳосил) 2020 йилга нисбатан бажарилиши ва маҳсулот етиштириш динамикасининг ўзгариши бевосита икки омил таъсири остида юзага келади:

1. Экин майдони миқдорининг ўзгариши (экстенсив омил) ҳисобига;
2. Ҳосилдорлик даражасининг ўзгариши (интенсив омил) ҳисобига.

Қайд этилган омиллар ҳисобига пахта ялпи ҳосили ўзгаришининг статистик таҳлилини индекс усулидан фойдаланиб, қуйида келтирилган 2.3-жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

2.3-жадвал

Сирдарё вилояти фермер хўжаликларида етиштирилган пахта ялпи ҳосили динамикаси³⁶

| № | Кўрсаткичлар | 2020 йил | 2021 йил | 2021 йил 2020 йилга нисбатан ўзгариши | |
|----|----------------------|-----------|-----------|---------------------------------------|--------|
| | | | | (+,-) | % |
| 1. | Экин майдони, га | 67827 | 46328 | -21499 | 68,30 |
| 2. | Ҳосилдорлиги, ц/га | 19,2 | 23,9 | 4,7 | 124,48 |
| 3. | Пахта ялпи ҳосили, ц | 1302278,4 | 1107239,2 | -195039 | 85,02 |

2.3-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида пахта ялпи ҳосили динамикаси таҳлилининг индекс усули асосида кўриб чиқамиз. Бунинг учун пахта ялпи ҳосили, экин майдони ва ҳосилдорлик индексларини ҳисоблаб олиш зарур.

Ялпи ҳосил индексини аниқлаш учун 2021 йилдаги ялпи ҳосилни (M_1X_1) 2020 йилдаги ялпи ҳосилга (M_0X_0) бўлиш керак:

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 14-сонли қарори.

³⁶ Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

$$I_{я.х} = \frac{M_1 X_1}{M_0 X_0} = \frac{46328 \cdot 23,9}{67827 \cdot 19,2} = \frac{1107239,2}{1302278,4} = 0,8502 \text{ ёки } 85,02\%$$

Бунда, M_1, M_0 - 2019 ва 2018 йилларидаги экин майдони (мос ҳолда);

X_1, X_0 - мос ҳолда 2021 ва 2020 йилларидаги ҳосилдорлик кўрсаткичлари.

Пахта ялпи ҳосили 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 195039 центнерга (1107239,2 – 1302278,4 = -195039 центнерга) ёки 14,98 %га камайган. Ушбу ўзгариш икки омил ҳисобига юзага келган. Ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш учун экин майдони ва ҳосилдорлик индексларидан фойдаланамиз.

Пахта экин майдони индексини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаймиз:

$$I_m = \frac{M_1 X_0}{M_0 X_0} = \frac{46328 \cdot 19,2}{67827 \cdot 19,2} = \frac{889497,6}{1302278,4} = 0,6830 \text{ ёки } 68,3\%$$

Демак, экин майдони 2021 йилда 21499 гектарга ($M_1 - M_0 = 46328 - 67827$) ёки 31,7 %га камайган. Натижада экин майдонининг 21499 гектарга камайиши туфайли ялпи ҳосил 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 2480 центнерга (34720 – 37200 = - 2480 ц.) камайган.

Пахта ҳосилдорлиги индексини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$I_x = \frac{M_1 X_1}{M_1 X_0} = \frac{1120 \cdot 34}{1120 \cdot 31} = \frac{38080}{34720} = 1,097 \text{ ёки } 109,7\%$$

Демак, пахта ҳосилдорлиги 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 3 центнерга ($X_1 - X_0 = 34 - 31$) ёки 9,7 %га ошган, натижада ялпи ҳосил 3360 ц (38080 - 34720 = +3360 ц.) га кўпайган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ялпи ҳосилнинг ўзгаришига биринчи омил ижобий, иккинчи (асосий) омил эса салбий таъсир этиб, натижада ялпи ҳосил -195039 центнерга камайган.

Сирдарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитлари ва етиштирилаётган бошоқли дон экинлари навларининг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда экиш меъёр ва муддатлари, озиклантириш режими, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминловчи ғалла етиштиришда

Ўтказиладиган агротехник тадбирларни ўз ичига олади. Унда навларни жойлаштириш, ерни ва уруғни экишга тайёрлаш, экиш, озиклантириш, суғориш, бегона ўт, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш, уруғлик майдонларини апробация кўригига тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда ҳосилни йиғиб олиш тадбирлари амалга оширилади.

Энди, бир хил турдаги экинларнинг гуруҳлари бўйича ялпи ҳосил ва ҳосилдорликнинг статистик таҳлилини индекс усулидан фойдаланиб амалга оширамиз. Бир гуруҳ ичидаги экинларнинг ялпи ҳосили, ҳар қандай қишлоқ хўжалик экиннинг ялпи ҳосили каби бевосита экин майдонларининг миқдори ва унинг ўртача ҳосилдорлигининг даражасига қараб аниқланади.

Бир гуруҳ ичидаги экинлар ўртача ҳосилдорлигининг даражаси ўз навбатида ҳар бир экин турининг ҳосилдорлиги ва экин майдони таркибига боғлиқ бўлади.

Монографик тадқиқот сифатида Сирдарё вилояти Оқолтин тумани фермер хўжаликларида донли экинлар гуруҳи мисолида ялпи ҳосил динамикаси таҳлилини кўриб чиқамиз.

2.4-жадвал

Сирдарё вилояти Оқолтин тумани фермер хўжаликларида донли экинларнинг экин майдони, ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили динамикаси³⁷

| Экинлар | Экин майдони, га | | Ҳосилдорлиги ц/га | | Ялпи ҳосил, ц | | Шартли ялпи ҳосил $M_1 X_0$ | Экин майдони салмоғи, % | |
|----------------|-------------------|------------------|-------------------|------------------|----------------------|----------------------|-----------------------------|-------------------------|------------------|
| | 2020 йили (M_0) | 2021 йил (M_1) | 2020 йил (X_0) | 2021 йил (X_1) | 2020 йил $(M_0 X_0)$ | 2021 йил $(M_1 X_1)$ | | 2020 йил (M_0) | 2021 йил (M_1) |
| Буғдой | 14500 | 12180 | 23 | 24 | 333500 | 292320 | 280140 | 93,9 | 91,5 |
| Арпа | 250 | 320 | 20 | 20 | 5000 | 6400 | 6400 | 1,6 | 2,4 |
| Шоли | 180 | 250 | 20 | 20 | 3600 | 5000 | 5000 | 1,2 | 1,9 |
| Макка дон учун | 520 | 567 | 60 | 65 | 31200 | 36855 | 34020 | 3,4 | 4,3 |
| ЖАМИ: | 15450 | 13317 | 24,2 | 25,6 | 373300 | 340575 | 325560 | 100,0 | 100,0 |

³⁷ Сирдарё вилояти Оқолтин тумани статистика бўлимининг 2020-2021 йиллик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2.4-жадвал маълумотлари асосида донли экинлар ялпи ҳосили индексини қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаймиз:

$$I_{яx} = \frac{\sum M_1 X_1}{\sum M_0 X_0} = \frac{340575}{373300} = 0,912 \text{ ёки } 91,2\% ;$$

2021 йилдаги донли экинларнинг ялпи ҳосили 2020 йилга нисбатан 8,8 %га ёки 32725 ц.га камайган.

Ялпи ҳосилнинг мутлоқ ўзгаришини аниқлаш учун формуланинг суръатидаги кўрсаткичдан махраждаги кўрсаткич айириб ташланади:

$$\Delta_{яx} = \sum M_1 X_1 - \sum M_0 X_0 = 340575 - 373300 = -32725 \text{ ц.}$$

Ялпи ҳосилнинг ўзгаришига экинлар экин майдони билан ўртача ҳосилдорлигининг таъсирини аниқлаймиз.

Ўртача ҳосилдорлик индексини аниқлаш учун 2021 йилдаги ўртача ҳосилдорликни 2018 йилдаги ўртача ҳосилдорликка бўлинади:

$$I_x = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum M_1 X_1}{\sum M_1} : \frac{\sum M_0 X_0}{\sum M_0} = \frac{340575}{13317} : \frac{373300}{15450} = 25,6 : 24,2 = 1,058 \text{ ёки } 105,8\% .$$

Демак, ўртача ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобига донли экинлар ялпи ҳосили 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 5,8 %га (105,8-100 = +5,8 %) кўпайган.

“Бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркиби ва ҳосилдорлиги ўзгариши таъсир қилади. Бу таъсирни аниқлашда иқтисодий индекс усулидан фойдаланилади. Маълумки, ялпи ҳосил, экин майдони таркиби ва ҳосилдорликни умумий индекси бир турдаги экин турлари бўйича ҳисобланади”³⁸.

Ўртача ҳосилдорлик индексини ҳисоблаш формуласидан кўриниб турибдики, ўртача ҳосилдорликнинг ўзгариши икки омил ҳисобига юзага келади:

1. Экин майдонлари таркибининг ўзгариши ҳисобига;
2. Ҳар бир экин тури ҳосилдорлигининг ўзгариши ҳисобига.

³⁸ Mamatqulov B.X., Utanov B.Q. Qishloq xo‘jaligi statistikasi - (darslik) - T.: TDIU, 2019 – 242 bet.

Демак, ялпи ҳосил ўзгариши эса уч омил ҳисобига содир бўлади, яъни:

1. Экин майдонлари миқдорининг ўзгариши;
2. Экин майдонлари таркибининг ўзгариши;
3. Ҳар бир экин тури ҳосилдорлигининг ўзгариши ҳисобига ялпи ҳосил миқдорининг ўзгариши.

Ушбу омилларнинг ялпи ҳосил динамикасини ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун уларнинг индексларидан фойдаланилади.

Ҳар бир экин майдонлари миқдорининг ўзгариши таъсирини аниқлаш учун доимий таркибдаги ҳосилдорлик индекси формуласи қўлланилади:

$$I_x = \frac{\sum M_1 X_1}{\sum M_0 X_1} = \frac{12180 \times 24 + 320 \times 20 + 250 \times 20 + 567 \times 65}{14500 \times 24 + 250 \times 20 + 180 \times 20 + 520 \times 65} = \frac{340575}{390400} = 0,872 \text{ ёки } 87,2 \%$$

Ялпи ҳосилнинг ҳосилдорлик ҳисобига мутлоқ ўзгаришини билиш учун, 2021 йилдаги ялпи ҳосил ($\sum M_1 X_1$)дан шартли ялпи ҳосил ($\sum M_1 X_0$) миқдори айрилади.

Шартли ялпи ҳосил деганда, 2021 йилдаги экин майдонларининг ҳар бир гектаридан 2020 йилдаги ҳосилдорлик даражаси бўйича маҳсулот етиштирилганда 2021 йилда қўлга киритилиши мумкин бўлган умумий маҳсулот миқдори тушунилади.

$$\Delta_x = \sum M_1 X_1 - \sum M_1 X_0 = 340575 - 325560 = 15015 \text{ центнер.}$$

Донли экинлар ҳосилдорлигининг ошиши туфайли уларнинг ялпи ҳосили 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 15015 ц.га ёки 12,8 %га камайган.

Экин майдонининг ўзгариши туфайли ялпи ҳосилнинг ошиши ёки камайиши экин майдонлари таркиби индекси формуласи ёрдамида аниқланади:

$$I_{эт} = \frac{\sum M_1 X_0}{\sum M_1} \cdot \frac{\sum M_0 X_0}{\sum M_0}$$

бунда, M^1_0 , M^1_1 - 2020 ва 2021 йилларидаги экин майдонларининг салмоғи, % ҳисобида.

Юқорида маълумотлар асосида экин майдонлари таркиби индекси тенг бўлади:

$$I_{\text{э.т.}} = \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_0} : \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0} = \frac{325560}{15450} : \frac{373300}{15450} = 21,07 : 24,16 = 0,872 \text{ ёки } 87,2 \%$$

Ялпи ҳосил экин майдонлари таркибининг ўзгариши ҳисобига 12,8 %га камайган.

$$\Delta_{\text{яхш}} = \sum X_0 M_1 - \sum X_0 M_0 = 325560 - 373300 = -47740 \text{ центнер}$$

Бу кўрсаткич экин майдонлари миқдорининг таъсири остида ялпи ҳосилнинг ўзгаришини билдиради.

Ўзбекистон Ресубликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14-сонли қарори қабул қилинди³⁹.

Ушбу қарор асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер майдонларини мақбуллаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Савол туғилади, қандай қилиб бу омилнинг ялпи ҳосилга таъсирини аниқлаш мумкин? Бунинг учун яна бир қайта ҳисобланган шартли ялпи ҳосил кўрсаткичини топиб олиш керак, яъни 2021 йилдаги умумий экин майдонини 2020 йилдаги ўрта ҳосилдорлик даражасига кўпайтирилади. ($\bar{X}_0 \Sigma M_1$).

Сўнгра, бу кўрсаткични биринчи келтирилган шартли ялпи ҳосил билан солиштириб, экин майдонлари таркибининг таъсири аниқланади:

$$\Delta_{\text{э.т.}} = \Sigma X_0 M_1 - \bar{X}_0 \Sigma M_1 = 325560 - 24,2 \cdot 13317 = 325560 - 322271 = +3289 \text{ ц.}$$

Демак, экин майдонлари таркибининг яхшиланиши туфайли дон экинларининг ялпи ҳосили ўтган йилга нисбатан 3289 центнерга ошган.

Экин майдонининг ялпи ҳосил ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун экин майдони индекси формуласидан фойдаланилади:

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

$$I_{ЭМ} = \frac{\Sigma M_1}{\Sigma M_0} = \frac{13317}{15450} = 0,862 \text{ ёки } 86,2 \%$$

Демак, экин майдонининг камайиши туфайли ялпи ҳосил ўтган йилга нисбатан 3,6 % камайган.

Шундай қилиб, 2021 йилдаги ялпи ҳосил 2020 йилга нисбатан 32725 центнерга камайди, шу жумладан:

- 1) экин турлари ҳосилдорлигининг ошиши натижасида 15015 центнерга кўпайган;
- 2) экин майдонларининг таркибини яхшиланиши туфайли 47740 центнерга камайган.

Статистика амалиётида фермер хўжаликлари ялпи ҳосил динамикасини таҳлил этишга катта аҳамият берилади. Чунки турли экинларнинг йиллар бўйича ҳосилдорлик даражасини ўрганиш, уларнинг тараққиёт қонунини юқори ҳосилдорлик ва кам ҳосилдорлик даврларини аниқлаш, йиллар бўйича табиий иқлим шароитлари таъсирида ҳосилдорлик даражасини тасодифий ўзгаришларини таҳлил қилиш имконини яратади. Одатда ҳосилдорлик динамикасини ўрганишда унинг йиллик ўртача миқдори олинади.

Сирдарё вилояти фермер хўжаликларида маҳсулот етиштиришга таъсир этувчи омилларни индекс таҳлили натижасида қуйидаги хулоса ва таклифларни беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ҳозирги кунда фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш самарадорлик даражасини мукамал аниқлаш учун тўла имконият етарли эмас. Шу сабабли, фермер хўжалигида меҳнат ва моддий харажатлар тўлиқ ҳисобга олинмайди. Шу нуқтаи назардан ҳам фермер хўжалиги ялпи ишлаб чиқариш самарадорлигини бошқа хўжалиklar билан солиштирилганда бир гектар ёки бир балл-гектар ҳисобига олинган маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғининг муҳим шаклларида бири бўлган фермер хўжаликларида ялпи ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг имконияти жуда юқори. Чунки, фермер

хўжалигида мулкка ва якуний даромадга эгалик масалалари тўлиқ ҳал қилинаётганлиги фермерда кўп миқдорда фойда билан ишлашга рағбат кучли бўлмоқда. Натижада жамиятнинг бойлиги бўлган ердан, сувдан ва ишлаб чиқариш захираларидан оқилона фойдаланишга эришилади.

3. Ҳар қандай хўжалик юритиш шакли муайян бир ижтимоий-иқтисодий тизимда вужудга келиши ва ривожланиш жараёнида ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий психологик характеридаги бир қатор омиллар таъсирида шаклланиб, ўзига йўл очиб боради.

2.2. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлиги динамикасини миқдорий баҳолаш

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик тармоғида фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлиги динамикасини миқдорий баҳолаш муҳитини тубдан яхшилаш, статистика маълумотларининг сифати ва ишончилигини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Расмий статистикани ишлаб чиқариш, тарқатиш ва мувофиқлаштириш мақсадида мамлакатнинг бутун миллий статистика тизими доирасида қўлланиладиган услубий асослар ва бошқарув тамойилларини такомиллаштириш”⁴⁰ миллий статистика тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

2021 йил 11 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги ЎРҚ 707-сонли қонунида “Кўп йиллик статистика дастури умуман миллий статистика тизими учун ишлаб чиқилади ва расмий статистиканинг стратегик ривожланиш йўналишларини белгилайди”⁴¹ деб кўрсатиб ўтилган.

⁴⁰ «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон «Миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида” ги ЎРҚ -707 – сонли қонуни. 2021 йил. 11 август.

Кўп йиллик статистика дастури миллий статистика тизимини ривожлантириш концепциясидан, стратегик мақсадларидан ва устувор йўналишларидан, шунингдек, расмий статистикасини ривожлантиришга доир дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш механизмларидан иборатдир”⁴² – деб таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас.

Фермер хўжалиги фаолияти самарадорлигини миқдорий баҳолаш орқали нафақат маҳсулотларни етиштириш, балки етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш орқали озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бозорни тайёр озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини аниқлаш имкониятини беради.

Бугунги кунда фермер хўжаликларига маҳсулот ишлаб чиқариш ва сервис хизмат кўрсатиш бўйича бошқарув назарияси, ҳамда фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлиги динамикасини миқдорий баҳолаш хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларда илмий жиҳатдан статистик тадқиқ қилиниб, амалиётда фойдаланиш учун татбиқ этила бошлади.

Муаллиф иқтисодчи олим О.А.Сайдахмедовнинг фикрига кўра “ишлаб чиқариш муҳитида бошқариш фаолиятининг асосий мақсади – бу, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва юқори фойда олишдир. Фойда олиш эса:

- ишлаб чиқариш ходимларидан фойдаланиш самарадорлигига;
- инвестиция самарадорлигига;
- маҳсулот сифати ва унинг рақобатбардошлигига;
- тез ва самарали қарорлар қабул қилинишига;
- янги техника ва технологиянинг жорий қилиниш даражаси каби катор омилларга боғлиқдир”⁴³.

⁴² Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида” ги ЎРҚ -707 – сонли қонуни. 2021 йил. 11 август.

⁴³ Сайдахмедов О.А. Аграр соҳани бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. “Диссертация”. –Т.: 2012.12 бет.

Муаллиф У.Худойбердиевнинг қайд этишича “Ижтимоий - иқтисодий ходисалар диалектика нуқтаи-назаридан доимо ўзгаришда, ривожланишда ва тараққиётда ҳисобланади. Шунинг учун ҳам статистикада ижтимоий - иқтисодий ходисаларнинг вақт ичида (маълум муддат, давр ичида) ўзгаришини ҳамда бу ўзгаришларнинг умумий қонуниятларини аниқлаш мақсадида, статистиканинг ўзига хос усули бўлган динамика қаторларидан фойдаланади”⁴⁴.

Россиялик иқтисодчи олим Ю.Б. Королёвнинг тадқиқотида кўра “қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантиришни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини ошириш, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини ошириш учун онгли равишда тартибга солиниши ҳисобланади”⁴⁵.

Н.М Соатов ва Г.Н. Тиллахўжаеванинг қайд этишича “Сифат кўрсаткичларига асосланган динамика қаторларини таҳлил қилишда назарда тутиш керакки, улар қандай шаклда - тўғри ёки тесқари кўринишда тузилишига қараб, юқорида зикр этилган аналитик кўрсаткичлар, масалан, ўсиш ва қўшимча ўсиш суръатлари турлича мантиқий мазмунга эга бўлади ва бир-бирига баробар бўлмайди. Бу ерда сифат кўрсаткичлари деганда миқдорий қиймати объект (предмет)нинг бирлигига нисбатан ҳисобланадиган ҳодиса меъёри тушунилади. Улар ижтимоий-иқтисодий фаолият натижаларини, яъни мавжуд моддий, молиявий, табиий, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни сифат жиҳатидан, самарадорлик нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради”⁴⁶

Х. Шодиев ва И. Хабибуллаевнинг фикрича “Ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларнинг динамикасини миқдорий баҳолашда қуйидаги статистик кўрсаткичлар қўлланилади: мутлақ ўзгариш; ўзгариш суръати, қўшимча ўзгариш суръати; бир фоиз ўзгаришнинг мутлақ моҳияти. Динамика

⁴⁴ Hudayberdiyev U. Statistika. O‘quv qo‘llanma. // Samarqand, SamISI, 2019, 245 bet.

⁴⁵ Королёв Б.Ю. и др. Менеджмент в АПК. Учебник. Россия.: 2007. 51 стр.

⁴⁶ Soatov N.M., Tillaxo‘jayeva G.N. Statistika. Darslik. T: -TDIU. 2011, 535 bet.

каторлари кўрсаткичларини ҳисоблаш иккита давр даражасини таққослаш натижасида олинади. Одатда, таққосланадиган даража сифатида қаторнинг биринчи ёки ўзидан олдинги йил даражаси қабул қилинади”⁴⁷.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлиги динамикасини миқдорий баҳолаш усулига бўлган талаб ортиб бормоқда. Бу эса, ҳодисани ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу, албатта, олиб борилаётган тадқиқотнинг сифатини оширишга ва у орқали иқтисодий жараёнларни ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаб, уни ечими бўйича таклиф ва тавсияларни баён этишга ёрдам беради.

2.5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари динамикасининг ўзгариши⁴⁸

| Кўрсаткичлар | 2016 йил | | 2017 йил | | 2018 йил | | 2019 йил | | 2020 йил | | 2021 йил | |
|-------------------------|----------|-------|----------|-------|----------|-------|-----------|-------|-----------|-------|-----------|-------|
| | тонна | % | тонна | % | тонна | % | тонна | % | тонна | % | тонна | % |
| Бошоқли дон | 6016929 | 99,7 | 5160351 | 85,8 | 4676893 | 90,6 | 5 500 235 | 117,6 | 5 375 972 | 97,7 | 5 182 149 | 96,4 |
| шундан, бугдой | 5845767 | 99,4 | 5045195 | 86,3 | 4602030 | 91,2 | 5 398 384 | 117,3 | 5 244 801 | 97,2 | 5 077 811 | 96,8 |
| Картошка | 544006 | 98,1 | 429358 | 78,9 | 411617 | 95,9 | 499 778 | 121,4 | 633 484 | 126,8 | 762 801 | 120,4 |
| Сабзавотлар жами | 3328824 | 105,7 | 2995228 | 90,0 | 2637029 | 88,0 | 3 179 632 | 120,6 | 3 674 293 | 115,6 | 3 966 954 | 108,0 |
| Полиз | 1013493 | 111,7 | 953431 | 94,1 | 673601 | 70,7 | 884 576 | 131,3 | 1 035 753 | 117,1 | 1 165 130 | 112,5 |
| Мева ва резаворлар жами | 1017066 | 98,6 | 963208 | 94,7 | 1036989 | 107,7 | 1 072 628 | 103,4 | 1 140 121 | 106,3 | 1 202 473 | 105,5 |
| Узум | 815240 | 101,1 | 740647 | 90,9 | 691993 | 93,4 | 683 677 | 98,8 | 663 536 | 97,1 | 734 485 | 110,7 |
| Гўшт (тирик вазнда) | 62156 | 106,6 | 69303 | 111,5 | 109487 | 158,0 | 125 709 | 114,8 | 112 155 | 89,2 | 148 988 | 132,8 |
| Сут | 352704 | 107,4 | 337681 | 95,7 | 397284 | 117,7 | 462 038 | 116,3 | 519 826 | 112,5 | 587 688 | 113,1 |
| Тухум, минг дона | 656728 | 107,0 | 695349 | 105,9 | 1079434 | 155,2 | 1 142 792 | 105,9 | 1 048 853 | 91,8 | 1 203 738 | 114,8 |
| Жун | 2963 | 103,2 | 2190 | 73,9 | 2785 | 127,2 | 3 241 | 116,4 | 3 716 | 114,7 | 4 123 | 111,0 |
| Пилла | 24914 | 101,2 | 11413 | 45,8 | 14283 | 125,1 | 15 658 | 109,6 | 13 549 | 86,5 | 14 020 | 103,5 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2021 йилда бошоқли дон 5182148 тоннани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,6 %га, шу жумладан, бугдой 5077810 тоннани ташкил қилган ҳолда, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,2 %га камайган, картошка 762801 тоннани ташкил

⁴⁷ Shodiyev X. va Xabibullayev I. Statistika: darslik//. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2019 -454 bet.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016-2021 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 20,4 %га, сабзавотлар 3966954 тоннани ташкил этган ҳолда, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8 %га ошган. 2010 йилда бу кўрсаткич 6016927 тоннани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,3 %га, шундан буғдой 5845769 тоннани ташкил этган ҳолда 0,6 5 га картошка эса 544005 тонна етиштирилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,9 %га камайган, сабзавотлар 3328824 тоннани ташкил этган ҳолда, 5,7 %га ошган (2.5-жадвал).

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш динамикасининг ўзгаришини статистик таҳлил қилиш жараёнида бир қатор кўрсаткичлар ҳисобланади:

1. “Мутлақ қўшимча ўсиш ёки камайиш – ҳар қайси кейинги давр даражасидан бошланғич ёки ўзидан олдинги давр даражасини айириш йўли билан аниқланади:

$$\Delta_{i/i-1} = Y_i - Y_{i-1} \quad \Delta_{i/i_0} = Y_i - Y_0 \quad (1)$$

2. Ўсиш ёки камайиш коэффиценти ёки суръати ($K_{ў.к.}$) – ҳар қайси кейинги давр даражаси бошланғич ёки ўзидан олдинги давр даражасига нисбатан қанча мартаба катта ёки кичик эканлигини ёки қанча фоиз ташкил этишини кўрсатади:

$$K_{i/i-1} = Y_i / Y_{i-1}; \quad T_{i/i-1} = Y_i \cdot 100 / Y_{i-1}; \quad K_{i/i_0} = Y_i / Y_0; \quad T_{i/i_0} = Y_i \cdot 100 / Y_0 \quad (2)$$

3. Қўшимча ўсиш (камайиш) суръати (Д) ҳам икки усулда аниқланиши мумкин. Биринчи усулда ҳар бир кейинги давр даражасидан бошланғич давр даражаси айирилиб, 100 га кўпайтирилади ва бошланғич давр даражасига бўлинади:

$$\Delta_{i/i_0} = \frac{\sum (Y_i - Y_0) \cdot 100}{Y_0} \quad (3)$$

Иккинчи усулда ҳар бир кейинги давр даражасидан олдинги давр даражаси айирилиб, 100 га кўпайтирилади ва ўзидан олдинги йил даражасига бўлинади:

$$\Delta_{T_{i/i_0}} = \frac{\sum (Y_i - Y_{i-1}) \cdot 100}{Y_{i-1}} \quad (4)$$

1 %ли қўшимча ўсиш (камайиш)нинг мутлак қиймати – мутлак қўшимча ўсиш қиймати занжирсимон қўшимча ўсиш суръатига бўлинади”⁴⁹.

$$\Delta_{i/i-1} : \Delta_{T_{i/i-1}} \quad (5)$$

Қуйида 2010-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш динамикасининг таҳлилий кўрсаткичларини келтирамиз.

2.6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш динамикасининг ўзгариши⁵⁰

| Йиллар | Фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажми, (таққослама баҳоларда) млрд.сўм. сўм. (Y) | Абсолют қўшимча ўсиш, млрд. сўм | | Ўсиш суръати, % | | Қўшимча ўсиш суръати, % | | 1 %ли қўшимча ўсиш (ёки камайиш)нинг мутлак моҳияти, млрд. сўм | |
|--------|--|---------------------------------|-----------------|------------------------|----------------------------|--------------------------------|------------------------------------|--|-----------------|
| | | Базисли | Занжирли | Базисли | Занжирли | Базисли | Занжирли | $\frac{[Y_i - y_{i-1}]}{[(Y_i/Y_{i-1}) \times 100] - 100}$ | $(Y_{i+1})/100$ |
| | | $Y_i - Y_0$ | $Y_i - Y_{i-1}$ | $(Y_i/Y_0) \times 100$ | $(Y_i/Y_{i-1}) \times 100$ | $[(Y_i/Y_0) \times 100] - 100$ | $[(Y_i/Y_{i-1}) \times 100] - 100$ | | |
| 2010 | 54584,073 | | | | | | | | |
| 2011 | 57968,285 | 3384,2124 | 3384,2125 | 106,2 | 106,2 | 6,2 | 6,2 | 545,840729 | 545,840729 |
| 2012 | 62142,002 | 7557,9289 | 4173,7165 | 113,8 | 107,2 | 13,8 | 7,2 | 579,682854 | 579,682854 |
| 2013 | 66243,374 | 11659,301 | 4101,3722 | 121,4 | 106,6 | 21,4 | 6,6 | 621,420019 | 621,420019 |
| 2014 | 70416,707 | 15832,634 | 4173,3325 | 129,0 | 106,3 | 29,0 | 6,3 | 662,433741 | 662,433741 |
| 2015 | 74712,126 | 20128,053 | 4295,4191 | 136,9 | 106,1 | 36,9 | 6,1 | 704,167066 | 704,167066 |
| 2016 | 79418,99 | 24834,917 | 4706,8639 | 145,5 | 106,3 | 45,5 | 6,3 | 747,121257 | 747,121257 |
| 2017 | 80213,18 | 25629,107 | 794,1899 | 147,0 | 101,0 | 47,0 | 1,0 | 794,189896 | 794,189896 |
| 2018 | 80373,606 | 25789,533 | 160,4264 | 147,2 | 100,2 | 47,2 | 0,2 | 802,131795 | 802,131795 |
| 2019 | 83025,935 | 28441,862 | 2652,329 | 152,1 | 103,3 | 52,1 | 3,3 | 803,736059 | 803,736059 |
| 2020 | 85267,635 | 30683,562 | 2241,7002 | 156,2 | 102,7 | 56,2 | 2,7 | 830,259349 | 830,259349 |
| 2021 | 88337,27 | 33753,197 | 3069,6349 | 161,8 | 103,6 | 61,8 | 3,6 | 852,676351 | 852,676351 |

2021 йилда Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажми 88337,27 млрд. сўмни ташкил этган ёки 2010 йилга нисбатан 33753,197 млрд. сўмга, ёки 61,8 %га ошган (2.6-жадвал).

Фермер хўжаликлари фаолиятининг статистик кўрсаткичларини ҳисоблаш иккита давр даражасини таққослаш натижасида олинади. Таққосланадиган даража сифатида қаторнинг биринчи ёки ўзидан олдинги йил даражаси сифатида олинади.

⁴⁹ N.M. Soatov, N.G. Nabiyev, A.H. Aybjonov. Amaliy statistika. Darslik. Toshkent-2020 y. 593 bet.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010-2021 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлиги динамикасини миқдорий баҳолашни ўрганамиз. Бошида кўпчиликни қизиқтирадиган саволга жавоб берамиз. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлиги динамикасини миқдорий баҳолаш нимага керак? Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлиги динамикасини вақт бўйича ўзгаришини ўрганиш учун. Масалан, 2021 йилда Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажми 88337,27 млрд. сўмни ташкил этган ёки 2010 йилга нисбатан 33753,197 млрд. сўмга, ёки 61,8 %га ошган. Ташқи кўринишидан бу ажойиб натижа. Лекин, 2021 ва бошқа йилларга нисбатан бу кўпми ёки камми бизга номаълум. Бундай саволга жавоб бериш учун ёки ривожланишни айрим босқичларида ўртача йилига ўзгариш қандай бўлган деган саволга жавоб бериш учун аналитик кўрсаткичлар ҳисобланади. Иккинчидан, мавжуд тенденцияларни ва мавсумийлик даражаларини баҳолаш учун ҳисобланади. Учинчидан, фаолият кўрсаткичларини прогнозини тузиш учун ҳисобланади. Тўртинчидан, ҳодиса ва жараёнларни ўз вақтида статистик баҳоламаслик, керак бўлган компания, минтақа ва ҳатто давлатнинг социал-иқтисодий фаолияти ҳақида муҳим ва тақдирий қарорларни қабул қилмаслик уни оғир рақобат шароитида инқирозга олиб келиши мумкин. Олтинчидан, энг асосийси, маълумки ташқи инвестициялар компания, минтақа ва мамлакатнинг барқарор ривожланишига ишонч ҳосил қилмасдан маблағ киритмайдилар.

2.3. Фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини корреляцион-регрессион таҳлил методи асосида статистик баҳолаш

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжалиқларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасида фермер хўжалиқларининг мамлакатимиз аграр тармоғида тутган ўрни йилдан-йилга

мустаҳкамланган ҳолда, яратилаётган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи маҳсулотлари ҳажмида уларнинг салмоғи ошиб бормоқда.

“Ўзбекистон Республикасида 2021 йил якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 4,0 % (2020-йилда – 2,9 %, 2019- йилда – 3,1 %) даражасида ижобий ўсиш қайд этилди.

Ушбу ижобий ўсиш суръатлари чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 4,1 % (2020-йилда – 2,1 %, 2019-йилда – 1,6 %)га ҳамда деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 3,1 % (2020-йилда – 3,2 %, 2019-йилда – 4,8 %)га ўсиши билан боғлиқ”⁵¹.

Биобарин, бу кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини ўрганиш орқали талабалар қишлоқ хўжалиги тармоғининг мамлакат ялпи ички маҳсулоти, миллий даромадига қўшган ҳиссасини аниқлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасини баҳолаш, уни ривожланиш суръатларини таҳлил этиш усуллари билан танишадилар.

Бугунги кунда фермер хўжаликларида ялпи ишлаб чиқариш ва сервис хизмат кўрсатиш бўйича бошқарув назарияси ҳамда фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлиги динамикасини миқдорий баҳолаш хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларда илмий жиҳатдан статистик тадқиқ қилиниб, амалиётда фойдаланиш учун татбиқ этила бошлади.

Муаллиф У. Худойбердиевнинг фикрича “Табиат ва жаmiатдаги барча ҳодисалар ва жараёнлар бир - бири билан узвий равишда боғланган бўлиб, бу ҳодиса ва жараёнлардан бирининг ўзгариши, албатда иккинчисининг ўзгаришига олиб келади. Статистикада бир ҳодиса-жараёнга таъсир этиб, ўзгартирувчи белгини омил белги, унинг таъсирида ўзгарувчи ҳодисани натижавий белги дейилади”⁵²

Н.М Соатов ва Г.Н. Тиллахўжаеванинг қайд этишича “Ҳодисалар орасидаги ўзаро боғланишларни ўрганиш статистика фанининг муҳим вазифасидир. Бу жараёнда икки хил белгилар ёки кўрсаткичлар иштирок

⁵¹ www.stat.uz маълумотлари асосида тузилди.

⁵² Hundayberdiyev U. Statistika. O'quv qo'llanma. // Samarqand, SamISI, 2019, 245 bet.

этади, бири эркили ўзгарувчилар, иккинчиси эркисиз ўзгарувчилар ҳисобланади. Биринчи тоифадаги белгилар бошқаларига таъсир этади, уларнинг ўзгаришига сабабчи бўлади. шунинг учун улар омил белгилар деб юритилади, иккинчи тоифадагилар эса натижавий белгилар дейилади”⁵³

Х. Шодиев ва И. Хабибуллаевнинг фикрича “Жамиятда ҳар бир ходиса ва жараёнлар ўзаро узвий равишда боғланган бўлиб, боғланишлар ходиса ва жараёнларни тавсифловчи кўрсаткичларнинг боғланишида намоён бўлади.”⁵⁴

Фермер хўжаликлари фаолиятида содир бўладиган ҳодисалар ва жараёнлар узвий равишда ўзаро боғланишга эга ҳисобланади. Фермер хўжаликлари фаолиятидаги ўзаро боғланишлар ва уларнинг белгилари ўзаро бир-бирига узлуксиз таъсир қилишида ифодаланади. Шу сабабли, фермер хўжаликлари фаолиятини ўрганишда белгилар ўртасидаги боғланишни аниқлаш катта аҳамиятга эгадир.

Шу сабабли, регрессия тенгламасини аниқлаш билан бир қаторда унинг корреляцион боғланишини ифодалаш даражасини баҳолаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Статистикада бир омилли моделларини аниқлаш усули жуфт корреляция, кўп факторли моделларни аниқлаш усули эса кўп омилли корреляция дейилади⁵⁵.

Ўзбекистон Республикасида пахта ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги орасидаги боғланиш тўғри чизиқли бўлиб, қўйидаги тенглама орқали аниқланади (2.7-жадвал).

⁵³ Soatov N.M., Tillaxo‘jayeva G.N. Statistika. Darslik. T: -TDIU. 2011, 535 bet.

⁵⁴ Shodiyev X. va Xabibullayev I. Statistika: darslik//. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2019 - 454 bet.

⁵⁵ N.M. Soatov, N.G‘. Nabiyev, A.H. Aybjonov. Amaliy statistika. Darslik. Toshkent-2020 y. 593 bet.

**Ўзбекистон Республикасида пахта ялпи ҳосили ва ўртача
ҳосилдорлиги ўртасидаги боғлиқликни регрессия тенгламасини
аниқлаш учун ҳисобламалар жадвалини тузамиз⁵⁶:**

| Йиллар | Фермер хўжаликларида етиштирилган пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги, ц/га (x) | Фермер хўжаликларида етиштирилган пахтанинг ялпи ҳосили, центнер (Y) | xy | x ² | Y _x = a ₀ + a ₁ x |
|----------------|--|---|--------------------|----------------|--|
| 2000 | 21,8 | 3002,4 | 65452,32 | 475,24 | 3019,0 |
| 2001 | 23,3 | 3264,6 | 76065,18 | 542,89 | 3126,2 |
| 2002 | 22,4 | 3122,4 | 69941,76 | 501,76 | 3061,8 |
| 2003 | 20,5 | 2803,3 | 57467,65 | 420,25 | 2926,1 |
| 2004 | 24,5 | 3536,8 | 86651,6 | 600,25 | 3211,9 |
| 2005 | 25,3 | 3728,4 | 94328,52 | 640,09 | 3269,1 |
| 2006 | 25 | 3600,6 | 90015 | 625 | 3247,7 |
| 2007 | 25,5 | 3683,4 | 93926,7 | 650,25 | 3283,4 |
| 2008 | 24 | 3400,5 | 81612 | 576 | 3176,2 |
| 2009 | 25,3 | 3401,9 | 86068,07 | 640,09 | 3269,1 |
| 2010 | 25,4 | 3404 | 86461,6 | 645,16 | 3276,3 |
| 2011 | 26,3 | 3500 | 92050 | 691,69 | 3340,6 |
| 2012 | 26,4 | 3460,1 | 91346,64 | 696,96 | 3347,7 |
| 2013 | 25,7 | 3361,2 | 86382,84 | 660,49 | 3297,7 |
| 2014 | 26,1 | 3400,2 | 88745,22 | 681,21 | 3326,3 |
| 2015 | 25,9 | 3361,3 | 87057,67 | 670,81 | 3312,0 |
| 2016 | 23,4 | 2959 | 69240,6 | 547,56 | 3133,3 |
| 2017 | 24 | 2853,9 | 68493,6 | 576 | 3176,2 |
| 2018 | 20,9 | 2293 | 47923,7 | 436,81 | 2954,6 |
| 2019 | 25,3 | 2 691,60 | 68097,48 | 640,09 | 3269,1 |
| 2020 | 28,1 | 3 063,90 | 86095,59 | 789,61 | 3469,2 |
| 2021 | 31,7 | 3 327,50 | 105481,75 | 1004,89 | 3726,5 |
| Жами: | 546,8 | 71220 | 1778905,49 | 13713,1 | 71220,0 |
| Ўртача: | 24,9 | 3237,3 | 80859,34045 | 623,323 | 3237,3 |

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, регрессия тенгламаси параметрлари аниқлангандан сўнг Y_x регрессиянинг назарий йўналиши X қийматларини корреляция тенгламасида боғланиш аниқланди, яъни:

$$Y_x = a_0 + a_1 x$$

бу ерда: Y_x - фермер хўжаликларида етиштирилган пахтанинг ялпи ҳосили, центнер;

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2000-2021 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

X - фермер хўжаликларида етиштирилган пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги, ц/га;

a_0 ва a_1 - регрессия тенгламаси параметрлари⁵⁷.

Корреляцион боғланиш тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$Y_x = 1460,904 + 71,470585x$$

Регрессия тенгламаси параметрларини аниқлаймиз:

$$a_1 = \frac{\overline{xy} - \bar{x} \cdot \bar{y}}{\overline{x^2} - (\bar{x})^2} = 71,470585 \text{ центнер},$$

$$a_0 = \bar{y} - a_1 \bar{x} = 1460,904 \text{ центнер}.$$

Демак, фермер хўжаликларида етиштирилган пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 1 ц га ошганда, фермер хўжаликларида етиштирилган пахтанинг ялпи ҳосили 71,470585 центнерга ошади (2.7-жадвал).

Келтирилган статистик маълумотлар ва таҳлиллар фермер хўжаликларининг мамлакатимиз қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигидаги ўрни ва аҳамияти катта эканлигидан далолат беради. Республикамиз ҳукумати хўжалик юритишнинг бу шаклини истиқболда янада ривожлантиришга эътибор қаратмоқда.

Фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини корреляцион-регрессион таҳлил усули асосида статистик баҳолаш натижасида қуйидаги натижаларга эришилди:

- хусусий мулкчилик ривожлантирилиб, фермер хўжаликларида мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгарди, уларда мулк эгаллиги ҳиссиёти шаклланди;
- фермер мулк эгаси бўлиб, унга хўжаликнинг устав капиталини мустақил шакллантириб, бошқариш имконияти берилди;
- давлат буюртмасидан ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотга эркин нарх қўйиш ва сотиш ҳуқуқига эга бўлди;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан келган соф фойдани мустақил тасарруф этиш имконияти шаклланди.

⁵⁷ N.M. Soatov, N.G'. Nabiyev, A.H. Aybjonov. Amaliy statistika. Darslik. Toshkent-2020 y. 593 bet.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодийнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоқларида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг илғор хорижий тажрибалари статистик татбиқ этилмаган, фермер хўжаликлари субъектларининг ўзига хос илмий-услубий асосларини ўрганиш, уларнинг барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш, келгусидаги истиқболли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда фермер хўжаликлари субъектларининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ташқи ва ички омилларини баҳолаш, фермер хўжаликлари фаолиятида рақобатчилик муҳитини статистик тадқиқ этиш, республикамиз ҳудудлари кесимида фермер хўжаликлари субъектларининг мавжуд муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари илмий жиҳатдан асослаб бериш, фермер хўжаликларида фаолият юритаётган субъектларни ривожланиш параметрларини статистик баҳолаш услубиятини янада такомиллаштириш каби муаммоларни ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

II боб бўйича хулоса

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлиги динамикасини миқдорий баҳолашга акс таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш эса, уларни келгусида ривожланиш суръатларини оширади. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлиги динамикасини миқдорий баҳолаш бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

- фермер хўжаликлари бўйича статистик маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш, уларни гуруҳлаштириш, статистик таҳлил қилиш, тарқатиш ва сақлашнинг замонавий статистик усуллари ва воситаларидан фойдаланиш ҳамда уларда миллий статистика тизимини кенг миқёсда жорий этиш;

- фермер хўжаликларидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар тизими ривожланишидаги айрим муаммолар бўйича статистика маълумотларини тақдим этиш билан боғлиқ қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, уларни

бартираф этиш хақида кўрсатмалар бериш ва статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш.

Фермер хўжалиги бўйича олинган маълумотларнинг динамика қаторларини тайёрлаш бўйича:

- фермер хўжаликлари бўйича олинган маълумотлар бўйича максимал узоқ вақт оралиғида дискрет кўрсаткичларнинг динамика қаторларини яратиш;

- фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар бўйича дискрет маълумотларни йиғиш учун саволномаларни ўзгартириб, асосий кўрсаткичлар асосида йиллик дискрет маълумотларга тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, мавсумий тузатишлар киритиш усулини жорий қилиш;

- фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини миқдорий баҳолаш учун мавжуд индекслар ва дефляция усулларини такомиллаштириш;

- ҳудудлар кесимида фермер хўжаликлари бўйича олинган маълумотларни динамика қаторларини таҳлил қилиш кўрсаткичларидан фойдаланиш бўйича кенг тушунтиришлар олиб борувчи дастурларини яратиш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотининг асосий улуши ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий тармоқларидан бири - қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида етиштирилади. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида фермер хўжаликлари саноат тармоғи учун асосий хом-ашё базаси етказиб берувчилар ҳисобланади. Унинг таркибида деҳқончилик ва чорвачилик соҳаси ҳам ўзининг қўшилган қийматини яратиши, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш имкониятларини амалиётга жорий қилиши зарур. Фермер хўжаликлари моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва етакчи хўжалик тоифаси бўлиб, унинг барқарор ривожланиши иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишига олиб келади.

III БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАНЛАНМА КУЗАТУВ АСОСИДА СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

3.1. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини анкета-сўровномалари асосида статистик баҳолаш

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини анкета-сўровномалари асосида статистик тадқиқ қилиш ва улар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ислоҳ қилиш зарурий даражада аҳамият касб этмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, “2021 йилда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ялпи ишлаб чиқариши ҳажми 302524,9 млрд. сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 1,62 баробарга ошган”⁵⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ПФ–60-сон Фармонининг “Миллий иқтисодий жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш”га бағишланган 3-устувор йўналишида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш” вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасида статистика маълумотларининг сифати ва ишончилигини ошириш ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, шу жумладан, халқаро ташкилотларнинг махсус нашрлари ва маълумотлар базаларида ҳолис ҳамда ишончли акс эттириш расмий статистиканинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

⁵⁸ www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари.

Шу билан бирга, “статистика маълумотлари сифатини яхшилаш, статистика кўрсаткичларининг маълумот базаларини яратиш, халқаро андозаларга мослаштириш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда статистиканинг замонавий усулларини жорий этишни тақозо этади”⁵⁹.

Анкета-сўровнома ўтказиш усули даставвал психология илмида пайдо бўлган. Психологияда анкета-сўровнома ўтказиш усулини биринчилардан бўлиб инглиз олими Ф.Гальтон ўз тадқиқотларида ақлий хислатларнинг юзага келиши манбаларини ўрганиш мақсадида жорий этган. Ундан сўнг хорижий психолог-олимлар С.Холл, А.Бине, Г.М. Андреева, Э.Ноэль томонидан анкета сўровномалари ўтказишнинг амалий технологияси тадқиқотларда фойдаланиш учун татбиқ этила бошлади.

Муаллиф У.Худойбердиевнинг фикрича “Анкета орқали кузатишда эса, маълум доирадаги шахсларга махсус анкеталар (сўроқномалар) берилади ёки матбуотда эълон қилинади. Бу анкеталар саволларига жавоблар ёзиш ихтиёрий бўлиб, кўпинча у-бу ҳодисаларга жамоатчилик фикрини аниқлашда кўп қўлланилади”⁶⁰.

Н.М Соатов ва Г.Н. Тиллахўжаеванинг қайд этишича “Анкета орқали кузатишнинг моҳияти шундаки, унда тегишли саволлар ёзилган варақалар жавоб ёзиб юборишни илтимос қилиб респондентлар орасида тарқатилади. Аммо варақларни тўлдириш ихтиёрий бўлгани учун одатда тарқатилган анкеталарни фақат бир қисми жавоби билан қайта олинади. Натижада қисман кузатишга эга бўламиз”⁶¹.

Х.Шодиев ва И.Хабибуллаевнинг фикрича “Анкета орқали кузатишда саволлар ёзилган варақалар кузатиш бирликларига тарқатилиб, улар тўлдирилгандан сўнг йиғиштириб олинади ва умумлаштирилади. Бундай кузатиш жамоатчилик фикрини аниқлашда, айниқса, бозор иқтисодиёти

⁵⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони. 2019 йил 23 октябрь. //https://lex.uz/docs/4567334.

⁶⁰ Hudayberdiyev U. Statistika. O‘quv qo‘llanma. // Samarqand, SamISI, 2019, 245 bet.

⁶¹ Soatov N.M., Tillaxo‘jayeva G.N. Statistika. Darslik. T: -TDIU. 2011, 535 bet.

шароитида айрим ходиса ва воқеалар бўйича махсус мустақил экспертларнинг фикрларини билишда яхши натижа беради”⁶².

Бугунги кунда амалий социологияда анкета сўровномаларини қўллаш усули юқори савияда ташкил этилмоқда. Анкета сўровномалари ғояси муаллифи психолог бўлсада, жамоатчилик фикридек мураккаб, кўп қиррали ва латент ҳодисани ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Лекин аксарият тадқиқотларда комплекс равишда, яъни социология, психология ва статистика методларини узвий боғлиқ қўллаш самарали натижа беради.

Бу, албатта, олиб борилаётган тадқиқотнинг сифатини оширишга ёрдам беради. Психология кўпроқ ўз тадқиқотларида валидлик тўғрисида иштирок этса, социология репрезентативлик учун, статистика анкета сўровномалари орқали иқтисодий жараёнларни ривожланишига тўсик бўлаётган муаммоларни аниқлаб, уни ечими бўйича таклиф ва тавсияларни баён этади.

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари фаолиятида статистика кузатишлари респондентларнинг индивидуал ва бошқа маълумотларини бирламчи йиғиш жараёнлари бўлиб, бу жараёнлар расмий статистикани тайёрловчилар томонидан статистика услубиятларидан фойдаланган ҳолда, статистика мақсадларида амалга оширилади.

“Демак, анкета сўрови деганда инсонлардан олдиндан тайёрланган сўровномалар асосида маълум объектив фактлар, воқеа, ходиса ва шахслар тўғрисида фикр олиш жараёни тушунилади. Содда қилиб айтганда, анкета сўрови – анкета асосида суҳбат қилишдир. Анкета сўрови ёрдамида респондентлардан ўзлари гувоҳи бўлган, эшитган, кўрган ёки мустақил тушунчага эга бўлган маълум воқеа ёки шахс тўғрисида маълумот олиш жараёнини тушуниш мумкин.

Анкета сўрови респондентларнинг сони бўйича қуйидаги турларга бўлинади:

⁶² Shodiyev X. va Xabibullayev I. Statistika: darslik//. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2019 - 454 bet.

- индивидуал анкета сўрови (битта респондент, яъни ҳар бир фуқаро билан алоҳида тартибда анкета сўровини ўтказиш);
- гуруҳий анкета сўрови (бир вақтнинг ўзида бир қанча (100 гача) респондент билан сўров ўтказиш);
- оммавий анкета сўрови (юздан ошиқ респондентни анкета сўровига жалб қилиш)⁶³.

Статистик кузатиш натижасида маълумотларни ялпи ва танланма кузатиш орқали статистика дастурларига мувофиқ ҳолда олиш керак.

Ялпи статистика кузатувлари ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган статистика ҳисоботи шакллари асосида ўтказилади.

Танланма статистика кузатувлари расмий статистикани тайёрловчилар томонидан тасдиқланган статистика кузатувлари шакллари асосида ўтказилиб, статистика кузатувларида респондентлар ва уй хўжаликлари ихтиёрий асосда иштирок этади.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси бўйича ўтказилган анкета сўровномалари асосида олинган маълумотлар⁶⁴ келтирилган бўлиб, унга кўра:



3.1-диаграмма. 2022 йил 1 февраль ҳолатига Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг жойлашуви (% ҳисобида)

⁶³ Юлдашев С.Р. Социологик анкета тузиш назарияси ва амалиёти. Илмий-услубий қўлланма. – Тошкент: Yoshlar nashriyot uyi, 2020, 72 бет.

⁶⁴ III бобнинг 3.1-параграфида берилган барча диаграммалар муаллифнинг илмий тадқиқотлари натижасидан олинган.


2022 йил 1 февраль ҳолатига анкета сўровномалар ўтказилиш натижасида тадқиқот ўтказилаётган фермер хўжаликлари сони жамига нисбатан Қорақалпоғистон Республикасида 4,8 %ни, Андижон, Навоий, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятида 2,1 %ни, Жиззах вилояти 6,2 %ни, Сирдарё ва Наманган вилоятида 1,4 %ни, Сурхондарё вилояти 35,9 %ни, Фарғона вилоятида 2,1 %ни, Хоразм вилоятида 41,4 %ни ташкил этганлиги кўрсатилган (3.1-диаграмма).



3.2-диаграмма. 2022 йил 1 февраль ҳолатига Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган фермер хўжалиklarининг фаолияти жараёнлари муддати (% ҳисобида)

2022 йил 1 февраль ҳолатига анкета сўровномалар ўтказилиш натижасида республикамиз ҳудудларида 5 йилдан кўп фаолият юритаётган фермер хўжаликлари сони 65,3 %ни, 1 йилдан 5 йилгача фаолият юритаётган фермер хўжаликлари сони 25,2 %ни, 1 йилдан кам фаолият юритаётган фермер хўжаликлари сони 8,2 %ни, фермер хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтган, бироқ умуман фаолият юритмаётган фермер хўжалиги 1,3 %ни ташкил этди (3.2-диаграмма).


Фермер хўжалигингизда нечта иш ўринлари яратилган?



3.3-диаграмма. 2022 йил 1 февраль ҳолатига ҳолатига Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган фермер хўжаликларида яратилган иш ўринлари ҳолати (% ҳисобида)

Анкета сўровномалар ўтказилиш натижасида республикамиз ҳудудларида фермер хўжаликларида яратилган иш ўринлари 0-5 нафаргача 30,6 %ни, 6-10 нафаргача 34,7 %ни 11-50 нафаргача 29,9 %ни, 51-100 нафаргача 4,1 %ни, 100 нафардан кўп 0,7 %ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин (3.3-диаграмма).

Фермер хўжалигининг бошлиғи касби?




3.4-диаграмма. 2022 йил 1 февраль ҳолатига Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг бошлиғи касби тўғрисида маълумот (% ҳисобида)

Анкета-сўровномалари натижасида олинган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги фермер хўжаликлари бошлиғининг мутахассислиги бўйича агроном 40,1 %, иқтисодчи 10,2 %, бухгалтер 10,9 %, зоотехник,

менежер ва маркетолог 2,0 %, 21,6 %, бошқа касб эгаси 32,7 % эканлигидан далолат бермоқда (3.4-диаграмма).

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси хуудларида бозор муносабатлари тизимини шакллантириб, фермерларни ўз фаолиятини мустақил юрита олишлари учун етарли билим ва малакага эга бўлишлари керак. Статистик тадқиқотлар натижаларидан ҳам кўриниб турибдики, бугунги фермер хўжаликлари бошлиқларининг аксарияти қишлоқ хўжалиги соҳаси билан боғлиқ бўлмаган касб эгалари эканлигидир.




3.5-диаграмма. 2022 йил 1 февраль ҳолатига Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг шуғулланаётган фаолият турлари (% ҳисобида)

Бугунги кунда қорамолчилик, қўйчилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ва бошқа фаолият тури билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари салмоғи юқори эканлигини кўрсатмоқда (3.5-диаграмма).

Фермер хўжалигида ўтказилган анкета сўровномалари натижасида уларга бириктирилган ер участкалари ўлчами бўйича фермер хўжаликлари сони 100 гектардан юқори 16,2 %ни, 50-100 гектаргача 28,4 %ни, 30-50 гектаргача 18,2 %ни, 10-30 гектаргача 9,5 %ни, 5-10 гектаргача 10,1 %ни, 2-5 гектаргача 11,5 %ни, 0,3-2 гектаргача 6,1 %ни ташкил этганлиги аниқланди (3.6-диаграмма).

Фермер хўжалигингизга берилган ер участкангизни ўлчами неча гектарни ташкил этади?

148 җавоб



3.6-диаграмма. 2022 йил 1 февраль ҳолатига Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларининг ўлчами (% ҳисобида)

Бугунги кунда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида энг кўп тарқалган хўжалик юритиш шакли фермер хўжалиги ҳисобланади. Мулкчиликнинг бу шакли бозор муносабатлари шароитида республикамиз иқтисодиёт ва аҳолисининг турли товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда асосий ролни ўйнайди. Республикадаги бу борада олиб борилаётган ислохотлар фермерларнинг, яъни бевосита маҳсулот етиштирувчиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида самарадорликни юксалтириш имкониятлари яратилмоқда. Шу билан бирга, бугунги фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини оширишда бир қатор муаммолар борлиги анкета-сўровномалари орқали аниқланди:

Анкета-сўровномалари натижасида қуйидаги муаммолар аниқланди:

1. Агар ўз фермерлик фаолиятингизда электр тармоғига уланиш билан боғлиқ муаммога дуч келган бўлсангиз, ушбу жараён (процедура)нинг мураккаблиги ва муддатлари тўғрисида маълумот беринг?

1. Бугунги кунда қоғозбозлик ҳужжатлари мавжуд.

2. Айрим фермер хўжаликларида бир контур электр насос ёрдамида суғорилади, 2022 йил бюджетдан ажратилган маблағ олиб ташланган. Кластердан фермер хўжаликлари даромадини ўз вақтида олса, йиллик даромадлар ўз вақтида ўзлаштира бу ҳам муаммо бўлмайди.

2. Агар ўз фермерлик фаолиятингизда сув тармоғига уланиш билан боғлиқ муаммога дуч келган бўлсангиз, ушбу жараён (процедура)нинг мураккаблиги ва муддатлари тўғрисида маълумот беринг?

1. Ернинг шўрини ювиш учун сувни кўпайтириб берилса, яхши бўлар эди. Чунки, Республикамининг айрим ҳудудларида Сирдарё вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ернинг шўрини ювмаса бўлмайди.

2. Айрим ҳудудларда тизим умуман йўқ. Май ойидан сув умуман келмайди, тўғрироғи мироблар сувни тўғри тақсимлай олмайди. Коллектор яқинидаги фермерларга сув келади, лекин охирида жойлашган фермерлар даласига сув умуман келмайди.

3. Сув хўжалиги ходимлари маъсулиятсизлиги сабабли, сувни фермерлар вилоятлараро каналдан очиб келишмоқда.

3. Агар ўз фермерлик фаолиятингизда ёқилғи таъминоти билан боғлиқ муаммога дуч келган бўлсангиз, ушбу жараён (процедура)нинг мураккаблиги ва муддатлари тўғрисида маълумот беринг?

1. Фермер хўжаликларида тез-тез ёқилғи таъминоти бўйича муаммо бўлиб туради, чунки агар бозор баҳосида фаолият юритиш имконияти яратилса муаммо бўлмайди.

2. Таъминотни кластер қилади. Тез-тез ёқилғи билан муаммолар бўлиб туради. Агар кластер аванси ўз вақтида фермер хўжаликлари ҳисобига ташлаб берса, ўзлари ёқилғи базасидан биржа орқали олса, кластерга 10 % накладной харажат тўламаса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3. Фермер хўжаликлари даромадини ўз вақтида ўзлаштира, биржада ёқилғи ва минерал ўғитларни ўз вақтида олиб ишлата олади.

4. Агар ўз фермерлик фаолиятида ер участкалари ажратилиши билан боғлиқ муаммога дуч келган бўлсангиз, ушбу жараён (процедура)нинг мураккаблиги ва муддатлари тўғрисида маълумот беринг?

1. Фермерлик фаолиятида ер ажратиш масаласи аукционга ўтиб фақат муаммо бўляпти.

5. Агар фермер хўжалигингиз учун тижорат банкларидан кредит расмийлаштирилишида муаммоларга дуч келган бўлсангиз, уларни тавсифлаб беринг?

1. Айрим фермер хўжаликларида банклар томонидан 1 йилгача алдаб кредит ола олмаяпти.

2. Республика “Агробанк”ида энг катта муаммо, фермер хўжалиги пулини эркин ҳисоб рақамига олишига қўйилган тўсиқни йўқ қилиш учун бошқарув механизмини ҳудуд филиалига бериш керак.

3. Кредит олишда Марказий банк ставкаси жуда баланд 14 % фермерга оғирлик қиляпти, максимум 5 % бўлиши керак.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалигини, жумладан, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қандай фармон ҳамда қарорларини биласиз?

1. Керакли қарор ва фармонларни ҳамма вақт интернетдан оламан ва анчасидан хабарим бор, лекин ижроси жойларда талаб даражасида эмас.

2. Республикамиз ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалигини, жумладан, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қандай фармон ҳамда қарорларини фермерларга етказиш учун семинарлар ташкил этиш зарур.

7. Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалигини, жумладан, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қандай қарорларини биласиз?

1. Фермерлар қарорларни интернет орқали айрим қарорларни кўриб боришмоқда, лекин ижроси кўнгилдагидай эмас.

2. Бор, лекин бизга етиб келмайди.

8. Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги, жумладан, фермер хўжалиги бўйича қандай қонунларини биласиз?

1. Асосий ҳамма қонунларни биламан, ҳозир ёнимда мазмунлари ҳақида ҳужжат йўқ.

9. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги, жумладан, фермер хўжаликларини ривожлантиришда қандай камчиликлар бор деб ҳисоблайсиз? Сизнинг фикрингиз?

1. Сувни ўз вақтида берилса яхши бўлар эди.

2. Фермерларга ерлар хусусий қилиб берилмаса, қишлоқ хўжалигида ривожланиш бўлмайди.

3. Ер дахлсизлигини таъминлаш керак. Эркин фаолият қилишга қўйиб бериш керак. Агар ушбу шароитлар яратиб берилса, ҳеч қандай қўллаб-қувватлаш керак эмас. Аксига фермер давлатни қўллаб-қувватлайди.

4. Фермерлар билан банк ўзаро ишлаши керак, кластер орқали эмас.

5. Биринчи ўринда фермерлар фаолиятига маҳаллий ҳокимият аралашувини йўқ қилиш керак.

6. Фермерлар кенгаши фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, масъул ходимларга иш фаолияти юзасидан қонуний баҳо бериш, умуман олганда, кенгаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш лозим.

7. Азотни доимо биржага қўйиш керак.

8. Пахта ва ғалла уруғини фермер хўжаликлари ўзлари хоҳлаган жойдан олишса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

9. Кластер ва фермер ўртасида қонунларимизни барқарорлигини тизимли таъминлаш ва монополияга қарши қоида ўрнатиш лозим.

10. Уруғчилигимизга ниҳоятда катта эътибор бериш керак.

10. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги, жумладан, фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича қандай таклиф ва тавсиялар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди? Сизнинг фикрингиз?

1. Фермерларга ерни умрбод хусусий қилиб бериш керак.

2. Фермерга эркин фаолият қилиш шароити учун ер дахлсизлигини яратиб берилса бўлди. Агар давлат томонидан бозорларни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли молиялаштириб, шартнома асосида буюртма олиш мумкин. Бу ҳам монополиядан ҳоли бўлиши керак.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти фермерлар ишига аралашмасликлари лозим. Голландия тажрибасини қўллаш зарур.

4. Алмашлаб экишни йўлга қўйиш, ҳар қандай режадан воз кечиш керак (гектар, тонна, центнер навлаштириш) ерни фермер ўзиники деб ҳис қилмайди. Исталган пайтда олдириб қўйишдан кўрқиб яшайди. Чунки, қонуний ҳимоя йўқ, бўлса ҳам ҳокимият хоҳласа бажаради. Сабаби, ҳокимият қонунни бузса ҳеч ким унга чора кўрмайди. Агар юқоридагилар бартараф этилса, икки йилда Ўзбекистонда юқори ўзгаришларга эришилади.

5. Фермерларни ўз ҳолига қўйиш керак. Маҳсулотини хоҳлаган кластерларга хоҳлаган нархига сотсин. Фермер бой бўлсин ўша маҳаллада ободончилик ишларни қилади. Кам таъминланган оилаларга ёрдам беради. Ҳар битта маҳаллада камида 2-3 та фермер бор. Кластер қаердан билади қайси маҳаллада камбағал борлигини.

6. Фермерлар кластерлар билан фойдани тенг бўлиши керак. Чунки, пахтани нархи 7 минг сўм бўлгани билан солярканинг нархи 10 минг сўм, амофоснинг бир килоси 10 минг сўмни ташкил этади. Шу сабабли, ёқилғи ва минерал ўғитлар сотиб олишда фермерлар учун имтиёз берилиши керак. Биржа баҳоси жуда қиммат бўлганлиги учун экинлардан олинган даромад харажатларни қопламай қолди. Солиқ тўловларида имтиёз бериш, кредит фоизларини пасайтириш, мажлисбозликни йўқотиш, моддий томондан имконияти кам бўлган фермерларни давлат томонидан молиялаштириш зарур.

ЎРП-қарорлари қишлоқ хўжалигига оид, ВМ-қишлоқ хўжалигига оид қарорлари фақат интернетларда эмас, балки телевидение ва матбуотларда кунлик ёритиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, биз ерга бўлган мулкчилик муносабатини ўзгартириш билан қишлоқ хўжалиги ўз аравасини ўзи тортиб бозорларимизни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлай олади, дея олмас эканмиз. Бу билан биз фермерлик кам фойда келтирадиган келажакда ривожланмайдиган соҳа дея олмаймиз. Фермерлик бу, агар билим, иқтидор, ақл билан фаолият юритилса, чексиз даромад манбаидир.

Шундай экан, нима учун бизда бу тоифадаги хўжаликларнинг ўрни етакчи эмас, уларни ривожлантириш ва рағбатлантириш борасидаги камчиликларнинг асосий сабаби нимада, бу соҳада яна қандай имкониятлар мавжуд?

Биринчидан, ҳозирги кундаги фермерлар фаолиятидаги асосий камчиликлардан бири уларга иқтисодий, ҳуқуқий билимлар етишмаслиги, шунингдек, бозор муносабатларига хос янгича фикрлаш йўқлигидир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзларининг бир қатор асарларида, сўзлаган нутқларида такрор ва такрор таъкидлаганидек, инсонларда янгича онгни шакллантириш биринчи галдаги вазифамиздир, деб таъкидлаб ўтганлари бежизга эмас.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ушбу фаолият билан банд бўлганларнинг аксарияти Республикамизда чиққан фармон ва қарорлардан, бозор муносабатларининг ўзига хос қонун-қоидаларидан бохабардир. Юқорида таъкидлаганимиздек, фермерлик билан шуғулланишни хоҳловчилар кўп бўлсада, унинг ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатлари, жумладан, ташқи шартномаларни, масалан, фермерлар билан уларга тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларни тушунмаслик ва бошқа шу каби ҳолатлар учрамоқда.

Шу билан бирга янгидан ташкил этилган фермер хўжалиги раҳбарлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг технологик асосларини

яхши билсада, уни ташкил қилишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари тўғрисида етарли билим, тажриба ва малакага эга эмаслар. Фермер хўжалигига раҳбар бўлган шахс ишни самарали олиб бориши учун маркетинг ва бошқа тадқиқотлар ўтказиши, бизнес-режа тузиши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида турли иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга ошириши лозимдир.

Демак, фермерлар фаолиятини ривожлантиришдаги галдаги вазифамиз, уларга консалтинг, юридик хизмат кўрсатишни, шунингдек, республикада бундай ҳаракатни жадаллаштириш учун яратилаётган имтиёзларни тарғиб қилишни кучайтиришдир.

Иккинчидан, ҳозирги кунда фермерларни ташкил қилишда айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Баъзи фермерлар ерни олишга олиб, унинг самарадорлиги учун қайғурмаяптилар, янги ташкил топган фермер хўжаликларининг аксариятида уларнинг бундан кейинги фаолиятини самарали давом эттириши учун зарур бўладиган техника, молиявий маблағлар, шунингдек, етарли тажрибанинг мавжуд эмаслиги хўжаликнинг фойда кўрмай ишлашига, ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келмоқда. Бунга сабаб инсонларда ерга эга бўлиб олиш ҳиссининг юқори эканлигидадир.

Учинчидан, юқори ташкилотларнинг фермерлар фаолиятига ноқонуний аралашуви, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг фермерларга нисбатан лоқайдлиги туфайли улар ўз фаолиятларини самарали юритишларига тўсқинлик қилаяпти.

Буларга мисол қилиб шуни айтиш мумкинки, кўп ҳолларда фермерларнинг ҳокимлик ва бошқа бошқарув органларга ёзма ёки бошқа тарзда қилган мурожаатлари жавобсиз қолмоқда, фермерлар учун давлатимиз томонидан яратилаётган турли имтиёзлар етарлича тарғиб қилинмаяпти.

Бунинг учун ҳокимликларда ҳар бир рўйхатга олинган фермер билан бевосита ишлашни бирор бўлим ихтиёрига юкланиши лозим. Албатта, ҳозирги кунда бу борада фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари

кенгаши, товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар палатаси ҳамда бошқа ташкилотлар фаолият юритмоқда, лекин маълумки, улар ўз аъзоларигагина хизмат кўрсатадилар. Яъни бу ташкилотлар республикадаги (вилоятдаги, тумандаги) барча фермерлар тўғрисида маълумот бериш ёки уларга турли хизматлар кўрсатиш имкониятига эга эмаслар.

Шунинг учун ҳокимликдаги бўлимнинг асосий фаолияти фермер хўжалиklarини ривожлантириш борасида қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ ижро этилишини таъминлаш, жойларда расмиятчилик, тўрачилик, қоғозбозлик каби иллатларни, фермер хўжалиги ривожланишига бўлган тўсиқларни йўқотиш ва ҳоказолардан иборат бўлмоғи даркор.

Тўртинчидан, маълумки, ҳозирги кунда фермер хўжалиklarига номоддий хизматлар кўрсатувчи, ҳамда уларнинг бир-бири билан интеграциялашувини таъминловчи биргина, фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорка ер эгалари кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Бу эса 107622 та фермер хўжалиги учун етарли бўлмаслиги ёки бу ташкилотнинг ўзи фермерларга хизмат кўрсатувчи ягона, яъни монопол ташкилот бўлиб қолмаслиги керак. Ҳозирги кундаги мураккаб иқтисодий шароит бу соҳадаги хизматлар бозорида ҳам ўзаро рақобатни кучайтиришни тақозо қилмоқда.

Зеро, бу соҳада рақобатдош ташкилотларнинг ташкил топиши олиб борилаётган фаолиятнинг номига юритилмаслигига, иш сифатини ошишига, аъзолик бадаллари ва хизматнинг баҳоси кўтарилмаслигига ҳамда соҳада инновацион фаолиятнинг жадаллашувига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжалиklари фаолиятининг истиқболдаги ривожини таъминлаш - улар фаолияти самарадорлигини анкета-сўровномалари асосида статистик баҳолаш зарур эканлигини кўрсатиб берди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кундаги давлат сиёсатининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиklarида анкета - сўровномаларининг мазмун-моҳияти савол-жавоб натижаларидан олинган хулосалар асосида фермер хўжалиklари фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган.

Бугунги кунда анкета сўровномаларини ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Ушбу муаммоларга респондентлар томонидан берилаётган жавобларнинг паст даражаси, маъсулият билан ёндашмаслиги ва тармоқда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида тегишли меъёрий ҳужжатларни билмаслиги киради.

Шу сабабли, фермер хўжаликларида танланманинг тузилмаси ва усуллари олиндиган маълумотларнинг ишончлилигини ва фермер хўжалигида банд бўлган ходимларнинг репрезентативлигини таъминлашда муҳимдир. Фермер хўжаликларида танланманинг андозаси ва миллий статистика тизимида уни шакллантириш жараёнида тайёргарликнинг мавжуд эмаслиги ҳамда танлов сифатини статистик баҳолаш ва такомиллаштириш жараёнларида мураккаб ҳолатларни вужудга келтирмоқда.

3.2. Фермер хўжаликлари даромадларини “Probit” ва “Logit”

моделлари асосида эконометрик моделлаштириш

Буюртма қилинган “Probit” ва “Logit” моделларининг умумий кўриниши қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- Тартибли боғлиқ натижа ўзгарувчиси;
- Тартибланган “Probit” ва “Logit” моделлари (коэффициентлар ва маржинал эффектлар). Баҳолаш тизимлари ёмон, адолатли, яхши, аъло шаклида қўйилади;
- Фикрли сўровлар (қаттиқ розиман, розиман, нейтрал, қўшилмайман, мутлақо қўшилмайман);
- Бандлик (ишсиз, ярим кунлик, тўлиқ кунлик);
- Рейтинг (катта, кичик, иккинчи, биринчи курс талабаси);
- Баллар (А, В, С, D, E);
- Облигациялар рейтинглари (AAA, AA, A, B ва бошқалар).

Натижага боғлиқ бўлган тартибланган ўзгарувчи боғлиқ ўзгарувчилар учун тоифалар рейтингидир, шунинг учун рақамлар мантиқий эмас (ҳатто 0, 1, 2, 3, 4 сифатида кодланган бўлса ҳам, биринчи ва иккинчи натижа

Ўртасидаги фарқ иккинчи ва иккинчи натижалар орасидаги фарқ билан бир хил бўлмаслиги мумкин. Учинчи буюртма қилинган **“Probit”** ва **“Logit”** моделлари битта яширин ўзгарувчи y^* учун индекс модели (бу кузатилмайди, биз у чегараларни кесиб ўтгандагина билиб оламиз):

$$y_i^* = x_i' \beta + u_i$$

$$y_i = j \quad \text{if} \quad \alpha_{j-1} < y_i^* \leq \alpha_j$$

i муқобил j ни танлаш эҳтимоли қуйидагича:

$$p_{ij} = p(y_i = j) = p(\alpha_{j-1} < y_i^* \leq \alpha_j) = F(\alpha_j - x_i' \beta) - F(\alpha_{j-1} - x_i' \beta)$$

Буюртма қилинган logit учун F логистика ҳисобланади $\text{cdf } F(z) = e^z / (1 + e^z)$.

Тартибланган пробит учун F стандарт нормал cdf ҳисобланади:

- j муқобил тартибланган logit-probit модели ($j-1$) кесишмалари бўлган бир коэффицент тўпламга эга бўлади. Кесишлар тўпламидан тартибланган танлов моделини таниб олиш мумкин.

- J муқобил тартибланган logit-probit модели маржинал эффектларнинг j тўпламига эга бўлади.

- Коэффициентларни талқин қилиш: Параметрлар белгиси яширин ўзгарувчи y^* регрессор билан ортиб боришини кўрсатади. Коэффициентларнинг қиймати probit ва logit моделлари ўртасидаги ўлчов омили билан фарқланади.

Буюртма қилинган “Probit” ва “Logit” моделлари учун маржинал эффектлар

X_r регрессорини оширишнинг j муқобил танлаш эҳтимолига маржинал таъсири бу:

$$\frac{\partial p_{ij}}{\partial x_{ri}} = \{F'(\alpha_{j-1} - x_i') - F'(\alpha_j - x_i' \beta)\} \beta_r$$

- Ҳар бир ўзгарувчининг турли хил вариантларга маржинал таъсири нолга тенг бўлади.

• Маржинал таъсирларни талқин қилиш: мустақил ўзгарувчининг ҳар бир ўсиши фоизда ифодаланган маржинал эффект орқали j вариантыни танлаш эҳтимолини оширади/камайтиради.

Фермер хўжаликлари даромадларини “Probit” ва “Logit” моделлари асосида эконометрик моделлаштириш учун анкета-сўровномалари асосида олинган маълумотлар асосида фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан самарали фойдаланганда олган даромадига таъсир этувчи омиллар штирхлаб олинди (1-иловага қаранг). Сўнгра, тартибланган Probit ва logit моделлари асосида (2-иловага қаранг) фермер хўжаликлари даромадига таъсир этувчи энг кучли ва энг кучсиз ижобий ва салбий омиллар аниқланди. “Анкета сўровномаларида фермер хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи 150 та респондент қатнашиб, улар томонидан берилган маълумотлар асосида фермер хўжалиklarининг даромадига таъсир этувчи омиллар ўрганилди”⁶⁵.

3.1-жадвал

Фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан самарали фойдаланган ҳолда олган даромадига таъсирининг кумулятив салмоғи

| Ҳ- Фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан самарали фойдаланган ҳолда қандай миқдорда даромад олади? | Олган даромади миқдори бўйича респондентларнинг олган сони, киши | Анкета сўровномаларда қатнашган респондентларнинг салмоғи, % | Кумулятив салмок % |
|---|--|--|--------------------|
| Даромад олмайди – 0 | 23 | 15,33 | 15,33 |
| 0 – 20 млн сўмгача –1 | 20 | 13,33 | 28,67 |
| 20-40 млн сўмгача – 2 | 21 | 14,00 | 42,67 |
| 40-60 млн сўмгача – 3 | 23 | 15,33 | 58,00 |
| 60-80 млн сўмгача – 4 | 15 | 10,00 | 68,00 |
| 80 -100 млн сўм – 5 | 7 | 4,67 | 72,67 |
| 100 млн сўмдан юқори – 6 | 41 | 27,33 | 100,00 |
| Жами | 150 | 100 | |

Олиб борилган илмий-тадқиқот натижасида фермер хўжаликлари даромадига таъсир этувчи энг кучли ва кучсиз ижобий ҳамда салбий

⁶⁵ Фермер хўжаликлари даромадларини Probit ва logit моделлари учун тузилган жадваллар муаллифнинг илмий – тадқиқот натижалари ҳисоб-китоблари.

омиллардан 5 тадан танлаб олиниб, уларнинг таъсир даражаси ўрганилди (1-иловага қаранг).

3.2-жадвал

Фермер хўжаликлари даромадига таъсир этувчи энг кучли ва кучсиз, ижобий ҳамда салбий омиллар

| | |
|--|---|
| Энг кучли ижобий омиллар* | Энг кучсиз ижобий омиллар* |
| X ₄ , X ₁₃ , X ₂₈ , X ₃₇ , X ₁₁ , | X ₂₉ , X ₃₄ , X ₃₈ , X ₄₆ , X ₁₅ |
| Энг кучли салбий омиллар* | Энг кучсиз салбий омиллар* |
| X ₂₄ , X ₂₅ , X ₈ , X ₄₈ , X ₄₁ | X ₁ , X ₄₀ , X ₄₅ , X ₁₈ , X ₅ |

Фермер хўжаликларининг даромадига таъсир этувчи энг кучли ижобий омиллар 1 фоизга ошганда даромад қўйидагича ошганлигини кўришимиз мумкин: фермер хўжалигингизда янги иш ўринлари яратилиши ҳисобига 0,91 фоизга, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 1 гектарга тўғри келадиган ўртача ҳосилдорлиги ҳисобига 0,98 фоизга, фермерлик фаолияти юритиш учун ер олиш имкониятлари ҳисобига 0,57 фоизга, фермер хўжаликларида бозор хизматларининг (консалтинг, маркетинг, аудит, мулкни баҳолаш, кредит бюролари ва бошқалар) етарлилиги ҳисобига 0,58 фоизга, фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги ер майдони ҳисобига 1,29 фоизга ошган.

Фермер хўжаликларининг даромадига таъсир этувчи энг кучсиз ижобий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фермерлик фаолиятини юритиш учун олинган ернинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш 1 фоизга ошганда, даромад 0,17 фоизга, фермер хўжаликларининг биржа, электрон ва тендер савдоларида қатнашиш шартлари ҳисобига 0,13 фоизга, фермер хўжаликлари учун ажратилган субсидиялардан фойдаланиш жараёни самарали ташкил этилганлиги ҳисобига 0,10 фоизга, фермер хўжалигининг ривожланишига асосий омиллар салбий таъсири ҳисобига 0,18 фоизга, фермер хўжалигига фаолиятини самарали ривожлантириш учун ажратилган субсидия ҳисобига даромад 0,11 фоизга ошган.

Фермер хўжаликларининг даромадига таъсир этувчи энг кучли салбий омиллар таъсири сифатида куйидагиларни кўришимиз мумкин, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатаётган банкларнинг сифат даражаси 1 фоизга ошганда, даромад 0,60 фоизга, фермер хўжаликларининг суғурта хизматларидан фойдаланиш имкониятлари ҳисобига 0,59 фоизга, фаолият юритаётган фермер хўжалиги маҳсулот турини етиштиришга ихтисослашиш даражаси ҳисобига 0,37 фоизга, маҳаллий (туман) ҳокимияти идораларининг фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаши ҳисобига 0,34 фоизга, ўз фаолияти янгидан йўлга қўйиш 1 фоизга ошганда, даромад 0,31 камайганлигини кўришимиз мумкин.

Фермер хўжаликларининг даромадига таъсир этувчи энг кучсиз салбий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фаолият юритаётган фермер хўжалиги географик жойлашган ўрни 1 фоизга ошганда, даромад 0,004 фоизга, келажакда фермер хўжалигининг янги фаолият турини юритилиши ҳисобига 0,01 фоизга, фермер хўжалиги фаолиятингизни ташкил этишда давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳисобига 0,0002 фоизга, солиқ текширувларини ўтказишда тартиб бузишга йўл қўйиш ҳолатлари мавжудлиги ҳисобига 0,07 фоизга, фермер хўжалиги ходимларининг ўртача ёшининг таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,07 фоизга камайган (3.2-жадвал).

3.3-жадвал

Даромад олмайдиган фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи энг кучли ва кучсиз, ижобий ҳамда салбий омиллар

| | |
|--|--|
| Энг кучли ижобий омиллар | Энг кучсиз ижобий омиллар |
| X ₄₈ , X ₂₄ , X ₂₅ , X ₃₇ , X ₈ | X ₁ , X ₄₀ , X ₆ , X ₃₆ , X ₄₅ |
| Энг кучли салбий омиллар | Энг кучсиз салбий омиллар |
| X ₃ , X ₁₁ , X ₁₃ , X ₄ , X ₂₈ | X ₉ , X ₁₂ , X ₃₄ , X ₃₈ , X ₄₆ |

Даромад олмайдиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучли ижобий омилларни таҳлил қилганимизда, маҳаллий (туман) ҳокимияти идораларининг фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-

қувватлаш 1 фоизга ошганда даромад 0,007 фоизга, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатаётган банкларнинг сифат даражаси 1 фоизга ошганда даромад 0,013 фоизга, фермер хўжаликларининг суғурта хизматларидан фойдаланиш имкониятлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,013 фоизга, фермер хўжаликларида бозор хизматларининг (консалтинг, маркетинг, аудит, мулкни баҳолаш, кредит бюролари ва бошқалар) етарлилиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,012 фоизга, фермер хўжалигининг маълум бир фаолият тури билан шуғулланиши 1 фоизга ошганда, даромад 0,008 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Даромад олмайдиган фермер хўжаликларининг фаолиятига энг кучсиз ижобий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фаолият юритаётган фермер хўжалиги географик жойлашган ўрни 1 фоизга ошганда, даромад 0,0001 фоизга, келажакда фермер хўжалигининг қайси фаолият турини юритиш 1 фоизга ошганда, 0,0002 фоизга ошган, фермер хўжалигининг бошлиғи касбининг таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,0007 фоизга ошган, фермер хўжаликлари томонидан маҳсулот етиштириш учун сув етказиб беришнинг барқарорлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,0006 фоизга ошган, фермер хўжалиги фаолиятини ташкил этишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш 1 фоизга ошганда, даромад 0,0000006 фоизга ошган.

Даромад олмайдиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучли салбий омиллар таъсири сифатида, фермер хўжалигида қайси лавозимда фаолият юритилиши 1 фоизга ошганда, даромад 0,01 фоизга камайган, фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги ер майдони 1 фоизга ошганда, даромад 0,27 фоизга камайган, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 1 гектарга тўғри келадиган ўртача ҳосилдорлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,21 фоизга камайган, фермер хўжалигида яратилган иш ўринлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,2 фоизга камайган, фермерлик фаолияти юритиш учун ер олиш имкониятлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,12 фоизга камайганилигини кўришимиз мумкин.

Даромад олмайдиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучсиз салбий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фермер хўжалиги маълум бир турдаги фаолият тури билан шуғулланиши 1 фоизга ошганда, даромад 0,0004 фоизга камайган, фермер хўжалигининг суғориладиган ва лалми кишлок хўжалиги ер майдонларининг ўртача бонитет баллари ва класслари 1 фоизга ошганда, даромад 0,0008 фоизга камайган, фермер хўжаликларининг биржа, электрон ва тендер савдоларида катнашиш шартлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,0027 фоизга камайган, фермер хўжаликлари учун ажратилган субсидиялардан фойдаланиш жараёни кулай ва самарали ташкил этилганлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,0022 фоизга камайган, туманда фермер хўжалигининг ривожланишига асосий салбий омиллар таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,0038 фоизга камайган (3.3-жадвал).

3.4-жадвал

0 – 20 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи энг кучли ва кучсиз салбий омиллар

| | |
|---|--|
| Энг кучли ижобий омиллар | Энг кучсиз ижобий омиллар |
| X ₂₄ , X ₂₅ , X ₃₇ , X ₄₈ , X ₄₁ | X ₁ , X ₄₅ , X ₄₀ , X ₃₀ , X ₆ |
| Энг кучли салбий омиллар | Энг кучсиз салбий омиллар |
| X ₁₁ , X ₁₃ , X ₁₀ , X ₂₀ , X ₁₇ | X ₁₂ , X ₉ , X ₃₈ , X ₁₅ , X ₃₄ |

0–20 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучли ижобий омилларни таҳлил қилганимизда, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатаётган банкларнинг сифат даражаси 1 фоизга ошганда даромад 0,042 фоизга, фермер хўжаликларининг суғурта хизматларидан фойдаланиш имкониятлари 1 фоизга ошганда даромад 0,041 фоизга, фермер хўжаликларида бозор хизматларининг (консалтинг, маркетинг, аудит, мулкни баҳолаш, кредит бюролари ва бошқалар) етарлилиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,040 фоизга, маҳаллий (туман) ҳокимияти идораларининг фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш 1 фоизга ошганда, даромад 0,023 фоизга,

келажакда фермер хўжалигининг маълум бир фаолият турини юритиши 1 фоизга ошганда даромад 0,022 фоизга ошган.

0–20 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликлари фаолиятига энг кучсиз ижобий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фаолият юритаётган фермер хўжалиги географик жойлашган ўрни 1 фоизга ошганда, даромад 0,0003 фоизга, фермер хўжалиги фаолиятингизни ташкил этишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш 1 фоизга ошганда, 0,00002 фоизга ошган, фермер хўжаликлари учун ажратилган инвестициялардан жараёни қулай ва самарали ташкил этилганлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,0007 фоизга ошган, фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт ва импорт қилишда божхона ҳужжатларини расмийлаштиришнинг мураккаблиги даражаси 1 фоизга ошганда, даромад 0,006 фоизга ошган, фермер хўжалигининг бошлиғи касбининг таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,003 фоизга ошган.

0–20 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучли салбий омиллар таъсири сифатида, фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги ер майдони 1 фоизга ошганда, даромад 0,09 фоизга камайган, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 1 гектарга тўғри келадиган ўртача ҳосилдорлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,07 фоизга камайган, фермер хўжалигингизга берилган ер участкангизни ўлчами 1 фоизга ошганда, даромад 0,03 фоизга камайган, фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкалари 1 фоизга ошганда, даромад 0,03 фоизга камайган, фермер хўжаликлари учун солиқ ҳисоблаш ва тўловларини амалга ошириш жараёни қулай ва самарали ташкил этилганлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,04 фоизга камайганилигини кўришимиз мумкин.

0–20 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи энг кучсиз салбий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фермер хўжалигининг суғориладиган ва лалми қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг

ўртача бонитет баллари ва класслари 1 фоизга ошганда, даромад 0,003 фоизга камайган, фермер хўжалигининг маълум фаолият тури билан шуғулланиши 1 фоизга ошганда, даромад 0,001 фоизга камайган, фермер хўжаликлари учун ажратилган субсидиялардан фойдаланиш жараёни қулай ва самарали ташкил этилганлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,007 фоизга камайган, фермер хўжалигинингиз фаолиятини самарали ривожлантириш учун ажратилган субсидия даражаси 1 фоизга ошганда, даромад 0,007 фоизга камайган, фермер хўжаликларининг биржа, электрон ва тендер савдоларида қатнашиш шартлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,009 фоизга камайган (3.4-жадвал).

3.5-жадвал

20-40 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи энг кучли ва кучсиз, ижобий ҳамда салбий омиллар

| Энг кучли ижобий омиллар | Энг кучсиз ижобий омиллар |
|---|--|
| X ₂₄ , X ₂₅ , X ₃₂ , X ₃₇ , X ₄₈ | X ₁ , X ₄₅ , X ₅ , X ₆ , X ₄₀ |
| Энг кучли салбий омиллар | Энг кучсиз салбий омиллар |
| X ₁₁ , X ₁₃ , X ₄ , X ₂₈ , X ₁₄ | X ₉ , X ₁₂ , X ₁₅ , X ₃₄ , X ₃₈ |

20-40 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучли ижобий омилларни таҳлил қилганимизда, жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатаётган банкларнинг сифат даражаси 1 фоизга ошганда, даромад 0,074 фоизга, фермер хўжаликларининг суғурта хизматларидан фойдаланиш имкониятлари 1 фоизга ошганда даромад 0,072 фоизга, фермер хўжаликларига маҳаллий (туман) ҳокимияти органлари томонидан ҳомийликка мажбурлаш ҳолатлари мавжудлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,036 фоизга, фермер хўжаликларида бозор хизматларининг (консалтинг, маркетинг, аудит, мулкни баҳолаш, кредит бюролари ва бошқалар) етарлилиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,071 фоизга, маҳаллий (туман) ҳокимияти идораларининг фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш 1 фоизга ошганда даромад 0,041 фоизга ошган.

20-40 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига энг кучсиз ижобий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фаолият юритаётган фермер хўжалиги географик жойлашган ўрни 1 фоизга ошганда, даромад 0,0005 фоизга, фермер хўжалиги фаолиятини ташкил этишда давлат томонидан кўллаб-қувватлаш 1 фоизга ошганда, 0,00004 фоизга ошган, фермер хўжалиги ходимларининг ўртача ёшининг таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,009 фоизга ошган, фермер хўжалигининг бошлиғи касбининг таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,004 фоизга ошган, келажакда фермер хўжалигининг маълум бир фаолият турини юритиши 1 фоизга ошганда, даромад 0,001 фоизга ошган.

20-40 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучли салбий омиллар таъсири сифатида, фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги ер майдони 1 фоизга ошганда, даромад 0,16 фоизга камайган, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 1 гектарга тўғри келадиган ўртача ҳосилдорлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,12 фоизга камайган, фермер хўжалигида яратилган иш ўринларининг таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,11 фоизга камайган, фермерлик фаолияти юритиш учун ер олиш имкониятлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,07 фоизга камайган, фермер хўжаликлари томонидан дала четлари, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари бўйларидан фойдаланиш даражаси 1 фоизга ошганда, даромад 0,06 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин.

20-40 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучсиз салбий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фермер хўжалиги маълум бир фаолият тури билан шуғулланиши 1 фоизга ошганда, даромад 0,003 фоизга камайган, фермер хўжалигининг суғориладиган ва лалми қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг ўртача бонитет баллари ва класслари 1 фоизга ошганда, даромад 0,005 фоизга камайган, фермер хўжалиги фаолиятини самарали ривожлантириш учун ажратилган субсидия миқдори даражаси 1 фоизга ошганда, даромад 0,013

фоизга камайган, фермер хўжаликларига маҳаллий (туман) ҳокимияти органлари томонидан ҳомийликка мажбурлаш ҳолатлари мавжудлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,016 фоизга камайган, фермер хўжаликлари учун ажратилган субсидиялардан фойдаланиш жараёни қулай ва самарали ташкил этилганлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,012 фоизга камайган (3.5-жадвал).

3.6-жадвал

40-60 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи энг кучли ва кучсиз, ижобий ҳамда салбий омиллар

| | |
|---|--|
| Энг кучли ижобий омиллар | Энг кучсиз ижобий омиллар |
| X ₂₄ , X ₂₅ , X ₃₇ , X ₄₈ , X ₃₂ | X ₃₆ , X ₂₇ , X ₆ , X ₄₀ , X ₄₅ |
| Энг кучли салбий омиллар | Энг кучсиз салбий омиллар |
| X ₁₁ , X ₁₃ , X ₂₈ , X ₂₀ , X ₁₇ | X ₉ , X ₁₂ , X ₂₄ , X ₃₈ , X ₁₅ |

40-60 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучли ижобий омилларни таҳлил қилганимизда, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатаётган банкларнинг сифат даражаси 1 фоизга ошганда даромад 0,074 фоизга, фермер хўжаликларининг суғурта хизматларидан фойдаланиш имкониятлари 1 фоизга ошганда даромад 0,072 фоизга, фермер хўжаликларида бозор хизматларининг (консалтинг, маркетинг, аудит, мулкни баҳолаш, кредит бюролари ва бошқалар) етарлилиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,036 фоизга, маҳаллий (туман) ҳокимияти идораларининг фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш 1 фоизга ошганда, даромад 0,071 фоизга, фермер хўжаликларига маҳаллий (туман) ҳокимияти органлари томонидан ҳомийликка мажбурлаш ҳолатлари мавжудлиги 1 фоизга ошганда даромад 0,041 фоизга ошган.

40– 60 млн сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига энг кучсиз ижобий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фермер хўжаликлари томонидан маҳсулот етиштириш учун сув етказиб беришнинг барқарорлиги даражаси 1 фоизга ошганда, даромад 0,0003 фоизга, фермер

хўжаликлари томонидан яратилган маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштиришда харажатлар 1 фоизга ошганда, 0,0007 фоизга ошган, фермер хўжалигининг бошлиғи қайси тилларни билиш даражасининг таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,0004 фоизга ошган, келажакда фермер хўжалигининг маълум бир фаолият турини юритишининг таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,0001 фоизга ошган, фермер хўжалиги фаолиятини ташкил этишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш 1 фоизга ошганда, даромад 0,0000006 фоизга ошганлигини гувоҳ бўламиз.

40– 60 млн сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучли салбий омиллар таъсири сифатида, фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги ер майдони 1 фоизга ошганда, даромад 0,15 фоизга камайган, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 1 гектарга тўғри келадиган ўртача ҳосилдорлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,11 фоизга камайган, фермерлик фаолияти юритиш учун ер олиш имкониятлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,007 фоизга камайган, фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкалари 1 фоизга ошганда, даромад 0,005 фоизга камайган, фермер хўжаликлари учун солиқ ҳисоблаш ва тўловларини амалга ошириш жараёни қулай ва самарали ташкил этилганлиги даражаси 1 фоизга ошганда, даромад 0,006 фоизга камайганилигини кўришимиз мумкин.

40– 60 млн сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучсиз салбий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фермер хўжалиги маълум бир фаолият тури билан шуғулланиши 1 фоизга ошганда, даромад 0,0002 фоизга камайган, фермер хўжалигининг суғориладиган ва лалми қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг ўртача бонитет баллари ва класслари 1 фоизга ошганда, даромад 0,0004 фоизга камайган, фермер хўжаликларининг биржа, электрон ва тендер савдоларида қатнашиш шартлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,0015 фоизга камайган, фермер хўжаликлари учун ажратилган субсидиялардан

фойдаланиш жараёни кулай ва самарали ташкил этилганлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,0012 фоизга камайган, фермер хўжалиги фаолиятини самарали ривожлантириш учун ажратилган субсидия миқдори даражасининг 1 фоизга ошганда, даромад 0,0013 фоизга камайган. (3.2.6-жадвал).

3.7-жадвал

60-80 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи энг кучли ва кучсиз, ижобий ҳамда салбий омиллар

| | |
|--|--|
| Энг кучли ижобий омиллар | Энг кучсиз ижобий омиллар |
| X ₁₁ , X ₄ , X ₁₃ , X ₂₈ , X ₄₇ | X ₁₂ , X ₉ , X ₃₈ , X ₂₉ , X ₄₆ |
| Энг кучли салбий омиллар | Энг кучсиз салбий омиллар |
| X ₂₄ , X ₂₅ , X ₈ , X ₄₈ , X ₄₁ | X ₁ , X ₄₅ , X ₄₀ , X ₃₆ , X ₆ |

60-80 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучли ижобий омилларни таҳлил қилганимизда, фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги ер майдони 1 фоизга ошганда даромад 0,1 фоизга, фермер хўжалигида иш ўринлари яратилганлиги даражаси 1 фоизга ошганда даромад 0,08 фоизга, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 1 гектарга тўғри келадиган ўртача ҳосилдорлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,08 фоизга, фермерлик фаолияти юритиш учун ер олиш имкониятлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,05 фоизга, фермер хўжалигининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи салбий асосий омиллар таъсири 1 фоизга ошганда даромад 0,03 фоизга ошган.

60-80 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига энг кучсиз ижобий омиллар таъсирини ўрганганимизда, жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигининг суғориладиган ва лалми қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг ўртача бонитет баллари ва класслари 1 фоизга ошганда, даромад 0,003 фоизга, фермер хўжалигининг маълум қандай фаолият тури билан шуғулланиши 1 фоизга ошганда, 0,001 фоизга ошган, фермер хўжаликларида бозор хизматларининг (консалтинг,

маркетинг, аудит, мулкни баҳолаш, кредит бюрolari ва бошқалар) етарлилиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,009 фоизга ошган, фермерлик фаолиятини юритиш учун олинган ернинг кадастр хужжатларини расмийлаштиришнинг мураккаблиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,01 фоизга ошган, фермер хўжалигининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи салбий асосий омиллар таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,02 фоизга ошган.

60-80 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучли салбий омиллар таъсири сифатида, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатаётган банкларнинг сифат даражаси 1 фоизга ошганда, даромад 0,05 фоизга камайган, фермер хўжаликларининг суғурта хизматларидан фойдаланиш имкониятлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,049 фоизга камайган, фаолият юритаётган фермер хўжалиги маълум бир маҳсулот турини етиштиришга ихтисослашганлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,031 фоизга камайган, маҳаллий (туман) ҳокимияти идораларининг фермер хўжаликлари фаолиятини кўллаб-қувватлаш 1 фоизга ошганда, даромад 0,028 фоизга камайган, янги фаолият йўлга қўйилиб, янги иш ўринлари яратилиши даражаси 1 фоизга ошганда, даромад 0,026 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин.

60-80 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучсиз салбий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фаолият юритаётган фермер хўжалиги географик жойлашган ўрни 1 фоизга ошганда, даромад 0,0003 фоизга камайган, фермер хўжалиги фаолиятининг ташкил этишда давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг маълум бир тури тақдим этилиши 1 фоизга ошганда, даромад 0,00002 фоизга камайган, келажакда фермер хўжалигининг маълум фаолият турини юритилиши 1 фоизга ошганда, даромад 0,0008 фоизга камайган, фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларни сақлаш учун электр энергия ва ёқилғи етказиб беришнинг барқарорлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,0025 фоизга камайган, фермер хўжалигининг бошлиғи

касбининг таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,003 фоизга камайган (3.7-жадвал).

3.8-жадвал

80-100 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи энг кучли ва кучсиз, ижобий ҳамда салбий омиллар

| | |
|---|--|
| Энг кучли ижобий омиллар | Энг кучсиз ижобий омиллар |
| X ₁₁ , X ₄ , X ₁₃ , X ₂₈ , X ₁₀ | X ₉ , X ₃₄ , X ₂₉ , X ₃₈ , X ₄₆ |
| Энг кучли салбий омиллар | Энг кучсиз салбий омиллар |
| X ₃₇ , X ₂₄ , X ₂₅ , X ₄₈ , X ₄₁ | X ₁ , X ₄₅ , X ₆ , X ₃₆ , X ₄₀ |

80-100 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжалиklarининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучли ижобий омилларни таҳлил қилганимизда, фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги ер майдони 1 фоизга ошганда даромад 0,057 фоизга, фермер хўжалигида иш ўринлари яратилганлиги даражаси 1 фоизга ошганда даромад 0,04 фоизга, фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 1 гектарга тўғри келадиган ўртача ҳосилдорлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,043 фоизга, фермерлик фаолияти юритиш учун ер олиш имкониятлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,025 фоизга, фермер хўжалигига берилган ер участкасининг ўлчами 1 фоизга ошганда даромад 0,021 фоизга ошган.

80-100 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжалиklarининг фаолиятига энг кучсиз ижобий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фермер хўжалигининг маълум қандай фаолият тури билан шуғулланиши 1 фоизга ошганда, даромад 0,0009 фоизга ошган, фермер хўжалиklarининг биржа, электрон ва тендер савдоларида қатнашиш шартлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,0057 фоизга, фермерлик фаолиятини юритиш учун олинган ернинг кадастр хужжатларини расмийлаштиришнинг мураккаблиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,0078 фоизга ошган, фермер хўжалиklари учун ажратилган субсидиялардан фойдаланиш жараёни қулай ва самарали ташкил этилганлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,0046 фоизга ошган, фермер

хўжалигининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи салбий асосий омиллар таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,0078 фоизга ошган.

80-100 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучли салбий омиллар таъсири сифатида, фермер хўжаликларида бозор хизматларининг (консалтинг, маркетинг, аудит, мулкни баҳолаш, кредит бюрolari ва бошқалар) етарлилиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,025 фоизга камайган, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатаётган банкларнинг сифат даражаси 1 фоизга ошганда, даромад 0,026 фоизга камайган, фермер хўжаликларининг суғурта хизматларидан фойдаланиш имкониятлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,025 фоизга камайган, маҳаллий (туман) ҳокимияти идораларининг фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш 1 фоизга ошганда, даромад 0,014 фоизга камайган, янги фаолият йўлга қўйилиб, янги иш ўринлари яратилиши даражаси 1 фоизга ошганда, даромад 0,014 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин.

80-100 млн. сўмгача даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучсиз салбий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фаолият юритаётган фермер хўжалиги географик жойлашган ўрни 1 фоизга ошганда, даромад 0,0002 фоизга камайган, фермер хўжаликларининг интернет-сайтларидан фойдаланиш даражаси етарлилиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,00001 фоизга камайган, фермер хўжалигининг бошлиғи касбининг таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,0015 фоизга камайган, фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларни сақлаш учун электр энергия ва ёқилғи етказиб беришнинг барқарорлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,0013 фоизга камайган, келажакда фермер хўжалигида маълум бир фаолият турини юритилиши 1 фоизга ошганда, даромад 0,0004 фоизга камайган (3.8-жадвал).

**100 млн. сўмдан юқори даромад оладиган фермер хўжаликлари
фаолиятига таъсир этувчи энг кучли ва энг кучсиз салбий омиллар**

| | |
|--|---|
| Энг кучли ижобий омиллар | Энг кучсиз ижобий омиллар |
| X ₁₁ , X ₄ , X ₁₃ , X ₁₇ , X ₂₈ | X ₄₉ , X ₁₂ , X ₃₈ , X ₄₆ , X ₃₄ |
| Энг кучли салбий омиллар | Энг кучсиз салбий омиллар |
| X ₁₁ , X ₄ , X ₈ , X ₄₈ , X ₄₁ | X ₁ , X ₄₀ , X ₄₅ , X ₆ , X ₅ |

100 млн. сўмдан юқори даромад оладиган фермер хўжалиklarининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучли ижобий омилларни таҳлил қилганимизда, фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги ер майдони 1 фоизга ошганда даромад 0,127 фоизга, фермер хўжалигида иш ўринлари яратилганлиги даражаси 1 фоизга ошганда даромад 0,09 фоизга, фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 1 гектарга тўғри келадиган ўртача ҳосилдорлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,096 фоизга, фермер хўжаликлари учун солиқ ҳисоблаш ва тўловларини амалга ошириш жараёнини қулай ва самарали ташкил этилганлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,05 фоизга, фермерлик фаолияти юритиш учун ер олиш имкониятлари 1 фоизга ошганда даромад 0,056 фоизга ошган.

100 млн. сўмдан юқори даромад оладиган фермер хўжалиklarининг фаолиятига энг кучсиз ижобий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фермер хўжалигининг маълум қандай фаолият тури билан шуғулланиши 1 фоизга ошганда, даромад 0,002 фоизга ошган, фермер хўжалигининг суғориладиган ва лалми қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг ўртача бонитет баллари ва класслари 1 фоизга ошганда, даромад 0,0036 фоизга, фермер хўжаликлари учун ажратилган субсидиялардан фойдаланиш жараёнини қулай ва самарали ташкил этилганлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,01 фоизга ошган, фермер хўжалигининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи салбий асосий омиллар таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,017 фоизга ошган, фермер

хўжаликларининг биржа, электрон ва тендер савдоларида қатнашиш шартлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,012 фоизга ошган.

100 млн. сўмдан юқори даромад оладиган фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи энг кучли салбий омиллар таъсири сифатида, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатаётган банкларнинг сифат даражаси 1 фоизга ошганда, даромад 0,059 фоизга камайган, фермер хўжаликларининг суғурта хизматларидан фойдаланиш имкониятлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,058 фоизга камайган, фермер хўжалиги маълум бир маҳсулот турини етиштиришга ихтисослашганлиги 1 фоизга ошганда, даромад 0,036 фоизга камайган, маҳаллий (туман) ҳокимияти идораларининг фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш 1 фоизга ошганда, даромад 0,033 фоизга камайган, янги фаолият йўлга қўйилиб, янги иш ўринлари яратилиши даражаси 1 фоизга ошганда, даромад 0,03 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин.

100 млн. сўмдан юқори даромад оладиган фермер хўжаликларининг фаолиятига таъсир этувчи энг кучсиз салбий омиллар таъсирини ўрганганимизда, фаолият юритаётган фермер хўжалиги географик жойлашган ўрни 1 фоизга ошганда, даромад 0,0004 фоизга камайган, келажакда фермер хўжалигида маълум бир фаолият турини юритилиши 1 фоизга ошганда, даромад 0,001 фоизга камайган, фермер хўжалиги фаолиятининг ташкил этишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш 1 фоизга ошганда, даромад 0,00003 фоизга камайган, фермер хўжалигининг бошлиғи касбининг таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,0035 фоизга камайган, фермер хўжалиги ходимларининг ўртача ёшининг таъсири 1 фоизга ошганда, даромад 0,0067 фоизга камайган (3.9-жадвал).

Ушбу 50 та кўрсаткични фермер хўжаликлари даромадларига таъсир этишини тўртта гуруҳга кучли ижобий, кучли салбий, кучсиз ижобий, кучсиз салбий гуруҳларига бўлиб чиқамиз.



| S – Кучли томонлар (Strengths) | W- Заифликлар (Weaknesses) | O- Имкониятлар (Opportunities) | T – Таҳдидлар (Threats) |
|---|--|--|---|
| <p>X₄ - Фермер хўжалигида яратилган иш ўринлари X₁₃- Фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 1 гектарга тўғри келадиган ўртача ҳосилдорлиги X₂₈ - Фермерлик фаолияти юритиш учун ер олиш имкониятлари X₃₇- Фермер хўжалиklarида бозор хизматларининг (консалтинг, маркетинг, аудит, мулкни баҳолаш, кредит бюрolari ва бошқалар) етарлиги X₁₁ - Фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги ер майдони</p> | <p>X₂₉ - Фермерлик фаолиятини юритиш учун олинган ернинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришнинг мураккаблиги X₃₄ - Фермер хўжалиklarининг биржа, электрон ва тендер савдоларида қатнашиш шартлари X₃₈ - Фермер хўжалиklари учун ажратилган субсидиялардан фойдаланиш жараёни қай даражада қулай ва самарали ташкил этилганлиги X₄₆ - Фермер хўжалигининг ривожланишига асосий салбий этувчи таъсир омиллар X₁₅ - Бугунги кунда фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан самарали фойдаланганлиги</p> | <p>X₂₄- Фермер хўжалиklarига хизмат кўрсатаётган банкларнинг сифат даражаси X₂₅- Фермер хўжалиklarининг суғурта хизматларидан фойдаланиш имкониятлари X₈ - фаолият юритаётган фермер хўжалиги маҳсулот турини етиштиришга икhtисослашганлиги X₄₈ - Маҳаллий (туман) хокимияти идораларининг фермер хўжалиklари фаолиятини қўллаб-қувватлаш X₄₁- ўз фаолиятининг янгидан йўлга қўйиш натижасида яратилган ўринлари яратган</p> | <p>X₁- Фаолият юритаётган фермер хўжалиги қайси вилоятда жойлашганлиги X₄₀ -Келажакда фермер хўжалигининг қайси фаолият турини юритишнинг таъсири X₄₅ - Фермер хўжалиги фаолиятининг ташкил этишида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қайси тури тақдим этилганлиги X₁₈- Солиқ текширувларини ўтказишда тартиб бузишга йўл қўйиш ҳолатлари мавжудлиги X₅- Фермер хўжалиги ходимларининг ўртача ёшининг таъсири</p> |

3.1-расм. Фермер хўжалиklари умумий даромадларига кўрсаткичлар таъсирининг SWOT – таҳлили⁶⁶

Илмий тадқиқот натижасида фермер хўжалиklarининг умумий даромадларига кучли ижобий таъсир этувчи омил белгилар фермер хўжалигида яратилган иш ўринлари, фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 1 гектарга тўғри келадиган ўртача ҳосилдорлиги, фермерлик фаолияти юритиш учун ер олиш имкониятлари, фермер хўжалиklarида бозор хизматларининг (консалтинг, маркетинг, аудит, мулкни баҳолаш, кредит бюрolari ва бошқалар) етарлиги эканлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирини бир фоиз ўзгариши, фермер хўжалиklarининг умумий даромадларининг ўртача 0.50 % кўпроқ ўзгаришига таъсир этар экан. Бу эса ўз навбатида фермер хўжалиklarининг умумий даромадларининг яхшиланишига олиб келади.

Кучсиз ижобий таъсир этувчи кўрсаткичларга фермерлик фаолиятини юритиш учун олинган ернинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришнинг

⁶⁶ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилди.

мураккаблиги, фермер хўжаликларининг биржа, электрон ва тендер савдоларида қатнашиш шартлари, фермер хўжаликлари учун ажратилган субсидиялардан фойдаланиш жараёни қай даражада қулай ва самарали ташкил этилганлиги, фермер хўжалигининг ривожланишига асосий салбий этувчи таъсир омиллар, бугунги кунда фермер хўжаликларининг ер участкаларидан самарали фойдаланганлиги ортиши фермер хўжаликларининг умумий даромадларига ҳамда аҳоли турмуш даражасини ўсишига хизмат қилади.

Фермер хўжаликларининг умумий даромадларига кучли салбий таъсир этувчи омиллар фермер хўжаликларига хизмат кўрсатаётган банкларнинг сифат даражаси, фермер хўжаликларининг суғурта хизматларидан фойдаланиш имкониятлари, фаолият юритаётган фермер хўжалиги маҳсулот турини етиштиришга ихтисослашганлиги, маҳаллий (туман) ҳокимияти идораларининг фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ўз фаолиятининг янгидан йўлга қўйиш натижасида яратилган иш ўринларининг бир фоизга ортиши аҳоли умумий даромадларининг 0.36 %га камайишига олиб келади.

Фермер хўжаликларининг умумий даромадларига кучсиз салбий таъсир этувчи омиллар фаолият юритаётган фермер хўжалиги қайси вилоятда жойлашганлиги, келажакда фермер хўжалигининг қайси фаолият турини юритишнинг таъсири, фермер хўжалиги фаолиятини ташкил этишда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қайси тури тақдим этилганлиги, солиқ текширувларини ўтказишда тартиб бузишга йўл қўйиш ҳолатлари мавжудлиги, фермер хўжалиги ходимларининг ўртача ёшининг таъсири эканлиги олиб борилган тадқиқотлар асосида тасдиқланди.

3.3. Фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини

“Panel data” модели асосида эконометрик моделлаштириш

Илмий тадқиқот ишининг ушбу бўлимида Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиги ялпи ишлаб чиқаришини “Panel data” модели асосида

эконометрик моделлаштирамиз. Маълумки, фермер хўжалиги ялпи ишлаб чиқаришига асосий 21 та таъсир қилувчи омилларни кўриб чиқамиз.

Ушбу борада жуда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган, хусусан, Ani Katchova⁶⁷ томонидан олиб борилган тадқиқотларда фермер хўжалигининг ялпи ишлаб чиқаришига таъсир қилувчи асосий омил фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони, фермер хўжаликларида етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари эканлиги аниқланган. Унинг фикрига асосан, омил фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони тадқиқотларда фермер хўжалиги ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг, фермерларнинг умумий даромадлари ортишига, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Гипотезани тасдиқлаш учун “Panel data” модели ишлаб чиқилган.

Панел маълумотлари моделлари ҳақида қуйидаги маълумотларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга:

- Панел маълумотлар хусусиятлари, панел маълумотлар турлари;
- Вариация турлари (умумий, ўзгарувчанлик ичида ва ўртасида);
- Панел маълумотлар моделлари (бирлаштирилган модель, собит эффектлар модели ва тасодифий эффектлар модели);
- Тахминловчининг хусусиятлари (мустаҳкамлик ва самарадорлик);
- Тахминловчилар (бирлаштирилган OLS, ўртасида, белгиланган эффектлар, биринчи фарқлар, тасодифий эффектлар);
- Моделларни танлаш учун тестлар (Breusch-Pagan LM тести, Hausman тести).

Панел маълумотлар моделига қуйидаги маълумотлар зарур:

- ✓ Меҳнат иқтисодиёти: таълимнинг даромадга таъсири, вақт ва шахслар бўйича маълумотлар.
- ✓ Иқтисодиёт: йиллар ва мамлакатлар бўйича маълумотлар билан даромаднинг жамғармаларга таъсири.
- ✓ Панел маълумотларининг хусусиятлари.

⁶⁷ 2013 by Ani Katchova. All rights reserved. // Ordered Probit and Logit Models.

✓ Панел маълумотлари индивидуал хатти-ҳаракатлар ҳақида маълумот беради, ҳам одамлар бўйлаб, ҳам вақт ўтиши билан улар ҳам кесма, ҳам вақт серияли ўлчамларига эга.

✓ Панел маълумотларига Tregu лар вақт оралиғида кузатилган N-индивидуаллар киради.

✓ Панел маълумотлари барча шахслар барча вақт оралиғида кузатилганда мувозанатли бўлиши мумкин (ҳамма учун) ёки барча вақт оралиғида шахслар кузатилмаганда мувозанатсиз бўлиши мумкин.

Биз маълум бир шахс учун вақт ўтиши билан мустақиллик тугайдиган корреляция (кластер)ни қабул қиламиз.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни тўлиқ ва ҳар томонлама статистик тадқиқ қилишимиз, моделлаштиришимиз учун юқоридаги гипотезалар ва бошқа кўплаб илмий изланишларга мурожаат қилиб, “Panel data” модели асосида фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини эконометрик моделлаштирамиз.

Panel модели Panel маълумотлари асосида шакллантирилади, яъни кесишувчи ва вақтли қаторлар орқали тузилган маълумотлар ушбу рўйхатни ҳосил қилади.

Умуман олганда Panel модели тенгламаларида it биргаликда кўлланилади. Масалан, x_{it} дейилганда i ҳудудда t вақтдаги кўрсаткични ифодалайди.

Panel модели қуйидаги эконометрик моделларни ўз ичига қамраб олади: Pooled OLS estimator (POLSE), First differences estimator (FDE), Fixed effects estimator (FEE), Random effects estimator (REE).

$$POLS \text{ modeli: } y_{it} = \beta_0 + \beta_1 x_{1it} + \beta_2 x_{2it} + u_{it}$$

$$FDE \text{ modeli: } \Delta y_{it} = \beta_0 + \beta_1 \Delta x_{1it} + \beta_2 \Delta x_{2it} + \Delta u_{it}$$

$$FEE \text{ modeli: } y_{it} - \bar{y}_i = \beta_1(x_{1it} - \bar{x}_{1i}) + \beta_2(x_{2it} - \bar{x}_{2i}) + (u_{it} - \bar{u}_i)$$

$$REE \text{ modeli: } y_{it} - \bar{\theta y}_i = \beta_0 + \beta_1(x_{1it} - \bar{\theta x}_{1i}) + \beta_2(x_{2it} - \bar{\theta x}_{2i}) + (a_i - \bar{\theta a}_i) + (u_{it} - \bar{u}_i)$$

Бунда биринчи модель энг кичик квадратлар ёрдамида тузиладиган кўп омилли модель билан бир турдаги ҳолатни ифодалайди, иккинчи моделда кўрсаткичларнинг олдинги йиллардаги ўзгариш даражаси таъсири инобатга олинган.

Моделларнинг ишончилиги Hausman тести орқали текширилади.

Ўзбекистон Республикасида илмий тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони фермер хўжаликларини ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини белгиловчи энг асосий кўрсаткич сифатида таҳлил қилиб, ушбу кўрсаткич ўзгаришига таъсир қилувчи Panel маълумотларини тузиб чиқдик.

Фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи 21 та кўрсаткич республика вилоятлари кесимида 2010 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда муаллиф томонидан Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида жамланиб, 2 та гуруҳга бўлинди: энг кучли ва кучсиз таъсир этувчи ижобий ва салбий кўрсаткичлар.



3.2-расм. Фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи кўрсаткичлар тизими⁶⁸

⁶⁸ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари натижасида тузилди.

Ушбу 3.2-расмдаги кўрсаткичлар диссертация ҳажмига таъсир қилмаслиги учун шартли равишда берилган бўлиб, уларнинг изоҳи 3-иловада келтирилган.

Барча кўрсаткичлар логорифм ҳолатига ўтказилиб, уларнинг қийматлари асосида STATA дастури орқали Panel моделларини ишлаб чиқамиз.

3.10-жадвал

**Фермер хўжалиги ялпи ишлаб чиқариши “Panel data” модели асосида
эконометрик моделлаштириш**

| | Кўрсаткичлар | <i>POLS модели</i> | <i>FDE модели</i> | <i>FEE модели</i> | <i>REE модели</i> |
|-----|--|--------------------|-------------------|-------------------|-------------------|
| 1. | Фермер хўжаликлари сони | -0,0075 | -0,0019 | 0,0051 | -0,0075 |
| 2. | Фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони | 0,024 | 0,0056 | 0,0167 | 0,024 |
| 3. | Фермер хўжаликларининг суғориладиган ер майдони | -0,026 | -0,0158 | -0,0165 | -0,0259 |
| 4. | 1 та фермерга тўғри келадиган ер майдони | -0,011 | -0,0001 | 0,0065 | -0,0107 |
| 5. | Фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони | 0,0007 | -0,0010 | -0,0032 | 0,0007 |
| 6. | Фермер хўжаликларида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари | 0,942 | 0,946 | 0,9429 | 0,9422 |
| 7. | Фермер хўжаликлари бўйича деҳқончиликда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари экин майдони | 0,0003 | 0,0024 | 0,00057 | 0,0003 |
| 8. | Фермер хўжаликлари бўйича деҳқончиликда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари ўртача ҳосилдорлиги | 0,0072 | 0,0058 | -0,0073 | 0,0072 |
| 9. | Фермер хўжаликлари бўйича деҳқончиликда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари ялпи ҳосили | -0,0019 | -0,0099 | -0,0027 | -0,0019 |
| 10. | Фермер хўжаликлари бўйича деҳқончиликда етиштирилган мева-резавор маҳсулотлари майдони | 0,0098 | 0,00 | -0,0054 | -0,0004 |
| 11. | Фермер хўжаликлари бўйича деҳқончиликда етиштирилган мева-резавор маҳсулотлари ўртача ҳосилдорлиги | 0,00 | -0,0031 | -0,0019 | -0,0103 |
| 12. | Фермер хўжаликлари бўйича деҳқончиликда етиштирилган мева-резавор маҳсулотлари ялпи ҳосили | -0,0103 | 0,0044 | 0,00 | 0,00 |
| 13. | Фермер хўжаликларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари | 0,053 | 0,062 | 0,0559 | 0,0526 |
| 14. | Фермер хўжаликлари томонидан сўйиш учун етиштирилган моллар ва паррандалар, жами (тирик вазнда) | 0,00053 | 0,0077 | 0,0025 | 0,0005 |
| 15. | Фермер хўжаликлари томонидан соғиб олинган сут | 0,0079 | -0,013 | 0,01 | 0,0079 |
| 16. | Фермер хўжаликлари томонидан олинган тухум | 0,0008 | -0,0027 | -0,0004 | 0,0008 |
| 17. | Фермер хўжаликларида тракторлар сони | -0,0053 | 0,0011 | 0,0022 | -0,0053 |
| 18. | Фермер хўжаликлари томонидан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар | 0,002 | -0,0004 | -0,00012 | 0,002 |
| 19. | Фермер хўжаликлари бўйича экспорт ҳажми | -0,00029 | -0,0002 | -0,00017 | -0,0003 |
| 20. | Фермер хўжаликлари бўйича импорт ҳажми | 0,0054 | -0,0003 | -0,0002 | 0,0005 |
| 21. | Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларида 100 % озиқ модда ҳисобида қишлоқ хўжалиги экинларига солинган минерал ўғитлар | 0,00025 | -0,0012 | -0,0086 | 0,0003 |

Манба: Муаллифнинг илмий-тадқиқот ишининг ҳисоб-китоб натижалари асосида тузилди.

Омиллар таъсирининг 1 фоизга ошиши фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқаришига қуйидагича таъсир этган (3.10-жадвал):

1) фермер хўжаликлари сонининг ўзгариши ҳисобига ***POLS модели*** бўйича 0,0075 фоизга, ***FDE модели*** бўйича 0,0019 фоизга камайган, ***REE модели*** бўйича 0,0075 фоизга, ***FEE модели*** бўйича эса 0,0051 фоизга ошган;

2) фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони ҳисобига ***POLS модели*** бўйича 0,024 фоизга, ***FDE модели*** бўйича 0,0056 фоизга, ***REE модели*** бўйича фоизга 0,024 фоизга, ***FEE модели*** бўйича эса 0,0167 фоизга ошган;

3) фермер хўжаликларининг суғориладиган ер майдон ҳисобига ***POLS модели*** бўйича 0,026 фоизга, ***FDE модели*** бўйича 0,00158 фоизга, ***REE модели*** бўйича 0,0165 фоизга, ***FEE модели*** бўйича эса 0,0259 фоизга камайган;

4) 1 та фермерга тўғри келадиган ер майдони ҳисобига ***POLS модели*** бўйича 0,011 фоизга, ***FDE модели*** бўйича 0,0001 фоизга, ***REE модели*** бўйича эса 0,0107 фоизга камайган, ***FEE модели*** бўйича 0,0065 фоизга ошган;

5) фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони ҳисобига ***POLS модели*** бўйича 0,0007 фоизга, ***REE модели*** бўйича 0,0007 фоизга ошган; ***FDE модели*** бўйича 0,0010 фоизга, ***FEE модели*** бўйича эса 0,0032 фоизга камайган;

6) фермер хўжаликларида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари ҳисобига ***POLS модели*** бўйича 0,942 фоизга, ***FDE модели*** бўйича 0,946 фоизга, ***FEE модели*** бўйича эса 0,9429 фоизга ***REE модели*** бўйича 0,9422 фоизга ошган;

7) фермер хўжаликлари бўйича деҳқончиликда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари экин майдони ҳисобига ***POLS модели*** бўйича 0,0003 фоизга, ***FDE модели*** бўйича 0,0024 фоизга, ***FEE модели*** бўйича эса 0,00057 фоизга, ***REE модели*** бўйича 0,0003 фоизга ошган;

8) фермер хўжаликлари бўйича деҳқончиликда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари ўртача ҳосилдорлиги ҳисобига ***POLS модели*** бўйича

0,0072 фоизга, *FDE модели* бўйича 0,0058 фоизга, *REE модели* бўйича 0,0072 фоизга ошган, *FEE модели* бўйича эса 0,0073 фоизга камайган;

9) фермер хўжаликлари бўйича деҳқончиликда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари ялпи ҳосили ҳисобига *POLS модели* бўйича 0,0019 фоизга, *FDE модели* бўйича 0,0099 фоизга, *FEE модели* бўйича эса 0,0027 фоизга, *REE модели* бўйича 0,0019 фоизга камайган;

10) фермер хўжаликлари бўйича деҳқончиликда етиштирилган мева-резавор маҳсулотлари майдони ҳисобига *POLS модели* бўйича 0,0098 фоизга, *FDE модели* бўйича омил таъсири бўлмаган, *FEE модели* бўйича эса 0,0054 фоизга *REE модели* бўйича 0,0004 фоизга камайган;

11) фермер хўжаликлари бўйича деҳқончиликда етиштирилган мева-резавор маҳсулотлари ўртача ҳосилдорлиги ўзгариши ҳисобига *POLS модели* бўйича омиллар таъсири бўлмаган, *FDE модели* бўйича 0,0031 фоизга, *REE модели* бўйича 0,0019 фоизга, *FEE модели* бўйича эса 0,0103 фоизга камайган;

12) фермер хўжаликлари бўйича деҳқончиликда етиштирилган мева-резавор маҳсулотлари ялпи ҳосили ҳисобига *POLS модели* 0,0103 фоизга камайган, *FDE модели* бўйича 0,0044 фоизга ошган, *REE модели ва FEE модели* бўйича омиллар таъсири бўлмаган;

13) фермер хўжаликларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари ҳисобига *POLS модели* бўйича 0,053 фоизга, *FDE модели* бўйича 0,062 фоизга, *FEE модели* бўйича эса 0,0559 фоизга *REE модели* бўйича 0,0526 фоизга ошган;

14) фермер хўжаликлари томонидан сўйиш учун етиштирилган моллар ва паррандалар (тирик вазнда) ҳисобига фермер хўжаликларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари ҳисобига *POLS модели* бўйича 0,00053 фоизга, *FDE модели* бўйича 0,0077 фоизга, *FEE модели* бўйича эса 0,0025 фоизга *REE модели* бўйича 0,0005 фоизга ошган;

15) фермер хўжаликлари томонидан соғиб олинган сут ҳисобига *POLS модели* бўйича 0,0079 фоизга, *FEE модели* бўйича эса 0,01 фоизга

REE модели бўйича 0,079 фоизга ошган, **FDE модели** бўйича 0,013 фоизга камайган;

16) фермер хўжаликлари томонидан олинган тухум ҳисобига **POLS модели** ва **REE модели** бўйича 0,0008 фоизга ошган, **FDE модели** бўйича 0,0027 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0004 фоизга камайган;

17) фермер хўжаликларида тракторлар сони ҳисобига **POLS модели** ва **REE модели** бўйича бўйича 0,0053 фоизга камайган, **FDE модели** бўйича 0,0011 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0022 фоизга ошган;

18) фермер хўжаликлари томонидан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳисобига **POLS модели** ва **REE модели** бўйича бўйича 0,002 фоизга ошган, **FDE модели** бўйича 0,004 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,00012 фоизга камайган;

19) фермер хўжаликлари бўйича экспорт ҳажми ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,00029 фоизга, **FDE модели** бўйича 0,0002 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,00017 фоизга, **REE модели** бўйича 0,0003 фоизга камайган;

20) фермер хўжаликлари бўйича импорт ҳажми ҳисобига **POLS модели** 0,0054 фоизга, **REE модели** бўйича 0,0005 фоизга ошган, **FDE модели** бўйича 0,0003 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0002 фоизга камайган;

21) Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларида 100 % озиқ модда ҳисобида қишлоқ хўжалиги экинларига солинган минерал ўғитлар ҳисобига **POLS модели** 0,00025 фоизга, **REE модели** бўйича 0,0003 фоизга ошган, **FDE модели** бўйича 0,0012 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0086 фоизга камайган.

3.10 - жадвалда Panel POLS, FDE, FEE, REE эконометрик моделлари-нинг регрессион коэффицентлари келтирилган бўлиб, масалан POLS моделида бандлик 0.95 га тенг, яъни бандликнинг бир фоизга ортиши, ҳудудларда умумий даромадларни 0.95 % ортишига олиб келади.

Ушбу моделлар ишончилиги Hausman тести орқали текширилганда модель параметрлари ва моделларининг статистик аҳамиятлиги аниқланди.

```
. hausman fixed random
```

| | — Coefficients — | | | sqrt(diag(V_b-V_B)) S.E. |
|-----|------------------|---------------|---------------------|-----------------------------|
| | (b) fixed | (B) random | (b-B) Difference | |
| x1 | .0050955 | -.0074748 | .0125703 | . |
| x2 | .0167086 | .0240371 | -.0073284 | . |
| x3 | -.0165333 | -.0258773 | .009344 | .0111388 |
| x4 | .006524 | -.0107056 | .0172296 | . |
| x5 | -.0032071 | .0007106 | -.0039177 | .0029204 |
| x6 | .9428838 | .9421894 | .0006944 | .0022715 |
| x7 | .0005734 | .0003257 | .0002477 | .001227 |
| x8 | -.0072869 | .007159 | -.0144459 | .0012538 |
| x9 | -.0027244 | -.0019182 | -.0008062 | .0018305 |
| x10 | -.0053901 | -.0004284 | -.0049617 | .0063523 |
| x11 | -.0018868 | -.0103122 | .0084254 | .0028297 |
| x13 | .0558901 | .0526482 | .0032419 | .0038875 |
| x14 | .0024529 | .0005299 | .0019229 | .000424 |
| x15 | .0100419 | .0078799 | .002162 | .0051284 |
| x16 | -.0004086 | .0008252 | -.0012337 | .0006723 |
| x17 | .0022898 | -.00532 | .0076098 | .0022162 |
| x18 | -.0001246 | .0020378 | -.0021623 | .0000406 |
| x19 | -.0001734 | -.0002926 | .0001192 | . |
| x20 | -.0001849 | .000544 | -.0007289 | . |
| x21 | -.0087518 | .0002534 | -.0090052 | .0024021 |

b = consistent under Ho and Ha; obtained from xtreg
 B = inconsistent under Ha, efficient under Ho; obtained from xtreg

Test: Ho: difference in coefficients not systematic

chi2(20) = (b-B)' [(V_b-V_B)^(-1)] (b-B)
 = 44.77
 Prob>chi2 = 0.0012
 (V_b-V_B is not positive definite)

3.3-расм. Hausman тести натижалари⁶⁹

Hausman тести натижалари ҳам ишлаб чиқилган POLS, FDE, FEE, REE моделларнинг барчаси параметрлари ва статистик аҳамиятлилиги 95 % ишончли эканлигини тасдиқлайди.


⁶⁹ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари натижаларидан олинган.

Илмий изланишлар натижасида фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқаришига энг кучли таъсир этувчи омил фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони эканлиги, ҳар ушбу омил белгининг бир фоизга оширилини, ЯИЧ ҳажми ўртача 0.5 % ортишига олиб келади.

Кейинги кучли таъсир этувчи омил белги фермер хўжаликларида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари эканлиги моделлар асосида аниқланди. Фермер хўжалигида бандлик бир фоизга ортиши ялпи ишлаб чиқариш ҳажми 0,942 % ортишига олиб келади.

Фермер хўжаликларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари ҳам ЯИЧ ҳажмининг ортишига тўғри кучли таъсир этиб, ушбу кўрсаткичнинг бир фоизга ортиши ЯИЧ ҳажмининг 0,052 % кўпайишига таъсир этади.

Ушбу кўрсаткичлар асосида фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш алгоритми ишлаб чиқилди.



3.4-расм. Фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб ҳажмини ошириш⁷⁰

Демак, фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони, фермер хўжаликларида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари ва фермер хўжаликларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари кўрсаткичлари аҳолининг умумий даромадларига таъсир этувчи бирламчи кўрсаткичлардир.

⁷⁰ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари натижасида тузилди.

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари томонидан амалга оширилган экспорт ва киритилган импорт ҳажмининг 2010-2021 йиллар бўйича ўзгариш динамикасини таҳлил қилганимизда, жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилда экспорт ҳажми 14782,7 минг АҚШ долларини, импорт ҳажми эса 14 001,0 минг АҚШ долларини, 2021 йилда экспорт ҳажми 163523,2 минг АҚШ долларини, импорт ҳажми эса 204814,5 минг АҚШ долларини ташкил этган ҳолда, 2021 йилда 2010 йилга нисбатан экспорт ҳажми 148 740,5 минг АҚШ долларига, импорт ҳажми эса 190813,6 минг АҚШ долларига ошганлигини кўришимиз мумкин (14-15 иловага қаранг).


Мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш учун, энг аввало, реал сектор корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаши лозим. Бу уларнинг экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқара олиш имкониятларини ошишига сабаб бўлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг асосий йўналиши бўлган халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилди. Айниқса, аҳолини озиқ-овқат товарлари билан таъминлашда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳасининг ривожланиши муҳим бўлиб, кейинги йилларда республика бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини 8-илова орқали кўриш мумкин.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларга ер бериш, улар фаолиятини ташкил этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар, уларни янги хўжалик юритувчилар сифатида республика аграр иқтисодиётидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлайди. Бунга энг аввало ер, сув ва меҳнат ресурсларидан тўла ҳамда унумли фойдаланиш орқали эришилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳукуматимиз томонидан ажратилаётган маблағлар миқдорининг ошиб бориши, ер унумдорлигининг ошиши натижасида дехқончилик маҳсулотлари ҳажми ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев: “Биз 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном бериб, Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширганимиз ўтган йили яхши ният билан бошлаган ишларимизнинг натижасини кўрсатиб турибди”⁷¹ - деб таъкидлаганлари беъжиз эмас.



3.7-диаграмма. Сирдарё вилояти ҳудудларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши, (% ҳисобида)⁷²

Сирдарё вилоятида 2021 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий миқдори 6923,9 млрд. сўмни, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 97,9 %ни ташкил этганлигини кўришимиз

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//”Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230)

⁷² Сирдарё вилоятининг 2021 йилги статистик ахборотномаси маълумотлари асосида тузилди.

мумкин. Шу билан бирга, деҳқончилик, чорвачилик ва овчилик соҳаларида кўрсатилган хизматлар – 6539,9 млрд. сўмни, ўрмон хўжалигида – 355,4 млрд. сўмни, балиқ хўжалигида – 28,6 млрд. сўмни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. Сирдарё вилоятининг Сайхунобод (100,4) Ховос (100,3 %), Сирдарё, Мирзаобод (100,2 %) ва Оқолтин (100,1 %) туманларида юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Сирдарё вилоятининг Боёвут (93,7 %), Гулистон (96,5 %) ҳамда Сардоба (94,5 %) туманларида эса паст суръатлар кузатилди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи ишлаб чиқариши улушининг хўжаликлар тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида фермер хўжалиklarининг барча тоифадаги хўжаликларга нисбатан улуши ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар Оқолтин (44,5 %), Ховос (38,4 %) ва Сардоба (36,9 %) туманлари ҳиссасига тўғри келишини кўришимиз мумкин (3.7-диаграмма).

3.11-жадвал

2018 йилда Сирдарё вилояти бўйича хўжаликлар тоифаларининг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш⁷³

| Кўрсаткичлар | Барча тоифадаги хўжаликлар | | Жумладан: | | | | | |
|---|----------------------------|-----------------|-------------------|-----------------|------------------------------------|-----------------|--|-----------------|
| | тонна | ўсиш суръати, % | Фермер хўжаликлар | | Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлар | | Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | |
| | тонна | ўсиш суръати, % | тонна | ўсиш суръати, % | тонна | ўсиш суръати, % | тонна | ўсиш суръати, % |
| Деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш | | | | | | | | |
| Дон экинлари | 434162 | 100,8 | 368819 | 99,7 | 50440 | 98,1 | 14903 | 158,4 |
| Картошка | 54485 | 104,8 | 1737 | 57,6 | 52748 | 107,7 | 0,0 | 0,0 |
| Сабзавотлар | 288608 | 95,3 | 58119 | 87,9 | 227189 | 97,0 | 3300 | 136,1 |
| Полиз | 265005 | 81,1 | 103438 | 59,6 | 156504 | 104,9 | 5063 | 118,0 |
| Мевалар ва резаворлар | 38415 | 87,6 | 9716 | 56,3 | 28303 | 106,8 | 396 | 388,2 |
| Узум | 13735 | 112,7 | 731 | 51,3 | 12854 | 120,5 | 150 | 159,6 |
| Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш | | | | | | | | |
| Гўшт тирик вазнда | 57076 | 90,7 | 1465 | 141,3 | 55236 | 89,7 | 375 | 105,9 |
| Сут | 350540 | 110,5 | 9346 | 123,4 | 332669 | 109,7 | 8525 | 135,6 |
| Жун | 596 | 89,5 | 49 | 104,3 | 539 | 87,8 | 8 | 160,0 |
| Пилла | 400,9 | 301,7 | 235 | 191,5 | - | - | 165,9 | 162,9 |

⁷³ Сирдарё вилоятининг 2018 йилги статистик ахборотномаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Келажакда чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди. 2018 йил чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2690,4 млрд. сўмни ёки 2017 йилга нисбатан 98,4 %ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида чорвачиликдан олинган маҳсулотларнинг улуши 38,9 %ни ташкил этди. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, тирик вазндаги гўшт умумий ҳажмининг 96,8 %ни деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, шунингдек, сутнинг 94,9 %, жуннинг 90,4 %, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келишини қайд қилиш зарур (3.11-жадвал).

“Сирдарё вилоятида хўжаликлар тоифалари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 59,8 %и – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг ҳисобига, 30,8 %и – фермер хўжаликларининг ҳисобига, 9,4 %и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларининг ҳисобига тўғри келди.

Ҳаммамиз яхши биламиз, мамлакатимиз қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида Сирдарё вилояти ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди. Юртимизда етиштирилаётган пахтанинг 7 фоизи, ғалланинг қарийиб 7 фоизи, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 5 фоизга яқини айнан шу вилоят ҳиссасига тўғри келади”⁷⁴.

Сирдарё вилоятида ғўза майдонларини ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида фермер хўжаликларида суғоришни олиб бориш учун 378 та суғориш гуруҳлари ташкил этилиб, 10-12 та фермер хўжалигига бир нафардан, жами 378 нафар сув хўжалигидан маъсуллар

⁷⁴ Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг тегишли йиллар бўйича ахборотномаси асосида тузилди.

бириктириб чиқилиб, вазифалари белгилаб берилди.

Сирдарё вилоятида сувдан мақсадли ва унумли фойдаланишни назорат қилиш бўйича республика сув инспекцияси раҳбарияти бошчилигида республика ва вилоят “Сувназорат” инспекциясининг 22 нафар ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, сувдан ноқонуний фойдаланишни олдини олиш, тунги суғоришни назорат қилиш, сувчилар сони ва сувчиларга яратилган шароитларини ўрганиш вазифаси юклатилган.

Сув ресурслари асосан суғориш тармоқларида йўқотилишини ҳисобга олиб, суғориш тармоқларини доимий равишда тозалаб, улардаги гидротехник иншоотлар жорий таъмирланиб борилмоқда.

Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги каналларни механизмда тозалаш режаси 494 км режалаштирилиб, амалда 295 км (59,7 %), ариқ ва лоток тармоқларини қўл кучида тозалаш режаси 3763 км белгиланиб, амалда 2225 км (59 %)га тозаланган, улардаги гидротехник иншоотларни таъмирлаш режаси 539 дона бўлиб, амалда 317 дона (58,8 %)га, гидростларни таъмирлаш режаси 2343 дона, амалда 1390 дона (59 %)га таъмирланган.

СИУ ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 3094 дона сув олиш қулоқларини таъмирлаш белгиланиб, амалда 1761 дона (57 %) бажарилди.

Сирдарё вилоятида кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Дастурда жами қўшимча ишлаб чиқариш ва хизматлар ташкил этадиган фермерлар сони 1449 та белгиланган бўлиб, 2017 йилда 724 тага бажарилди.

Сирдарё вилоятида “2021 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 10512,0 млрд. сўмни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар 9957,5 млрд. сўмни ташкил қилди”⁷⁵.

⁷⁵ Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг тегишли йиллар бўйича ахборотномаси асосида тузилди.

Бугунги кунга келиб ҳукуратимиз томонидан қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, соҳани барча йўналишларини бир хилда босқичма-босқич ривожлантириш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилиб келиниши натижасида соҳада, жумладан, пахтачилик ва ғаллачиликда юқори ҳосилдорликка эришаётган фермер хўжаликларини сони кундан-кунга ортиб бормоқда, бундан ташқари чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик йўналишларида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришларга, маҳсулот турини кўпайиши сифатини яхшиланиши таннархини арзонлашишига эришилмоқда.

Шунинг билан бирга, соҳани жадал ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор муаммолар мавжуд, жумладан, қишлоқ хўжалиги техникаларининг етишмовчилиги, пахта ва ғалла зараркунандаларига қарши курашишда биомаҳсулотларнинг етишмовчилиги, кўп тармоқлиликини ривожлантиришда имтиёзли кредитларни ажратилишида тижорат банкларининг сусткашлиги, гаров таъминотининг етишмаслиги, сув таъминоти ва электр энергиядаги узилишлар, алмашлаб экишни йўлга қўйилмаганлиги, хўжаликларнинг ички ариқ зовурларини ўз вақтида таъмирлаш учун фермер хўжаликларининг маблағларини етишмаслиги каби бир қатор муаммолар ҳали ўз ечимини топмаган.

Сирдарё вилоятида кўп тармоқли фермер хўжаликларини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун қуйидаги таклифлар ва тавсиялар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Ер - сув ресурсларидан унумли фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган майдонларини мақбуллаштириш:

пахта экиладиган майдонларни 4500 гектарга ва бошоқли дон экинлари майдонларини 514 гектарга ихчамлаштириш;

ихчамлаштирилган экин майдонлари жойига бошқа юқори ҳосил берадиган экинларини экиш лозим: картошка – 300 гектар, сабзавот – 1150 гектар, тоқзор – 285 гектар, озуқа экинлари – 850 гектар, мойли экинлар – 2514 гектар, поллиз экинлари – 200 гектар.

2. Илғор агротехнологияларга асосланган ҳолда, юқори ҳосилга эга бўлган, экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш учун 285 гектар майдонда тоқзорлар ташкил қилиш ҳамда 541 гектар боғ ва 124 гектар тоқзорларни реконструкция қилиш:

Вилоятнинг суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, ирригация объектларини замонавий технологиялар асосида қайта қуриш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш барқарорлигини таъминлаш;

“347,4 км туманлараро, хўжаликлараро ва магистрал коллекторларни, 246,8 км ёпиқ дренаж тизимларини, 1 та мелиоратив насос станциясини, 81 та мелиоратив тик кудуқларни қуриш ва реконструкция қилиш;

3912,8 км очик коллекторларни, 1440 км ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини, 46 та мелиоратив насос станцияларини, 875 та мелиоратив тик кудуқларни таъмирлаш ва тиклаш;

260 км каналларни, 222 км суғориш лоток тизимини, 4 км босимли сув қувурларини қуриш ва реконструкция қилиш”⁷⁶.

3. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш, уларнинг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш ва шу асосда:

152 та мелиоратив техника ва жиҳозларни сув хўжалигида ихтисослашган пудрат ташкилотларига лизинг орқали етказиш;

2022-2023 йиллар давомида суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларнинг самарадорлигини танқидий ўрганиш.

4. Озиқ-овқатга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, хавфсизликни таъминлаш, картошка, узум ва мева-сабзавот етиштириш

⁷⁶ Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг тегишли йиллар бўйича ахборотномаси асосида тузилди.

ҳажмини кенгайтириш, ички бозорда ушбу маҳсулотларнинг нархларини юқори даражада ошишига барҳам бериш:

“мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳажмини ошириш, жумладан, сабзавот маҳсулотларини – 105 %га, картошкани – 102,5 %га, полиз маҳсулотларини – 101,5 %га, мевани – 105 %га, узум – 102 %га, гўшти (тирик вазнда) – 106 %га, сут маҳсулотларини – 110 %га, олинган тухумни – 110 %га, балиқ маҳсулотларини– 112 %га ва асални – 106 %га ошириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга қулай бўлган 113,8 гектар майдонда 51 та иссиқхоналар қуриш”⁷⁷ .

Хулоса қилиб айтганда, республикада иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш борасида муҳим галдаги вазифалар амалга оширилмоқда ва бу албатта, мамлакат иқтисодий тармоқларида ишлаб чиқаришни ортиши хусусан, аграр тармоқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада оширилишига асосий омил бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш кўп тармоқли фермер хўжаликлари маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишга бевосита боғлиқдир. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, аграр соҳанинг истиқболли ривожланишини белгиловчи устувор вазифаларни амалга ошириш жараёнида янги фермер хўжаликларини ташкил этиш эмас, балки уларнинг эркин рақобат муҳитидаги рақобатбардошлигини таъминлаш асосий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг бориши билан танишиш, халқ билан мулоқот асносида фермерлар билан учрашган чоғида ер умрини бекор ўтказмаслик, такрорий экин экиб, даромадни ошириш, етиштирилган маҳсулотни экспорт қилиш ҳақида қимматли маслаҳат ва тавсияларини бермоқдалар. Унинг самарасида

⁷⁷ Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг тегишли йиллар бўйича ахборотномаси асосида тузилди.

кўплаб фермер хўжаликларида такрорий экин экишга қаратилаётган катта эътибор мўмай даромад олиб келмоқда. Ўзбекистоннинг Россия ва бошқа хорижий давлатларга поллиз, сабзавот маҳсулотлари, дуккакли экинлар, шунингдек, боғдорчилик маҳсулотлари сотиш, етказиб бериш бўйича йирик шартномалар имзолаганлиги, вилоятнинг барча туманларида агрофирмалар томонидан фермер хўжалиklarини зарур уруғлик, техника воситалари ва маблағ билан таъминланаётганлиги фермерларнинг қўшимча маҳсулот етиштириш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.


Сирдарё вилоятида хорижий инвестициялар кўмагида кўп тармоқли фермер хўжалиklarига замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш, бунинг натижасида экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни жадаллаштириш орқали аҳолининг талабини тўлароқ қондириш каби масалалар ўз вақтида ҳал этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини, шу жумладан, фермер хўжалиklarини марказлаштирилган дастурий таъминот тизимини ҳозирда ҳам амал қилишини тақозо этувчи юқорида келтирилган омиллар ҳамда уларни фермер хўжалиklари фаолиятига таъсирини чуқурроқ ўрганиш мақсадида уларнинг асосийларига батафсил тўхталиб ўтишни лозим топдик (3.5-расм).

Республикада фермер хўжалиklarининг рентабелли фаолият юритиши яратилган шароитларга боғлиқдир. Бу шарт-шароитлар ичида молия-кредит механизмлари ва солиқ имтиёзларини фермер хўжалиklarига татбиқ этиш муҳим ўрин тутди. Ислоҳотлар давомида фермер хўжалиklarини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали кўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжалиklarининг ишлаб чиқариш

бўйича асосий харажатларини молиялаштириш бўйича имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;



3.5-расм. Фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари⁷⁸

- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар жорий этилди;

- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;

- балл-бонитети паст ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди.

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит сиёсатида деҳқон (юримдик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун

⁷⁸ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари натижаси асосида тузилган.

бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари Марказий банкнинг расмий қайта молиялаш ставкасидан ошиқ бўлмаган ҳажмда, тижорат банкларининг махсус микрокредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилаётган бўлса, имтиёзли фоиз ставкалари белгиланади;

- давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларини олдиндан 3 % имтиёзли фоиз ставкаси билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжаликлари аграр соҳада янги хўжалик юритувчи субъект сифатида шаклланиб бориши бир томондан ҳақиқий мулк эгаллигининг вужудга келишига имкон яратса, иккинчи томондан мулкчиликнинг бошқа турларига асосланган корхоналар билан маълум даражада рақобат кураши муҳитини яратишга йўл очади.

Юқорида келтирилган фермер хўжаликларига хос бўлган хусусият – республикамизнинг аграр соҳасида уларнинг хўжалик юритишни энг самарали шакллари билан бири сифатида мустақкам ўрин эгаллаётганлигини кўрсатади.

III боб бўйича хулоса

Иқтисодий модернизация қилиш шароитида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштиришда республика, тармоқ ва ҳудудий бошқарув органларининг вазифаси ҳамда мақсадларини, мулк ҳуқуқларини чегаралаш;

- қишлоқ кенгашлари, район, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ролини қайта кўриб чиқиш;

- мулкни хусусийлаштириш жараёнини ҳисобга олиб, ижтимоий соҳада кишлоқ хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқариш бизнес-режасини ишлаб чиқиш;

- кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштириш бўйича ҳужжатлар ва тавсиялар меъёрий йўриқнома базасини тайёрлаш;

- кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштиришда минтақавий хусусиятлар ва омилларни ҳисобга олиш, буларга ижтимоий меъёр кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқишда диққат қилиш;

- хўжалик юритиш ва тармоқлар ҳамда ҳудудларнинг ўзаро таъсири ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш;

- минтақалар ўртасида ва ичида, унинг унсурлари, вертикал ва горизонтал тузилмалари ўртасида кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи маҳсулотлари етиштиришни ривожлантиришдаги номуносибликларга барҳам бериш;

- кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштиришни интеграция қилиш бунда иш тизимларга хос ижобий жиҳатларни бутун чоралар билан ривожлантириш ҳамда уларнинг ноҳуш жиҳатларини имкон қадар чеклаш (ёки бартараф қилиш) мақсадини кўзлаш;

- экспортни рағбатлантириш ва унинг самарадорлигини оширишда кўп жиҳатдан ташқи савдо ҳисоб-китоблари тизимини такомиллаштириш ва мавжуд турли-туман чекловларни бекор қилиш лозим;

- экспортнинг фақат эркин конвертация қилинадиган валютада амалга ошириладиган қисминигина эмас, балки бутун экспортни қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш;

- экспорт кредитлари, экспорт кредитларининг суғуртаси ёки экспортчиларга қарама-қарши банк кафолатларини беришни қўллашни жорий этиш;

- МДХ мамлакатлари бўйича транзит тўловларини мувофиқлаштириш, такроран солиққа (ҚҚС ва импорт божлари) тортиш тажрибасини барҳам бериш, солиқ юкини енгиллаштириш;

- тез бузилувчи мева-сабзавот маҳсулотларининг транзит йўлларда эркин ҳаракатини таъминлаш бўйича битим тузишга эришиш лозим;

- экспортни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш, шунингдек, импорт протекционизми сиёсати даражасини пасайтириш, монетар ва фискаль сиёсат шаффофлигини таъминлаш.

Бу ислохотларнинг барчаси жамғармалар ва сармояларни рағбатлантириш, иқтисодиётда рақобат муҳитини яратиш, бизнеснинг транзакцион харажатларини камайтириш ва экспортни рағбатлантириш сиёсати учун хос бўлган қийматни бузишни бартараф этишнинг муҳим шартлари ҳисобланади. Фақат муаммонинг ечимига комплекс ёндашувгина иқтисодий тараққиёт суръатларини тезлаштиришнинг муҳим шarti ҳисобланадиган миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлилиги ва ташқи савдонинг самарадорлигига олиб келиши мумкин.

Мазкур талабларнинг жами қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштириш механизмининг такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди.

Хўжалик юритиш янги иқтисодий механизмнинг яратилиши маҳаллий бюджетга кўпгина маблағларни жалб этиш имконини беради, аммо муайян жой шароитида мана шу барча ресурслар ҳар ҳолда фермер хўжаликлари ва ташкилотлар ҳисобига шаклланади. Айни вақтда кўпчилик ҳокимларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштириш бўйича ягона буюртмачи вазифаларини бажариш учун ҳақиқий имконият вужудга келмаган.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштириш ривожлантиришни бошқарув механизмининг яратишнинг турли вариантлари бир хил баҳоланишига қарамай, минтақадаги туманларнинг

Ўзига хослигига боғлиқ ҳолда вазиятни ривожлантиришнинг учта эҳтимолий йўналишини қўллаш учун асос бор, яъни:

а) маблағлар ва ресурслар ҳокимлик қўлида жамланади;

б) вазифалар агоросаноат фермер хўжаликлари ва ташкилотлар қўлида жамланади;

в) дастлабки икки вариант энг мақбул тарзда бирга қўшилади.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштиришнинг айрим унсурларини ривожлантириш вазифалари алоҳида тақсимланган тақдирдагина манфаатлар уйғунлигига эришиш мумкин.

Ҳозирги вақтгача қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштиришни комплекс ривожлантириш даражасини белгиловчи нормативлар тизими ишлаб чиқилмаган. Амалдаги идоравий меъёрлар ва нормативлар одатда, ижтимоий мақсадларга йўналтириладиган ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тизимига асосланади. Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларида маҳсулотлар етиштириш ўртасида алоқа ҳисобга олинмайди. Шу туфайли маҳсулотлар етиштириш барча унсурларини мажмуа тарзида мувозанатланган ривожлантиришга эришиб ҳам бўлмайди. Ундан ташқари, тавсия этилаётган кўпгина меъёрларни зудлик билан қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштиришни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни режалаштиришда аҳоли пунктларида аҳолининг асосий эҳтиёжларини қондирувчи хизматлардан фойдаланиш имкониятини тенглаштиришни назарда тутиш лозим. Ҳозирги вақтда ижтимоий ривожланиш иқтисодий муаммоларни ҳал этувчи муҳим восита бўлаётганлиги сабабли, нафақат ишлаб чиқариш ва инфратузилманинг ўзаро боғланган ҳолда, ривожланишини белгилаб олиш, балки кишиларнинг самарали иш фаолиятлари учун олдиндан шарт-шароит яратиш мақсадида, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштиришнинг истиқболда ривожланишини режалаштириш

зарур. Фақат шу шароитда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштириш қишлоқ меҳнаткашининг эҳтиёжларини қондириш мумкин. Ушбу услубнинг устуворлиги шундан иборатки, аҳолига хизмат кўрсатишда содир этиладиган хатоларга деярли йўл қўйилмайди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштиришни ривожланишининг ҳудудий кўрсаткичлари, нафақат, бутун бир республика бўйича олинган маълумотлар билан таққослаш, балки алоҳида иқтисодий бирликлар бўйича ҳам ва шу асосда турли маъмурий бирликларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштириш даражаси ҳақида керакли маълумот олиш имкониятини беради. Ҳозирги вақтда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштиришни режалаштириш соҳасида назарий ва амалий бир қатор ўзига хос муаммолар илгари сурилмоқда. Бу ерда агросаноат мажмуаси тизимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида маҳсулотлар етиштиришнинг амал қилиш қонуниятларини ўрганиш зарурияти алоҳида аҳамият касб этади.

**IV БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ СТАТИСТИК
БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**4.1. Фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигига
таъсир этувчи омиллар “гипотезаси” услубиятини
такомиллаштириш**

Параметрлар тўғрисидаги гипотеза тестлари учун ишлатиладиган t-статистикани регрессия чиқишидаги калькулятор ва статистик жадвалнинг t-критик қиймати ёрдамида ҳисоблаш мумкин. Аммо ушбу бўлимда биз Stata ёрдамида тестнинг статистик қийматлари, танқидий қийматлари ва p-қийматларини ҳисоблаб чиқамиз. Мисол сифатида биз озиқ-овқат харажатлари регрессиясининг моделини давом эттирамиз. Олинган гипотезани муқобил гипотезага қарши текширамиз. t-статик қийматни ва критик қийматни ишлатиб қуришимиз ва намойиш этишимиз мумкин.

**4.1-жадвал
Фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи
омиллар “гипотезаси” учун маълумотлар⁷⁹**

| Йиллар | Ўзбекистон Республикаси ЯИМ, млрд. сўм (X ₁) | Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, млрд. сўм (X ₂) | Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида банд бўлганлар сони, минг киши (X ₃) | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҚҚ, млрд. сўм (X ₄) | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (млрд. сўм) (X ₅) | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида банд бўлганлар сони, минг киши (X ₆) | Фермер хўжаликлари ЯИЧ, млрд. сўм. (Y) | Фермер хўжаликлари киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм. (X ₇) | Фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони, минг киши (X ₈) |
|--------|--|---|--|--|---|--|--|---|---|
| 2010 | 78936,62 | 16463,70 | 12286,60 | 21251,34 | 1654,98 | 3118,1 | 11195,23 | 110,27 | 1 338,90 |
| 2011 | 103232,58 | 19500,00 | 12541,50 | 30658,61 | 2488,49 | 3229,4 | 15702,73 | 119,42 | 1 346,80 |
| 2012 | 127590,24 | 24455,30 | 12850,10 | 36954,67 | 2745,47 | 3251,7 | 18383,05 | 148,46 | 1 340,60 |
| 2013 | 153311,34 | 30490,10 | 13163,00 | 42636,81 | 3128,94 | 3402,1 | 21345,13 | 132,63 | 1 321,10 |
| 2014 | 186829,50 | 37646,20 | 13505,40 | 53613,21 | 3858,23 | 3528,9 | 24622,91 | 163,61 | 1 247,20 |
| 2015 | 221350,91 | 44810,40 | 13767,70 | 64680,33 | 4515,42 | 3601,7 | 30620,82 | 241,29 | 1 183,70 |
| 2016 | 255421,86 | 51232,00 | 14022,40 | 74778,98 | 4795,30 | 3646,7 | 34271,11 | 259,84 | 1 174,50 |
| 2017 | 317476,37 | 72155,20 | 14357,30 | 90983,86 | 6110,55 | 3671,3 | 43358,15 | 563,56 | 966,5 |
| 2018 | 424728,74 | 124231,30 | 14641,70 | 113660,73 | 7991,89 | 3537,2 | 48675,13 | 773,11 | 938,8 |
| 2019 | 529391,39 | 195927,34 | 14876,40 | 130306,93 | 12199,14 | 3544,6 | 60342,98 | 1362,21 | 766,7 |
| 2020 | 602193,00 | 210195,10 | 14797,40 | 151279,55 | 14776,82 | 3499,2 | 70570,67 | 1296,30 | 700,9 |
| 2021 | 734587,68 | 244962,60 | 14980,74 | 183518,49 | 18934,90 | 3502,1 | 88337,27 | 1968,78 | 712,7 |

⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2010-2021 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

**Фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи
омиллар “гипотезаси” учун маълумотларнинг логарифмланган
қийматлари⁸⁰**

| Йиллар | Ўзбекистон Республикаси ЯИМ, млрд. сўм (X ₁) | Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, млрд. сўм (X ₂) | Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида банд бўлганлар сони, минг киши (X ₃) | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҚҚ, млрд. сўм. (X ₄) | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (млрд. сўм) (X ₅) | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида банд бўлганлар сони, минг киши (X ₆) | Фермер хўжаликлари ЯИЧ, млрд. сўм. (Y) | Фермер хўжаликлари киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм. (X ₇) | Фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони, минг киши (X ₈) |
|--------|--|---|--|---|---|--|--|---|---|
| 2010 | 11,276 | 9,709 | 9,416 | 9,964 | 7,412 | 8,045 | 9,323 | 4,703 | 7,200 |
| 2011 | 11,545 | 9,878 | 9,437 | 10,331 | 7,819 | 8,080 | 9,662 | 4,783 | 7,205 |
| 2012 | 11,757 | 10,105 | 9,461 | 10,517 | 7,918 | 8,087 | 9,819 | 5,000 | 7,201 |
| 2013 | 11,940 | 10,325 | 9,485 | 10,660 | 8,048 | 8,132 | 9,969 | 4,888 | 7,186 |
| 2014 | 12,138 | 10,536 | 9,511 | 10,890 | 8,258 | 8,169 | 10,111 | 5,098 | 7,129 |
| 2015 | 12,308 | 10,710 | 9,530 | 11,077 | 8,415 | 8,189 | 10,329 | 5,486 | 7,076 |
| 2016 | 12,451 | 10,844 | 9,548 | 11,222 | 8,475 | 8,202 | 10,442 | 5,560 | 7,069 |
| 2017 | 12,668 | 11,187 | 9,572 | 11,418 | 8,718 | 8,208 | 10,677 | 6,334 | 6,874 |
| 2018 | 12,959 | 11,730 | 9,592 | 11,641 | 8,986 | 8,171 | 10,793 | 6,650 | 6,845 |
| 2019 | 13,179 | 12,185 | 9,608 | 11,778 | 9,409 | 8,173 | 11,008 | 7,217 | 6,642 |
| 2020 | 13,308 | 12,256 | 9,602 | 11,927 | 9,601 | 8,160 | 11,164 | 7,167 | 6,552 |
| 2021 | 13,507 | 12,409 | 9,615 | 12,120 | 9,849 | 8,161 | 11,389 | 7,585 | 6,569 |

$$1) \quad \text{Ln}Y = -0,56 + 0,88 X_1$$

Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ҳажми 1 фоизга ошганда, фермер хўжаликлари ЯИЧ ҳажми 0,88 фоизга ошган.

$$2) \quad \text{Ln}Y = 3,18 + 0,66 X_2$$

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1 фоизга ошганда, фермер хўжаликлари ЯИЧ ҳажми 0,66 фоизга ошган.

$$3) \quad \text{Ln}Y = -75,74 + 9,04 X_3$$

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида банд бўлганлар сони 1 фоизга ошганда, фермер хўжаликлари ЯИЧ ҳажми 9 мартага ошган.

$$4) \quad \text{Ln}Y = -0,08 + 0,94 X_4$$

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҚҚ 1 фоизга ошганда, фермер хўжаликлари ЯИЧ ҳажми 0,94 фоизга ошган.

$$5) \quad \text{Ln}Y = 3,25 + 0,83 X_5$$

⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2010-2021 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари натижасида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 1 фоизга ошганда, фермер хўжаликлари ЯИЧ ҳажми 0,83 фоизга ошган.

$$6) \quad \mathbf{LnY = -61,90 + 8,87 X_6}$$

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида банд бўлганлар сони 1 фоизга ошганда, фермер хўжаликлари ЯИЧ ҳажми 9 марта ошган.

$$7) \quad \mathbf{LnY = 6,99 + 0,58 X_7}$$

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларига киритилган инвестициялар ҳажми 1 фоизга ошганда, фермер хўжаликлари ЯИЧ ҳажми 0,58 фоизга ошган.

$$8) \quad \mathbf{LnY = 26,70 - 2,34 X_8}$$

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони 1 фоизга камайганда, фермер хўжаликлари ЯИЧ ҳажми 2 марта камайган.

Ўзбекистон Республикасида молиявий инқироз шароитида фермер хўжаликларини минерал ўғитлар билан таъминлаш минерал ўғитлар бозори конъюнктурасида умумхўжалик конъюнктурасига хос бўлган белгилар билан белгиланади. Бундай белгилар ва ўзига хос хусусиятлар ҳамкорлиги ва ўзаро алоқасининг умумий ва унинг қисмлари умумхўжалик ва товарлар бозори конъюнктураларининг шаклланиши ва ривожланиш характерини белгилайди.

Фермер хўжаликларини минерал ўғитлар билан таъминлаш минерал ўғитлар бозори конъюнктурасида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Минерал ўғит ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари ўртасидаги боғлиқлик ишлаб чиқарувчилар гуруҳлари ўртасидаги рақобатга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини минерал ўғитлар билан таъминлаш хўжалик фаолияти тузилишини тубдан ўзгартириб ва бозор иқтисодиётига ўта бориб, қисқа давр мобайнида иқтисодиётнинг барқарорлигига эришишига сабаб бўлмоқда. Бу саноатда илғор технологияларни жорий этишга, хизмат кўрсатиш соҳасининг сезиларли

ривожланишига ҳамда қишлоқ хўжалигининг ўсишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Келажақда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши мамлакатимиз фермер хўжаликлари ихтиёридаги суғориладиган ерлардан тўлиқ ва оқилона фойдаланишини талаб этиш билан биргаликда, унинг самарадорлигини ҳам юксалишини тақозо этади. Бунинг учун энг аввало тупроқ унумдорлигини барқарор равишда ошишини таъминлаш имкониятига эга бўлган турли хилдаги ишлаб чиқариш воситаларидан йил давомида тўғри, тўлиқ ҳамда самарали фойдаланишга эришиш лозим.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ички ва ташқи бозор талабини қондириш мақсадида давлатдан асосан ҳайдаладиган, пичанзорлар, яйловлар ҳамда боғзорлар, узумзор, тутзор ерларни турли муддатларга фойдаланиш учун оладилар. Шу ерларнинг таркибида энг унумдорлиги, суғориладиган ер ҳисобланади. Чунки, суғорилмайдиган ернинг бир гектаридан оладиган ҳосилга нисбатан 8-10 марта кўпроқ ҳосил олиш мумкин. Республика ҳудудидаги суғориладиган ерларда мамлакат аҳолиси истеъмол қилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми етиштирилади. Суғориладиган ернинг иқтисодий моҳиятини мазмунини эътиборга олган ҳолда унинг тушунчасини аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”ни 44-моддасида “Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки шартли (муваққат) суғориладиган ерлар жумласига киради”⁸¹ деб ёзилган. Бу таърифни биз умуман олганда тўғри деб ҳисоблаймиз. Лекин у анча мураккаб ёзилган. Шунинг учун уни суғориладиган ернинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича таъриф бердик. “Сув билан таъминлаш мақсадида суғориш иншоотлар тизими сув манбаларига уланган қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган майдонни суғориладиган ер” деб ҳисоблаш мумкин.

⁸¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”.–Т.: «Ўзбекистон», 1998, 44-модда.

Демак, суғориладиган ерни шаклланишида сув ресурсларининг бевосита катнашиши зарур экан. Чунки ўзлаштирилмаган, лалми ерлар сув ресурслари билан таъминлангандагина улар суғориладиган ерларга айланади. Суғорилмайдиган майдонларга сув бериш натижасида уларнинг сунъий хамда иқтисодий унумдорлигини юксалиши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларида сувдан фойдаланишда баъзи ҳолларда камчилик ва муаммолар кўзга ташланмоқда. Айниқса, мамлакатимиз фермер хўжаликлари экинларини суғориш мавсумида туманларда хўжаликлар томонидан лимитга нисбатан ортиқча сув сарфланмоқда. Бунинг олдини олиш учун, албатта, сувдан фойдаланишда бозор принципларини жорий қилиш, суғоришга берилган сувдан оқилона ва самарали фойдаланилганлиги, суғоришга берилган сувнинг оқилона тақсимоти, ҳисоб-китоби ва ҳисоботини юритиш, етказиб берилган сув учун тўловларни такомиллаштириш, суғоришга берилган сувдан иқтисод қилиб, оқилона фойдаланилганлиги учун рағбатлантириш, етказиб берилган сувга тўланадиган тўловларда сув истеъмолчиларига бериладиган имтиёз чоратадбирларини амалиётга жорий этиш зарур. Бу муаммоларни бартараф қилиш учун республикаимиз бошқарув органлари ва мутахассислари томонидан ишлар олиб борилмоқда.

Энг аввало, Республиканинг сув ресурслари давлат мулки, яъни умуммиллий бойлик ҳисобланади. Шунинг учун барча сувни миллий бойлик таркибида ҳисобланиши зарур. Ер ости маъдан бойликлари захирасининг қиймати алоҳида аниқланиши муносабати билан ернинг унумдор қатлами ҳисобланган тупроқ қисми қийматини аниқлаш зарур. Чунки у ҳам табиий қонунлар таъсири натижасида барпо этилган. Унга нисбатан жамиятнинг талаби мавжуд. Бундай ҳолни мавжудлиги уни қийматини аниқлашни объектив равишда тақозо этади. Шунинг учун давлатнинг ер ресурсларини миллий бойлик таркибида баҳолашда шу ерларнинг (тупроқнинг) табиий унумдорлик даражасини мезон қилиб олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Яъни бир бирликдаги тупроқнинг табиий унумдорлигидир. Бу

кўрсаткич миқдор ва қиймат кўринишида аниқланиши мумкин. Масалан, 1 га яйловнинг табиий унумдорлиги неча центнер хашак ёки озуқа бирлигини бериши мумкин. Худди шунингдек, 1 га пахта экиладиган майдоннинг табиий унумдорлиги қанча пахта хом ашёсини етиштириб беришлилигини аниқлаш лозим. Бу кўрсаткич Республика пахтачилик илмий тадқиқот институтининг маълумотларига асосланган ҳолда 10-12 ц ташкил этади. Тупроқнинг табиий унумдорлиги балл бонитет шаклида ҳам бўлиши мумкин. Бу рақамлар тупроқнинг табиий унумдорлигини исботлайди. Унинг қийматини аниқлаш учун қайси даврга (муддатга) аниқланиши лозим бўлса шу даврдаги ҳақиқий баҳолардан фойдаланиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларига сувдан фойдаланишда баъзи ҳолларда камчилик ва муаммолар кўзга ташланмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш мавсумида туманларда фермер хўжаликлари томонидан лимитга нисбатан ортиқча сув сарflanмоқда. Бунинг олдини олиш учун, албатта, сувдан фойдаланишда бозор принципларини жорий қилиш, суғоришга берилган сувдан оқилона ва самарали фойдаланилганлиги, суғоришга берилган сувнинг оқилона тақсимоли, ҳисоб-китоби ва ҳисоботини юритиш, етказиб берилган сув учун тўловларни такомиллаштириш, суғоришга берилган сувдан иқтисод қилиб, оқилона фойдаланилганлиги учун рағбатлантириш, етказиб берилган сувга тўланадиган тўловларда сув истеъмолчиларига бериладиган имтиёз чоратadbирларини амалиётга жорий этиш зарур.

Келажакда суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини барқарор равишда юксалтириш учун барча ишлаб чиқариш воситаларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга эътибор берган ҳолда экинларни мақсадга мувофиқ таркибини таъминлашга ҳамда уларни самарали жойлаштиришга эришиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда:

1. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг асосий соҳаларидан бири бўлган кимё саноатининг ижтимоий-иқтисодий

ихтисослашуви хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кимё саноати ишлаб чиқариш мажмуини ривожлантириш зарур;

2. Бугунги кунда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш даражаси ва самарадорлигини ўсишини тўхтовсиз таъминлаб туриш зарур. Чунки минерал ўғитлар ишлаб чиқариш даражаси қанчалик юқори бўлиши: бу биринчидан, республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга, иккинчидан, аҳолини турмуш шароитини яхшиланишига, учинчидан, республиканинг минерал ўғитлар бўйича экспорт салоҳиятини оширишга имкон беради.

3. Бозор рақобатбардошлиги шароитида минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва юксалтириш учун, бизнингча, ўз-ўзининг харажатларини таъминлаши зарур. Бу зарур моддий – техник ресурслар импорти учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни яратиш ҳисобига эҳтиёжларни хорижий валютада қоплаш демакдир. Экспорт-импорт операцияларининг ҳажми ва вақти бўйича баланслаштирилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ва республика ҳудудига минерал ўғитлар, бошқа кимёвий маҳсулотлар етказиб бериш ҳажмини ошириш учун муҳим шарт-шароит ҳисобланади.

4. Ўзбекистонда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш мақсадида ривожланган хорижий мамлакатлардан янги технологияларни олиб келиш, бозор ва харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарур. Шунингдек, хорижий шериклар билан бирга икки томонлама манфаатли қўшма корхоналар очиб ва улардан самарали фойдаланиш;

5. Ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ таъминланиш даражасининг пастлиги, импорт ва фонд улушининг юқорилиги, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни ривожлантириш, тасарруфдаги моддий – хом ашё базаси ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, минерал ўғитлар экспорт салоҳиятини ошириш билан инвестицион муаммоларни юзага келтиради. Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва

экспорт салоҳиятини ошириш вазифалари амалдаги қувватларни сақлаб қолиш ва реконструкция қилишни биринчи ўринга қўяди. Сўнгги йилларда асосий фондларни янгилашга капитал ажратилиши камайди. Натижада, асосий фондлар актив қисмининг эскириши тармоқнинг етакчи корхоналарида экстремал даражага етмоқда.

6. Республикамизда минерал ўғитларни экспортдан валютани айрим қисмини корхоналар ўзининг маҳсулотларини чет элларда чиқарилаётган ахборот воситаларини рекламаси учун сарфлаши зарур ва шу орқали хорижий истеъмолчиларнинг ўз маҳсулотлари билан таништириб, уларни жаҳон бозорида сотишга ва мустақкам ўрин эгаллашга имконият яратиш;

7. Минерал ўғитлар бозори конъюнктурасини ўрганиш, бозор ва бўлиб ўтаётган ўзгаришларга мувофиқ йўналтирилган истиқболли белгилашларни ҳар куни диққат билан кузатиб боришни тақозо этади. Минерал ўғитлар бозори истиқболлини белгилашнинг ўзига хослиги нафақат уларнинг ривожланиш қонуниятлари, балки ташқи савдодаги амалий вазифалари билан ҳам олдиндан белгиланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, истиқболли белгилашдан мақсад, жаҳон бозорига чиқишнинг энг қулай вақтини аниқлаш ҳисобланади.

8. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш ва истиқболлини белгилаш масалалари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ривожланиш суръатларини ошириш манбааларини ва омилларини тадқиқот қилишни ўз ичига олади. Бу муаммонинг серқирралиги, мураккаблиги самарадорликнинг иқтисодий ўсиш омиллари динамикасини акс эттирувчи кўрсаткичларнинг қўллаш зарурлигини кўрсатади. Минерал ўғитлар самарадорлиги қанча юқори бўлса, динамик ўсиш ҳам шунча кўп имкониятларга эга бўлишини кўрсатади. Бозор муносабатлари ишлаб чиқариш самарадорлигига катта эътиборни қаратади.

9. Республикамизда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун минерал ўғитлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарга чет эл

сармояларини киритиш зарур. Булар асосида рақобатбардошлиликка асосланган жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллаши, мавқеини мустаҳкамлаши ва маҳсулотларига сифат кафолатланиши мумкин.

Тадқиқотлар натижасида сувдан фойдаланишнинг жамоа шаклидан хусусий шаклига ўтишга асосланган фермер хўжаликларида ташкил қилиш мақсадга мувофиқлиги ва бунда суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ортиши аниқланди.

Сувдан фойдаланишни яхшилашнинг асосий йўналишлари:

- сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш;
- гидротехник иншоотларнинг техник ҳолатини яхшилаш;
- сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш;
- сувнинг тезкор бошқаруви ва ҳисоб-китобини йўлга қўйиш;
- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;
- сув ва сувдан фойдаланишнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш;
- ички ариқларни тартибга солиш;
- кулоқларни гидростлар билан жиҳозлаш;
- майдонни суғоришга талаб даражасида тайёрлаш;
- суғориш муддатлари ва меъёрларига амал қилиш;
- сувни тежайдиган агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш (культивация, эгат оралаб ва шарбат билан суғориш);
- сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш;
- сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Юқоридаги чора-тадбирларни амалга оширилиши натижасида республика қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи сув ресурсларидан фойдаланишни, иқтисодий самарадорлиги маълум даражада юксалмоқда. Лекин бу ҳозирги ўсиб бораётган талабга тўлиқ жавоб бермайди. Шунинг учун улардан фойдаланишни иқтисодий самарадорлигини

келажакда янада юксалтириш талаб этилади. Бунинг учун фикримизча куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

а) Бозор муносабатлари шароитида сув исрофгарчилигини олдини олиш учун сувдан фойдаланишни тўлов асосига қўйиш зарур. Бу муаммони назорат усули ёки тарғибот-ташвиқот билан ҳал этиб бўлмайди.

б) Сув ресурсларидан фойдаланишдаги салбий ҳолатларни бартараф этиш, уруғчилик ва селекцияга катта аҳамият бериш, экинларни ўғитлаш тизимини яхшилаш, илғор суғориш технологияларини қўллаш, ерларга ишлов беришда замонавий услублар, алмашлаб экиш тизимига қатъий риоя этиш, тупроқ мелиорациясини яхшилашга эътиборни қаратиш, механизациядан фойдаланишда маҳсулот етиштирувчидан тортиб раҳбар ва мутахассисларда агротехника қоидаларига риоя этиш маданиятини шакллантириш зарур.

д) Юқорида таъкидланган тадбирларни амалга оширилишини реал бўлишлиги учун турли манбалардан, яъни давлатнинг, хўжаликларнинг, чет эл инвесторларининг маблағларини жалб этишга эришиш лозим.

г) Мелиоратив ҳолати ўта ёмон бўлган ерларга давлат буюртмасини бермаслик, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш бундай ерларни қишлоқ хўжалиги айланмасига киритиб, уларнинг унумдорлигини оширишга ва самарали фойдаланишга имкон яратади.

Мамлакатимизда суғориш мавсумида ажратилган лимитга ва 1 гектарига сарфланаётган сув миқдори йиллар давомида ўсиб, чекланган сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиб, сувнинг беҳуда сарфига йўл қўйилмоқда. Бунинг олдини олиш учун минтақада куйидаги чора-тадбирлар ўтказилмоқда:

- сувдан фойдаланишда бозор принципларини қўллаш бўйича меъёрий-услубий ва қонуний ҳужжатлар базасини яратиш;

- суғоришга берилаётган сувдан фойдаланишда бозор механизмларини жорий қилиш босқичларини ишлаб чиқиш;

- суғоришга берилган сувнинг оқилона тақсимоти, ҳисоб-китоби ва ҳисоботини юритиш;

- сувни етказиб беришдаги хизматига пул тўлаш бўйича амалдаги механизмни такомиллаштириш;

- суғоришга берилган сувдан иқтисод қилиб, оқилона фойдаланилганлиги учун рағбатлантириш ва имтиёзлар бериш.

Келгусида фермер хўжаликларида бозор ислохотларини янада ривожлантириш, сувни бозор муносабатларига жалб қилиш, ялпи ишлаб чиқарувчилар ўртасида бозор рақобати ривожланишини таъминлаш, ички ва ташқи сармоялар ҳисобига тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш учун зарур тадбирларни ўтказиш, кўчмас мулк бозорини ривожлантириш, сувга давлат мулкчилигини сақлаган ҳолда гаров (ипотека) тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, тупроқ унумдорлигининг у ёки бу даражада бўлиши илмий асосланган маъдан ўғитлар миқдорига, нисбатига, органик ўғитларни қўллашга, алмашлаб экишга риоя қилишга, ер ва сув ресурсларини тежовчи ҳамда бошқа илғор технологияларни жорий этишга бевосита боғлиқдир. Тадқиқотларга қараганда органик ва маъданли ўғитлар ҳисобига ўсимликда 50 фоиз ва ундан ортиқ ҳосил шаклланади. Бу омиллар алмашлаб ёки навбатлаб экиш даласида ўтказилса, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши учун экологик жиҳатдан жуда қулай шароит яратилиб, энг юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилади.

Осиёга солиштирилганда Африка ва Лотин Америкаси минтақаларида таклифнинг ўсиши сезиларли бўлмади. Ушбу минтақада таклифнинг кўпайишига кўп омиллар таъсир қилди. Асосий омиллар – ушбу тармоққа катта инвестицияларнинг оқиб келиши ҳам хорижий, ҳам ички ҳукумат томонидан ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳамда юқори технология ва арзон хом-ашё ресурслари асосида ўртача нархлар бўйича сифатли товар чиқаришга эришишнинг рағбатлантирилиши ҳисобланади.

Ислоҳ қилинаётган бозорлар МДХ мамлакатларини қамраб олган Шарқий Европа ва Евроосиёдир. Ушбу минтақани кўриб чиқишда қуйидаги маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Фермер хўжалиklarини шакллантиришнинг дастлабки босқичида аксарият уларда ер майдони ҳажмининг кичиклиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига ва барқарор фойда олишга тўсқинлик қилади. Иқтисодий аҳволи ночор бўлган бундай фермер хўжалиklари ўзларини зарур техника воситалари ва айланма маблағ билан таъминлашга, банкдан кредит олиш учун гаров таъминоти қўйишга имконияти етмади, олинган қарз мажбуриятларини қоплаш учун тўловга қобиллик (ликвидлик) даражасига эга бўлмади. Энг муҳими, улар ўз харажатларини ўзи қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадларини муттасил ошириб бориш сингари бозор иқтисодиёти тамойилларига мос бўлиб тушмади.

Инвестицияларни жалб этишга қулай шарт-шароитлар яратилаётгани, давлат капитал қўйилмаларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича бир қатор ишларни амалга оширмакда. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиklари томонидан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 2016 йилда 259836,1 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,4 фоизга камайган бўлса, 2021 йилда 1968782,9 млн. сўмни ташкил этиб, 37,3 фоизга ошган. 2021 йилда 2016 йилга нисбатан 1708946,8 млн. сўмга ошган (13-иловага қаранг).

Хулоса қилиб айтганда, хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этишга, улардан мақсадли равишда фойдаланишга бўлган талаб кучайгани ҳолда, Ҳукуматимиз аграр соҳанинг барқарор суръатлар билан ривожланиши учун ёрдам бериб келмакда. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжалиklarини иқтисодий хавф-хатардан сақлаш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- фермер хўжалиги ялпи ишлаб чиқаришини юқори даражага кўтариш учун яқка тартибда фаолият юритаётган ишлаб чиқарувчиларнинг таъсирини кучайтириш;

- фермер хўжаликларига юқори самара билан фаолият юритишлари учун амалий жиҳатдан кўмак бериш;
- фермер хўжаликларининг ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий асосларини мустаҳкамлашда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- фермер хўжаликлари аъзоларининг турмуш тарзини ошириш ва моддий фаровонлигини оширишнинг муҳим омилига айлантириш;
- истеъмол бозорларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи маҳсулотларига бўлган талабни қондириш;
- мамлакатимиз ҳудудларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи учун импорт ўрнини қоплайдиган маҳсулотлар ҳажмини оширишдан иборат.

4.2. Фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини “Holt Winter seasonal” модели орқали 2022-2026 йилларга прогнозлаштириш

Республикамиз қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида иқтисодиётни модернизация қилиш бозор тамойилларини жорий этиш, маҳсулотни етиштириш ва сотиш жараёнларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлашни тақозо этмоқда. Ҳозирги кундаги асосий вазифа тармоқда рақобат муҳитини шакллантириш, ички ва ташқи бозорларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи маҳсулотларини сотишнинг самарали механизмларини кенг жорий қилиш бозор муносабатларини ривожлантириш жараёнидаги устувор вазифалардан ҳисобланади.

Силлиқлаш методлари даражалар асосида белгиланади, даража 0 дан 1 гача бўлади. Илмий тадқиқотларда силлиқлашнинг уч тури кенг қўлланилади, булар экпонициал силлиқлаш, Double экпонициал силлиқлаш, Holt Winter seasonal силлиқлаш турларидир.

Экпонициал силлиқлаш методида фақат α қатнашиб, методнинг силлиқлаш даражасини белгилайди, бу метод қуйидагича ифодаланади:

$$\hat{x} = \alpha x_t + \alpha(1 - \alpha)x_{t-1} + \alpha(1 - \alpha)^2 x_{t-2} + \dots$$

Double экспоненциал силлиқлаш, “Holt Winter seasonal” силлиқлаш турлари ҳам худди шундай тарзда ифодаланеди.

(2) тенгламани (t-1) билан ёзиб, икки томонини (1- α)га кўпайтирсак куйидаги тенглама ҳосил бўлади:

$$(1 - \alpha)\widehat{x}_{t-1} = \alpha(1 - \alpha)x_{t-1} + \alpha(1 - \alpha)^2x_{t-2} + \alpha(1 - \alpha)^3x_{t-3} + \dots$$

(3) тенгламадан иккинчи тенгламани мослаб айириб, куйидаги тенгламани ҳосил қиламиз:

$$\widehat{x}_t = (1 - \alpha)\widehat{x}_{t-1} + \alpha x_t \quad 0 < \alpha < 1$$

Ушбу тенглама экспоненциал силлиқлашнинг якуний тенгламаси бўлиб, \widehat{x}_t прогноз қийматларини, x_t ҳақиқий даражасидир.

Double экспоненциал силлиқлаш моделида силлиқлаш даражаси билан бирга тренд даражаси ҳам қўшилади. Прогноз қилаётган кўрсаткич трендга интилганда Double экспоненциал силлиқлаш моделини қўллаш ўринлидир.

$$\overline{x}_t = (1 - \alpha)(\overline{x}_{t-1} + T_{t-1}) + \alpha x_t \quad (0 < \alpha < 1)$$

$$T_t = (1 - \beta)T_{t-1} + \beta(\overline{x}_t - \overline{x}_{t-1}) \quad (0 < \beta < 1)$$

“Holt Winter seasonal” силлиқлаш модели эса куйидагича аниқланади.

$$\overline{x}_t = (1 - \alpha)(\overline{x}_{t-1} + T_{t-1}) + \alpha \frac{x_t}{F_{1-x}} \quad (0 < \alpha < 1)$$


$$T_t = (1 - \beta)T_{t-1} + \beta(\overline{x}_t - \overline{x}_{t-1}) \quad (0 < \beta < 1)$$

$$F_t = (1 - \gamma)F_{t-1} + \gamma \frac{x_t}{\overline{x}_t} \quad (0 < \gamma < 1)$$

Бунда α тренд даражасини, β тренд даражасини, γ мавсумийлик даражасини англатади. Агар тадқиқ қилинаётган кўрсаткичда тренд, мавсумийлик мавжуд бўлса, “Holt Winter seasonal” силлиқлаш модели энг мақбул, шундай бўлса ҳам биз аввал таъкидлаганимиздек учта тренд модели ва битта силлиқлаш методидан фойдаланиб, уларни хатоликларини MAPE, MAD ва MSD орқали таққослаб, энг оптимал моделни танлаймиз ҳамда шу модел асосида прогноз қийматларини ишлаб чиқамиз.

Прогноз сценариялари асосида фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқаришини “Holt Winter seasonal” силлиқлаш модели орқали 2022-2026 йиллар бўйича прогнози⁸²

| Йиллар | Пессемистик прогноз млрд. сўм | Ўртача прогноз млрд. сўм | Оптимистик прогноз млрд. сўм |
|--------|-------------------------------|--------------------------|------------------------------|
| 2022 | 84391 | 92277 | 100163 |
| 2023 | 101419 | 110109 | 118798 |
| 2024 | 104699 | 114358 | 124016 |
| 2025 | 122894 | 133640 | 144387 |
| 2026 | 124516 | 136438 | 148360 |



4.1-диаграмма. Фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқаришини “Holt Winter seasonal” силлиқлаш модели орқали 2022-2026 йиллар бўйича прогнози⁸³

Фермер хўжаликларини ялпи ишлаб чиқариш ҳажми “Holt Winter seasonal” силлиқлаш модели орқали 2022-2026 йилларга прогноз қилиниши натижасида унга таъсир этувчи омиллар асосида бир неча вариантдаги прогноз сценарийлари ишлаб чиқилди. Натижада прогноз сценариялари асосида 2026 йилда фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариши ҳажми пессемистик прогноз бўйича 124516 млрд. сўмни, ўртача прогноз бўйича 136438 млрд. сўмни, оптимистик прогноз бўйича 148360 млрд. сўмни ташкил этганлиги аниқланган (4.1-диаграмма).

⁸² Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари натижаси асосида тузилган.

⁸³ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари натижаси асосида тузилган.

Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида рақобат муҳитини шаклланиши ва ривожланишида давлатнинг вазифалари ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-экологик ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириб бориш, фермер хўжаликлариغا хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектларини ривожлантиришга хизмат қилишдан иборат.

Мамлакатни модернизация қилиш босқичида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи маҳсулотлари етиштиришда асосий кўрсаткич уни юқори нархларда сотиш ва шу асосда маҳсулотни бозор (харидор) талабига қараб етиштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Фермерлар бозор иқтисодиётига ўтиш даврида асосий эътиборни маҳсулот маркетингини ривожлантиришга қаратилиши кераклигини тобора чуқурроқ тушуниб етмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулот рақобатбардошлигини оширишни талаб қилади.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бўйича тегишли бандларида белгиланган вазифаларга доир амалга оширилиши кўзда тутилган Сирдарё вилояти ҳудудларида олиб борилган илмий тадқиқот иши жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Сирдарё вилоятидаги тижорат банклари томонидан бугунги кунда 532 мингдан ортиқ пластик карталар эмиссия қилинган бўлиб, тижорат банклари омборида 15 минг донадан ортиқ ON-LINE пластик карталар захираси мавжуд. Бундан ташқари тижорат банклари томонидан “СМС-банкнинг”, “Мобил-банкнинг”, “Интернет-банкнинг” хизмат турлари кенг йўлга қўйилган. Бу борада тижорат банклари томонидан муаммолар мавжуд эмас. Бироқ, пластик карталар орқали савдо қилинганда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари томонидан нархлар асоссиз равишда ошириш ҳолатлари учрамоқда. Шунингдек, вилоятнинг марказдан олисроқ ҳудудларида

терминаллар орқали тўловларни амалга оширишда, “СМС-банкнинг”, “Интернет-банкнинг”, “Мобил-банкнинг” хизмат турлари фойдаланишда алоқа сифатидаги узилишлар каби муаммолар ҳам мавжуд.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги “2015-2017 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, замонавий хизмат кўрсатиш ва экотуризм объектларини барпо этиш дастури тўғрисида”ги 233-сонли қарори ижроси ҳамда туризмни ривожлантириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

3. “Сирдарё вилояти ҳудудидан ўтувчи магистрал автомобиль йўллари, Сирдарё дарёси ва мавжуд сув ҳавзалари бўйида истиқболли замонавий хизмат кўрсатиш объектларини барпо қилиш ва экотуризм зоналарини ташкил этишнинг манзилли дастури”га мувофиқ туризм зонасини яратиш мақсадида 60 та лойиҳалар яратиш белгиланган.

Ушбу лойиҳаларнинг бош режа ва дастлабки лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан жами 33,5 га ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинган. Лойиҳа институтлари томонидан муҳандислик қидирув-топография ва геология ишлари амалга оширилди.

Инфратузилма ва сервис объектларини қуриш учун вилоят ҳудудидан ўтувчи маҳаллий ва магистрал автомобиль йўли бўйидан 23 та объектга, замонавий дам олиш масканлари қуриш учун Сирдарё дарёси бўйидан 11 та, Гулистон шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи “Дўстлик” канали бўйида 5 та, Ширин шаҳар “Жанубий Мирзачўл” канали бўйида 1 та, Сардоба сув омбори ҳудудида 20 та объектларга ер майдонлари ажратиб берилди.

4. Оқолтин туманини маҳаллий бюджетларининг даромад базасини кенгайтириш ҳамда босқичма-босқич субвенциядан чиқариш бўйича дастур ишлаб чиқилган.

Бунга кўра:

- янги қурилган ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ҳамда

модернизация қилиш ҳисобига 829 млн. сўм;

- фаолият кўрсатмаётган корхоналарни соғломлаштириш ҳисобига-73 млн. сўм;

- давлат мулкани хусусийлаштириш ҳисобига 4 млн. сўмга;

- солиқ тўловчиларни тўлиқ камраб олиш ҳисобига 303 млн. сўмга;

- боқиманда қарздорликларни ундириш ҳисобига 1550 млн. сўмга;

- солиқ тўловчиларни қайта рўйхатдан ўтказиш ҳисобига 9000 млн. сўм маблағларни ундириш ҳисобига маҳаллий бюджет даромадларидаги субвенция миқдори камайтиради.

2017-2018 йилларда туманни комплекс ривожлантириш дастуридаги амалга ошириш мақсадида умумий қиймати 100207 млн. сўмлик 89 та лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ қилинмоқда. Ҳозирги кунда, мазкур лойиҳаларнинг 28 таси амалга ошган бўлиб, қиймати 3 948 млн. сўм маблағлар ўзлаштирилган. Шундан ўз маблағлари ҳисобидан 2 123 млн. сўм ва тижорат банклари томонидан 1 825 млн. сўм кредит маблағлари ажратилган. Ҳамда мазкур лойиҳаларнинг амалга ошиши натижасида 144 та янги иш ўринлари яратилди.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун туман ҳокимининг 2017 йил 27 апрелда 685-сонли қарори билан Сардоба СИУ ҳудудидаги 219 -контурдан 8,5 гектар ер майдони ажратилган. Лойиҳанинг қиймати 20 000 млн. сўм бўлиб, шундан ўз маблағлари 10 000 млн. сўм ва банк кредити 10 000 млн. сўмни ташкил этади ҳамда Миллий банк томонидан молиялаштирилади. Лойиҳа амалга ошиши натижасида 30 та янги иш ўринлари яратилиши мўлжалланмоқда. Лойиҳа ташаббускори томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қурилиш ишлари бошланган бўлиб, банк томонидан ҳам 5 734 млн. сўм кредит маблағи ажратилган.

5. Боёвут туманида 25 нафар чорвачилик фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, “Ахмадий” фермер хўжалиги томонидан Германия давлатидан 62 бош Швец зотли моллар олиб келиниб парваришланмоқда. Тумандаги “Ҳақберди самараси” фермер хўжалиги 2015 йилда Россия давлатидан олиб

келинган 100 бош Сегментал зотли молларни наслини кўпайтирилмоқда. Туманимизда ушбу соҳаларга қулай шарт-шароитлар яратиш учун чорва бош сонига нисбатан етарли ер майдони, чорвачилик фермаларини кенгайтириш яъни бугунги кун талабига жавоб берадиган замонавий чорва комплекслари куриш учун туман тижорат банклари томонидан керак бўлган кредит маблағларини ажратиб бериш керак.

6. Бугунги кунга келиб ҳукуратимиз томонидан қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, соҳани барча йўналишларини бир хилда босқичма босқич ривожлантириш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилиб келиниши натижасида соҳада, жумладан, пахтачилик ва ғаллачиликда юқори ҳосилдорликка эришаётган фермер хўжаликларини сони кундан-кунга ортиб бормоқда, бундан ташқари чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик йўналишларида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришларга, маҳсулот турини кўпайиши сифатини яхшиланиши таннархини арзонлашишига эришилмоқда.

Соҳани сифатли юқори ҳосилли уруғлар, минерал ўғит ва ёнилғи мойлаш маҳсулотлари, тижорат банклари томонидан ажратилаётган давлат эҳтиёжлари учун хом ашё етиштиришни имтиёзли равишда кредитлаш тизимларини янада яхшилаш каби ислоҳотлар жадал олиб борилмоқда.

Шунинг билан бирга, соҳани жадал ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор муаммолар мавжуд, жумладан, қишлоқ хўжалиги техникаларини етишмовчилиги, пахта ва ғалла зараркунандаларига қарши курашишда биомаҳсулотларни етишмовчилиги, кўп тармоқлиликни ривожлантиришда имтиёзли кредитларни ажратилишида тижорат банкларини сусткашлиги, гаров таъминотини етишмаслиги, сув таъминоти ва электр энергиядаги узилишлар, алмашлаб экишни йўлга қўйилмаганлиги, хўжаликларнинг ички ариқ зовурларини ўз вақтида таъмирлаш учун фермер хўжаликларининг маблағларини етишмаслиги каби бир қатор муаммолар ҳали ўз ечимини топмаган.

Сирдарё вилояти иқтисодиётини янада ривожлантириш учун қуйидаги таклифлар ва тавсиялар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш керак ҳамда улар томонидан аҳолининг кенг қатлами орасида сўровнома ўтказиш ташкил қилиб, ушбу ўтказиладиган сўровноманинг юридик мақомини янада кучайтириш, шунингдек, сўровнома натижаларига асосан кўпроқ муаммога дуч келинаётган хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи бўйича назоратни кучайтириш чораларини кўриш. Савдо-сотик билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларини текшириш ўтказмасдан ўрганишни ўтказиш мақсадга мувофиқ.

2. Сирдарё вилояти ҳудудида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қуйидаги муаммолар вужудга келмоқда.

Жумладан:

Айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар ва сотилаётган маҳсулотлар банк пластик карточкаларига сотилганда нақд пулда сотилганига нисбатан қўшимча устамалар билан сотилаётганлиги ҳамда истеъмолчиларга сотилган маҳсулотларга сотилган ва кўрсатилган хизматлар учун савдо чеклари берилмаётганлиги кузатилмоқда.

Таклиф: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.02.2017 йилдаги “Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2777-сонли Қарори⁸⁴да белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолатлар юзасидан таъсир чораларини кучайтириш лозим.

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.02.2017 йилдаги “Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2777-сонли Қарори.

3. Коммунал соҳасида кўрсатиладиган хизматлар учун нореал қарздорликлар ҳисоблаш оқибатида истеъмолчилар томонидан кўплаб эътирозлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Таклиф: коммунал корхоналар томонидан кўрсатилган хизмат учун ҳақ олишда тўғри ҳисоб-китоб қилиш бўйича ходимларнинг маъсулиятини ошириш лозим.

4. Вилоят аҳолисига Интернет хизматларини кўрсатувчи кенг полосали қурилмаларнинг сифими 15,7 минг портга етказилган, улар орқали 12,1 минг абонентга хизмат кўрсатилмоқда. Бундан ташқари IPTV телевидение хизматидан фойдаланувчилар сони эса 3653 тани ташкил қилмоқда.

Қишлоқ ҳудудларда фойдаланувчиларга кенг полосали хизматларни етказиш мақсадида чекка ҳудудларда интернет портларини кенгайтириш лозим (яъни телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш).

5. Вилоятда 5 та мобиль алоқа операторлар (Beeline, Ucell, UMS, RWS, Uzmobility) томонидан ўрнатилган база станциялар сони 583 тага етказилган, 94 % мобиль қамровига эга. База станциялар 2G – 393 та, 3G-130 та, 4G-19 та, 1X-17 та, EVDO-24 тани ташкил этади.

Ҳозирда мобиль алоқа фойдаланувчилар сони 589,5 мингтани ташкил этмоқда. Вилоятда юқори тезликдаги интернет сифатини янада яхшилаш мақсадида вилоятда мавжуд мобиль алоқа операторлари томонидан 3G-4G стандартдаги база станцияларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

6. Кейинги 3 йил мобайнида вилоятда гўшт-сут ишлаб чиқариш ўртача 18 фоизга, тухум ишлаб чиқариш 38 фоизга ва балиқ етиштириш 46 фоизга ўсган. Амалда оширилган ишлар натижасида бугунги кунда вилоят аҳолисининг чорвачилик маҳсулотлари, жумладан, гўшт, сут ва тухумга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлашга эришилди.

Вилоятда 2017 йилнинг 1-ярим йиллигида тижорат банклари томонидан 59 та лойиҳага 12,1 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган. **Жумладан:** қорамолчилик бўйича 38 та лойиҳага 4 112 млн. сўм,

паррандачилик бўйича 7 та лойиҳага 6 154 млн. сўм, балиқчилик бўйича 10 та лойиҳага 1 772 млн. сўм, асаларичилик бўйича 3 та лойиҳага 55 млн. сўм ва қуёнчилик бўйича 1 та лойиҳага 10 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Лойиҳаларда 782 бош қорамол, 187 минг бош парранда, 150 та асалари оиласи парваришlash ташкил қилинган ҳамда 220 гектар сунъий балиқчилик ҳавзалари чавоқлантирилди.

Бугунги кунга келиб амалга оширилган 59 та лойиҳаларда жами 18,1 млрд. сўм миқдоридан маблағлар ўзлаштирилиши натижасида 214 та янги иш ўринлари яратилди.

1. Амалга ошириладиган 21 та лойиҳаларга 31,0 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилишини жадаллаштириш ва 1 сентябрга қадар тўлиқ ажратиш.

2. Четдан насли қорамол (эчки) олиб келадиган лойиҳаларнинг маблағларини, жумладан, “Инзим-текс” ҚКнинг Германия давлатидан 660 бош зотли эчки сотиб олиш бўйича ҳамда Туркия давлатидан жиҳоз сотиб олиш бўйича корхонанинг АТИБ “Ипотекабанк” Сирдарё вилояти филиалидаги ҳисобидаги 1798,0 млн. сўм маблағларини конвертация қилишда кўмаклашиш.

3. Вилоятда сунъий уруғлантириш тадбирлари кўламини ошириш мақсадида ташкил этилган “Файз насл сервис” МЧЖга насли буқа уруғлари ва азотни шохобчаларга тарқатиш ҳамда ҳалқа усулида сунъий уруғлантиришни жорий этиш учун 2 дона “Дамас” автомобилни банк кредити асосида ажратиш;

4. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар томонидан етиштирилаётган маҳсулотлар (гўшт, сут, тухум) таннархини арзонлаштириш учун уларга ажратилаётган ЁММ ва минерал ўғитларни пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари каби имтиёзли нархларда ажратиш;

5. Ҳосилдорлиги ва балл бонитети паст, кучли шўрланган, мелиоратив аҳволи ҳамда сув таъминоти оғир ер майдонларида чорва озукаси (беда пичани ва сенажи, маккажўхори силоси, оралик экинлар) етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ушбу фермер хўжаликларига пахта ва ғалла экинлари жойлаштирилмаслиги (4-5 йил) зарур.

6. Вилоятда оралик экинлар (тритикале, озукабоп нўхат, кенг баргли сули ва арпа)нинг сифатли кафолатланган уруғлари етишмаслигини бартараф қилиш мақсадида барча туманларда оралик экинлар уруғини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлар ташкил этиш зарур.

7. Чорвачилик фермер хўжаликларида етиштирилган озуқа экинларини ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш учун уларга юқори унумли озуқа ўриш комбайнларини имтиёзли нархларда лизинг асосида ажратилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда саноатни хом ашё билан таъминлашда муҳим ўрин эгаллаб, бу соҳада охириги йилларда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг самараси ҳамда белгиланган чора-тадбирларнинг оғишмай амалга оширилиши натижасида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланиб келинмоқда.

Бу ҳолат республикада хом-ашё, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бевосита аграр соҳанинг равнақи, унга хизмат кўрсатувчи, яъни қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи, тармоқдаги машина-трактор ва бошқа техникаларни таъмирловчи, хўжалик объектларини қурувчи, ирригация-мелиорация ва кимё, транспорт хизматларини бажарувчи тармоқлар фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича МДХ давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Лекин, қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, қадоклаш бўйича фаолият кўрсатувчи корхоналар етишмаётгани қишлоқ

меҳнаткашлари бандлигини оширишга тўсиқ бўлмақда. Шу сабабли ишчи кучига талабни оширишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, харид қилиш, агросервис, агрокимё хизмати кўрсатиши бўйича иш жойларини яратиш, аграр сектордаги ишдан вақтинча бўшаётган шахслар учун мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қайта таъмирлаш ҳамда янги иш жойларини очиш тўғридан-тўғри ички ва ташқи инвестициялар ҳажмини кўпайтиришни рағбатлантиришнинг мақсадли йўли ҳисобланади.

Фермер хўжалигида рақобат муҳитини шаклланиши ва ривожланишига таъсир этаётган кўрсаткичлар ва омилларни аниқлаб олиш ҳамда ҳар бир индикатор ва омилнинг ушбу муҳит шаклланишига таъсир этиш даражаси ва имкониятини ҳисобга олиш зарурдир.

Иқтисодийни модернизация қилиш босқичида фермер хўжалигида рақобат муҳитини шакллантириш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мукамал эмаслиги маҳсулот етиштирувчилар ўртасидаги рақобатга салбий таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлиб саналмоқда.

Амалиётда фермер хўжаликлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, фикримизча, ахборот билан таъминланганлик даражасини пастлиги хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини ривожланмаганлиги билан боғлиқдир. Ушбу монопол вазиятни олдини олиш мақсадида улар билан рақобатлашувчи хусусий хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш давлат томонидан амалга оширилиши лозим.

Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш, сотиш ва хизмат кўрсатиш тизимларида рақобатлашув жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ва амалиётга жорий этиб боришни тақозо этмоқда.

Бу тармоқда рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш вазифасини келтириб чиқармоқда:

- Фермер хўжалигида рақобат муҳитини шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар ушбу муҳитга таъсир этиш даражаси

ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий йўналишларда тизимлаштирилиши зарур;

- Республикамиз қишлоқ хўжалигида тажриба сифатида айрим фермер хўжаликларида синаб кўрилган давлат буюртмасидан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёсидан чиққан пахта толасини биржа орқали сотиш хўжаликлар ўртасида рақобатлашув жараёнларини шаклланишига ижобий таъсир этди. Натижада амалиётда фермер хўжаликлари ўртасида рақобат қилишга шарт-шароитлар яратилиши, бу ҳолат республика миқёсидаги шароити оғир, балл бонитети паст фермер хўжаликларда ушбу тизимни йўлга қўйиш лозимлигини тақозо этмоқда;

- Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида, маркетинг олдида турган муҳим вазифа маҳсулотни сотишни қандай йўл билан амалга ошириш кераклигини ҳал қилиш, янги бозорларга кириб бориш, маҳсулот сифати, реклама ҳисобига маҳсулот етиштирувчини зарур ахборот билан таъминлаб бориш зарур.

Фермер хўжалигида рақобат муҳитининг иқтисодий асосларини такомиллаштиришда нарх, молия-кредит сиёсати, солиқ, суғурта, божхона, инфратузилмаларни мувофиқлаштириб борилиши тармоқда фаолият кўрсатаётган маҳсулот етиштирувчи хўжаликлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини ривожланишига ва улар иқтисодий самарадорликлари ошиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

4.3. Фермер хўжалиklarининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини статистик баҳолаш ушбу услубиятини такомиллаштириш

Фермер хўжаликлари фаолиятини дала тарафидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш зарурати давлатнинг олдида бир қатор вазифаларни қўяди. 2004 йил 26 августда қабул қилинган Янги таҳрирдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунда давлатнинг фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш бўйича асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий маиший аҳамиятга молик объектлари бўлмаган ҳудудда фермер хўжаликлари ташкил этиш учун ободонлаштириш;

- уларга ишлаб чиқариш объектлари ва турар жойларни барпо этишда ёрдам кўрсатиш;

- фермер хўжалиги учун керакли мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда юридик ва жисмоний шахслардан олишда кўмаклашиш;

- навли уруғ ва қишлоқ хўжалик экинларининг кўчат материалларини органик ва минерал ўғитларни, қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш юзасидан давлат тегишли агротехник хизмат кўрсатиш тизимлари орқали техникавий хизмат кўрсатиш;

- қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуналари ва ашё-анжомларини лизинг асосида олишда кўмаклашиш;

- чорва моллар ва паррандалар боқиш учун шартнома асосида аралаш озуқа ажратиш ёки чорва моллари ва паррандалар зотдор қорамоллар олишда кўмаклашиш;

- чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатиш учун зарур шароитлар яратиб бериш;

- етиштирган маҳсулотларни тайёрлаш ва сотишда кўмаклашиш;

- консалтинг ва ахборот хизматлари кўрсатиш.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришини таҳлил этиш асосида уларнинг қуйидаги йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

ердан фойдаланиш муносабатларидаги ислоҳотлар;

сув ва сувдан фойдаланиш муносабатларидаги ислоҳотлар;

мулкий ва таркибий муносабатлардаги ислоҳотлар;

молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимларидаги ислоҳотлар;

нарх-наво ва уни эркинлаштириш тизимидаги ислоҳотлар.

Республикаимиз кишлок хўжалигида амалга оширилган ер ва сув ислохотлари ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, ер ижараси ва ер солиғи муносабатларини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Ер-сув ислохотлари доирасида амалга оширилаётган устувор йўналишлардан бири – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга оширишдир. Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригацион-мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 %га, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 %га паст бўлиши аниқланган.

Ер-сув ислохотлари доирасида аграр тармоқда сувдан самарали фойдаланиш борасида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан:

ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-худудий тамойилидан ҳавза тамойилига ўтказилди;

республика бўйича 10 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва 1 та Фарғона водийси бўйича бирлаштирилган диспетчерлик марказига эга бўлган магистрал каналлари тизими бошқармаси ташкил этилди;

фермер хўжаликларига сувдан фойдаланишни самарали йўлга қўйиш ва бу борада хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилди.

Шу билан биргаликда бугунги кунда жаҳон бозорида пахта толаси нархларининг бир мунча юқори эканлигини инобатга олган ҳолда нарх бўйича юзага келган ижобий фарқнинг 25 фоизини фермер хўжаликларига тўлаб бериш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлат томонидан сотиб олинаётган ғалла нархларини эса минтақавий бозорлардаги нархлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий

этилган. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нархлари бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда шартнома асосида белгиланади.

Шуларни ҳисобга олиб, республикада янги фермер хўжаликлари ташкил этиш, уларга ер ресурслари ажратиш жараёнлари узлуксиз давом этмоқда ва бу фермер хўжаликлари меҳнатга қобилиятли қишлоқ аҳолисининг ишлашга жалб этиш имконини кенгайтиради.

Бутун Марказий Осиёда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам иккита энг йирик дарё – Амударё ва Сирдарёдаги сув миқдорига боғлиқ. Суғориш учун мўлжалланган сувлар ҳар доим қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва ушбу минтақада жойлашган барча давлатлар аҳолисининг даромадларини таъминлашнинг асоси бўлиб келган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг ўзида суғориладиган ерларда деҳқончилик учун сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада оширишни талаб қилади. Суғориш мақсадларида ҳаддан ортиқ сув сарфининг асосий сабабларидан бири – магистрал каналлар, ички хўжалик тармоқлари ва бевосита далаларни суғоришда катта миқдордаги фильтрацион йўқотишлар ҳисобланади. Каналлар узунлигининг фақат 35 фоизида фильтрацияга қарши қоплама мавжуд. Хўжаликлараро ва магистрал 15 минг км. дан ортиқ каналларни (барча каналларнинг 60 фоизи) қайта таъмирлаш талаб этилади.

Ҳар йили амалга ошириладиган коллектор-дренаж тизимларини тозалаш ишлари барча эҳтиёжларнинг 60-65 фоизини ташкил қилади. Кўпчилик минтақаларда бюджетдан ёпиқ дренаж тизимларини тозалаш учун моливий ресурсларни ажратилиши етарли эмас.

Бундан ташқари, сувни тежаш технологияларидан фойдаланиш даражасининг пастлиги суғориш учун олинадиган сув миқдорининг 10-15 фоизга ошишига олиб келади.

Сув истеъмолининг юқорилигини белгилаб берувчи бошқа яна бир омил – ер ости сувларининг юқорига кўтарилиши, суғориш учун дренаж сувларидан фойдаланиш ва бошқа омиллар туфайли ерларнинг иккиламчи

шўрланиши ҳисобланади. Бунинг натижасида шўрланган ерларнинг шўрини ювиш учун катта миқдорда сув сарфи талаб этилади, бу далаларда фойдаланилган сувларнинг 20 фоизидан ортиғини ташкил этади.

Суғориш учун ноишлаб чиқариш йўқотишларнинг яна бир тури – бу энергия истеъмоли харажатларининг юқорилигидир. Суғориш учун мўлжалланган сувнинг катта қисми кўп ҳолларда қайта таъмирлаш ва модернизациялашга эҳтиёж сезаётган электр насос қурилмалари ёрдамида олинади. Эскирган асбоб-ускуналар, электр энергиясини замонавий ускуналарга нисбатан 5-25 фоиз кўпроқ истеъмол қилади. Бундан ташқари, энергия таъминоти ва сув етказишнинг барқарор эмаслиги, магистрал каналларда сув даражасининг пасайиши натижасида насосларнинг фойдали иш коэффициентлари жуда паст бўлиб келмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, биринчи навбатда, мелиорация ва сув хўжалик объектларини модернизациялаш учун катта молиявий ресурслар киритилишига эҳтиёж сезмоқда. Акс ҳолда ҳосилдорлик ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерлар самарадорлигининг пасайиши эҳтимоли юқорилигича сақланиб қолади.

Умуман, республикада фермер хўжаликларга ер бериш, улар фаолиятини ташкил этиш бўйича кўрилган чора тадбирлар, уларни янги хўжалик юритувчилар сифатида республика аграр иқтисодиётидаги ўрни ва ролини янада мустақкамлайди. Бунга энг аввало ер, сув ва меҳнат ресурслари тўла ва унумли фойдаланиш орқали эришилмоқда дейиш ўринлидир.

Ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар узвий равишда ўзаро боғланишга эгадир. Ушбу боғланиш ижтимоий ҳаётдаги барча ҳодисалар ва уларнинг белгилари ўзаро бир-бирига узлуксиз таъсир қилишида ифодаланади. Шу сабабли ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда белгилар ўртасидаги боғланишни аниқлаш катта аҳамиятга эгадир.

Фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини оширишда экин майдонларининг умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши ва ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони ўзаро бир-бирига

узлуксиз таъсир қилади. Шу сабабли, фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ўрганишда улар ўртасидаги боғланишни аниқлаш катта аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг истиқболлини белгилашда юқорида кўрсатилган омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги энг муҳим йўналишларга эътибор қаратиш лозим:

1. Фермер хўжаликларини ривожлантириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хўжалик юритиш шакллари ва мулкый муносабатларни такомиллаштириш бўйича субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни бозор шароити тамойилларига асосланган ҳолда амалга ошириш, шартнома мажбуриятларининг бажарилишида томонлар маъсулиятини ошириш.

2. Аграр соҳада ердан унумли фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ва рентабелли фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерларининг тупроқ унумдорлигини ошириш, балл-бонитети паст ер майдонлари улушини камайтириш. Ушбу мақсадда ўз маблағлари ҳисобидан ирригация-мелиорация тадбирларини амалга оширган фермерларни иқтисодий рағбатлантириш механизмининг жорий этиши.

3. Фермер хўжаликларига техникани, насли чорва молларини, эҳтиёт қисмларни, уруғлик ва кўчатларни, илғор замонавий ускуналарни, дори-дармонни, кимёвий препаратларни импорт қилаётганда солиқ ва божхона учун имтиёзларни янада кенгайтириш;

4. Қишлоқ жойларида саноат ривожланиши учун солиқ имтиёзлари ва давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ишларини амалга ошириш.

Фермер хўжаликлари фаолиятини статистик таҳлил қилиш, уларнинг ишларини яхшилаш, самарадорлигини ошириш муҳим омил бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Фермер хўжаликлари фаолиятини статистик баҳолаш фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига моддий, меҳнат

ресурсларидан самарали фойдаланишни аниқлашга ёрдам беради, фойдаланилмаётган ресурсларни аниқланган ҳолда, фермер хўжаликларининг истиқболда ривожланиши учун зарур таклиф ва тавсияларни беришга имконият беради.

Аграр соҳани бозор иқтисодиёти шароитларига ўтказиш билан, фермер хўжаликлари фаолиятини статистик баҳолашнинг аҳамияти янада ортади, чунки бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқаришга жорий этилмаган ресурсларни аниқлашда ва улардан самарали фойдаланишда куйидагиларга кўпроқ эътибор қаратишимиз зарурлигини кўрсатади:

1. Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида фермер хўжаликлари фаолиятининг молиявий натижалари, фойда ва рентабеллигини асосий кўрсаткичларга айлантириш, улар тўғрисидаги статистик маълумотларни шаффоф ва очиқ ҳолда бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Аграр соҳани ривожлантиришда режалаштириш ва бошқариш тизимидан воз кечиш, бозор иқтисодиёти муносабатларидан кенг фойдаланиш, фермер хўжаликларининг молиявий мустақиллигини кенгайтиради, уларнинг молиявий натижаларига эътиборни оширади ҳамда фермер хўжаликларининг молиявий аҳволи билан шуғулланувчи манфаатдор ташкилот ва идораларнинг таркибини кенгайтириш лозим.

3. Агар илгари фермер хўжаликларининг фаолияти самарадорлигини, молиявий ҳолатини статистик таҳлил қилиш, баҳолаш билан фақат статистика идоралари шуғулланган бўлсалар, эндиликда бу иш билан статистика идораларидан ташқари солиқ идоралари, аудиторлик фирмалари, акционерлик ташкилотлари, таъминотчилар, истеъмолчилар ҳам шуғулланиши зарур.

Бу ҳолат фермер хўжаликлари фаолиятини статистик баҳолаш ва унинг усулларини такомиллаштириш учун янги талаблар жорий этиш заруриятини яратмоқда. Бизга маълумки, собиқ иттифоқ даврида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини статистик таҳлил қилиш, корхоналарнинг молиявий ҳолатини статистик баҳолашнинг услубий масалалари собиқ

иттифоқ идоралари томонидан ишлаб чиқилган, муаммолари ечилган ва собиқ иттифоқдош республикаларга фойдаланиш учун жўнатилган эди.

Собиқ иттифоқнинг тугатилиши натижасида иттифоқдош республикалар мустақилликка эришган ҳолда, уларнинг ҳар бири бозор муносабатларига ўтиш учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини давом эттириб, бозор иқтисодиёти шароитига мослашишди. Уларнинг орасида Ўзбекистон Республикаси ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш моделини ишлаб чиқиб, миллий иқтисодиётни бозор муносабатлари шароитига мослаштирган ҳолда ижобий натижаларга эришмоқда.

Республикамизда амалга оширилиб келинаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари сифатида бошқарув тизимини такомиллаштиришни олишимиз мумкин. Ушбу масalani ижобий жиҳатдан ҳал қилишда фермер хўжаликлари фаолиятини статистик баҳолаш услубиятини такомиллаштириш муҳим роль ўйнайди. Чунки, фермер хўжаликлари фаолиятининг самадорлигини статистик жиҳатдан баҳолаш бошқарув тизимини самарадорлигини юқори даражага оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёт муносабатларига ўтиш даврида бу омилнинг асосий қисми бўлиб, фермер хўжаликлари фаолиятини статистик таҳлил қилиш услубларини такомиллаштириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари фаолияти тўғрисида янги электрон ҳисобот шакллари жорий қилинди ва улардан самарали фойдаланиш услубларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор муносабатлари шароитида мамлакатимизда фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш механизмларини статистик баҳолаш услубиятини такомиллаштириш учун амалий аҳамиятга эга бўлган ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, бу борада ечимини топмаган муаммолар мавжудлигича қолмоқда. Статистик баҳолашни ўтказишдан манфаатдор идоралар ва мутахассислар илмий, амалий жиҳатдан асосланган услубият билан таъминланмаган. Ушбу ҳолат бозор иқтисодиёти

муносабатларини шакллантириш шароитида фермер хўжаликларининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини статистик баҳолаш усулларини такомиллаштиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Таҳлилнинг тўлалиги ва ҳар томонлама яна иқтисодий ахборотларни тўлалигидан иборат. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, статистик ҳисоб ва ҳисоботи, тезкор ҳисоб ва ҳисоботи ҳамда бошқа ҳисобга олинмаган маълумотлар ёрдамида турли мулк шаклидаги хўжаликларни молиявий-хўжалик ва тижорат фаолиятини ҳар томонлама, тўла таҳлил этишни тақозо этади:

а) объектив иқтисодий қонунлар ва субъектив тартиб омил таъсири остида иқтисодий жараёнларни ва улар орасидаги боғланишни ўрганиш ва текшириш;

б) бизнес - режаларни илмий асосланганлиги, уларни бажарилишини объектив баҳолаш;

в) ижобий ва салбий таъсир этувчи омилларни ва уларни таъсирини миқдор ўлчовларини аниқлаш;

г) хўжалик юретишни ривожланишдаги йўналишлар ва нисбатларни ҳисобга олган ҳолда ички имкониятларни аниқлаш;

д) илғор тажрибаларни умумлаштирилган ҳолда оптимал бошқарув масалаларини ҳал этиш.

Таҳлилдан манфаатдор ташкилот ва идоралар, мутахассислар, бозор муносабатлари шаклланаётган бугунги кун иқтисодий назариясига асосланиб, бугунги кундаги шаклланган таҳлил услубиятини, бу борадаги хорижий мамлакатларнинг тажрибасини эътиборга олиб, бозор иқтисодиёти талабларини кўзда тутиб, фермер хўжаликлари фаолиятини таҳлил қилишнинг комплекс услубиятини ишлаб чиқиш мақсадлари, тадбирларини ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

IV боб бўйича хулоса

Фермер хўжаликларининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини статистик баҳолаш усулларини такомиллаштириш – қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида фермер хўжаликларининг соғлом рақобат асосида ривожланиши учун ҳуқуқий-меъёрий база сифатида хизмат қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларининг фаолиятини юритиш, тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш имкониятини беради.

Фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий қўллаб-қувватлаш зарурияти, авваламбор, мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади.

Бозор иқтисодиёти шароитида статистик ахборотнинг роли ортиб боради, чунки бозор субъектлари ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама чуқурлашади, уларнинг фаолияти натижаларига ҳар хил омиллар таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, фермер хўжаликларини статистик тадқиқ қилиш учун ишончли статистик ахборот зарур бўлади. Бунда ишончли ахборотни шакллантириш учун статистик кузатишни ташкил этиш зарурияти пайдо бўлади.

Фермер хўжаликларини статистик ўрганишда статистик кузатишни танланма кузатиш шаклида ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки танланма кузатишни ташкил қилганда кам куч ва маблағ сарфланади. Бунда уни ташкил қилишда авваламбор, учта савол муҳим аҳамият касб этади: қанча фермер хўжаликлари танлаб олиш керак?; қандай қилиб фермер хўжаликлари танламасини шакллантириш керак?; танлама натижаларини бош тўпламга тарқатиш учун уни қандай баҳолаш керак?

Фермер хўжаликларини ифодаловчи кўрсаткичлар ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишларини ҳар томонлама статистик таҳлил қилиш, уларнинг туб моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш имкониятини беради. Сабаб-оқибат боғланишларини ўрганиш учун статистика амалиётида

корреляцион-регрессион таҳлил қўлланади. Хусусан, регрессион таҳлил амалий масалаларни ечишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки у натижавий кўрсаткичга таъсир этувчи омиллар ролини баҳолаш имконини беради. Бундан ташқари регрессион таҳлил ёрдамида келажак даврлар учун истиқбол миқдорларини аниқлаш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжалиklarининг иқтисодий кўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини статистик баҳолаш усулларини такомиллаштириш ўз олдига бир қатор вазифаларни қўяди:

- ишлаб чиқариш аҳамиятга эга объектлари бўлмаган худудларда фермер хўжалиklари ташкил этиш жараёнида ободонлаштириш ишларини статистик ўрганиш;

- уларга ишлаб чиқариш объектлари ва турар жойларни барпо этишда ёрдам кўрсатишни статистик баҳолаш;

- юқори ҳосил берадиган уруғ ва қишлоқ хўжалиги экинларининг кўчатларини, минерал ўғитларини, зараркунандалар ва касалликлардан химоя қилиш воситаларини етказиб бериш юзасидан давлат тегишли агротехник хизмат кўрсатиш тизимлари орқали техникавий хизмат кўрсатиш;

- қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускналари ва ашё-анжомларини лизинг асосида олишда кўмаклашиш;

- чорва моллар ва паррандалар боқиш учун шартнома асосида аралаш озуқа ажратиш ёки чорва моллари ва паррандалар, зотдор қорамоллар олишда кўмаклашиш.

Деҳқон бозорларини ўзаро кооперациялашувлари асосида тез бузиладиган маҳсулотларнинг қайта ишлаш цехларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сақлаш омборларини қуриш ёки ижарага олишни йўлга қўйиш катта аҳамият касб этмоқда. Чунки айти пайтда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омборларидан фойдаланиш даражаси жуда пастдир.

Умуман олганда, фермер хўжалиklари томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тайёрлов тизимини сустривожланаётганлигининг сабабларидан бири – дастлабки тайёрлов

корхоналарида энергоресурсларнинг нархининг ошиб бораётганлиги ва инвестиция оқимининг пасайиб бораётганлигидир.

Ривожланган мамлакатларининг замонавий тажрибаси шуни кўрсатадики, фермер хўжаликларининг маҳсулотлари реализациясини улгуржи савдо биржалари томонидан тузиладиган фьючерс шартномалари орқали амалга оширилиши самарали эканлигини кўрсатмоқда. Товар хом-ашё биржаларда тузилган шартномалар асосида фермер хўжаликлари маҳсулотларининг сотув ҳажмлари ўсиб бориши билан бирга бир қатор муаммоларни ҳам юзага келтирмоқда:

1. Моддий-техника ресурслари етказиб бериш билан шуғулланувчи корхоналарнинг туманлар миқёсида монопол якка ҳокимлиги (минерал ўғитлар ва ЁММ бўйича) ва улар томонидан таклиф этилаётган ресурслар баҳоларининг қимматлиги;

2. Янгидан ташкил топаётган кўпчилик фермерларнинг моддий ресурслар сотиб олиш учун ўз маблағлари етишмаслиги ва банклар томонидан айланма маблағларни тўлдиришга бериладиган қисқа муддатли кредитлар олиш шартларининг мураккаблиги;

3. Давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган ҳосили учун олдиндан бериладиган бўнак пулининг (транш) фермерлар томонидан мустақил ишлатиш имконияти йўқлиги;

4. Моддий-техника ресурслари бозорида кучли рақобат муҳити мавжуд эмаслиги.

Фермер хўжаликларининг бундан буён барқарор суръатлар билан ривожланиб боришига шарт-шароитлар яратиш учун республика миқёсида уларни техник воситалари билан таъминлаш борасида йирик тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Бунда энг аввало республиканинг ички имкониятларига кенг таянилган ҳолда, кичик ва ўрта қувватли тракторлар ҳамда машиналарни серияли ишлаб чиқариш долзарб масалага айланмоқда.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғини техника воситалари билан таъминлаш тизимини амалга ошириш жараёнида

куйидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. Ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган, синов техника воситалари тизимида кичик ҳажмли фермер хўжаликлари учун мўлжалланган тракторлар ва машиналар турларининг бўлиши.

2. Фермерлар учун мўлжалланган кичик ва ўрта қувватли тракторларни кўп жараёнларни бажаришга (универсал тракторлар) мослаштириш.

3. Техника воситаларининг нархларини арзонлаштириш имкониятларини қидириб топиш ва бунда, биринчи навбатда, давлатнинг кўмагига таяниш.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмларининг самарадорлик даражаси ўсишини тўхтовсиз таъминлаб туриш лозим. Шуларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда расмий статистикани тайёрловчилар, респондентлар ва ундан фойдаланувчилар, маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар ўртасида юзага келадиган расмий статистикани тайёрлаш, статистика бирликлари фаолиятининг статистика кузатишларини ўтказиш натижасида олинган бирламчи маълумотлардан статистик баҳолаш мақсадларида фойдаланиш, тарқатиш ҳамда мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлган муносабатларга нисбатан статистик татбиқ этилиши талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ресурслар билан таъминлаш ва ҳар хил турдаги сервис хизматлари кўрсатиш борасида юзага келган муаммоларни ҳал қилишнинг муқобил йўллари топиш, жумладан, статистика маълумотларининг сифати ва ишончлилигини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб, бўлиб ўтаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, жумладан, халқаро ташкилотларнинг махсус нашрлари ва маълумотлар базаларида ҳолис ва ишончли акс эттиришни таъминлаш давр тақозоси бўлиб қолмоқда.

08.00.06 – “Эконометрика ва статистика” ихтисослиги бўйича “Фермер хўжаликларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини статистик баҳолаш усулларини такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари мисолида)” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори (**DSc**) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация якунида қуйидаги хулосаларга келинди:

1) Фермер хўжаликлари бошлиқларининг юқори малакага эга бўлиши фермер хўжалигининг самарали фаолият кўрсатишида мустаҳкам омилдир. Лекин, республика шароитида аксарият фермер хўжаликларининг бошлиқлари қишлоқ хўжалигини мукамал даражада биладиган

мутахассислар етарли эмас. Чунки, республикаимиз худудларида бундай ходимларни танлаш имконияти доираси чекланган. Шунинчунда олган холда, ер майдонлари нисбатан катта, кишлок ахолиси зич жойлашмаган вилоятларда фермер хўжалиги раҳбарини ўқитиш ҳамда малакасини оширишга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

2) Фермер хўжаликларида маълумотлар олиш базаси ва статистик баҳолаш методологияси анкета-сўровномалари орқали такомиллаштириш натижасида фермер хўжаликлари барча иқтисодий ва статистик кўрсаткичларни очик, шаффоф эълон қилиш имконияти пайдо бўлган. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари бўйича статистик маълумотларни кўрсатувчи “Google format” дастурий таъминот учун алгоритм ишлаб чиқилиши натижасида фермер хўжалиklarини рўйхатга олиш методологияси амалиётга татбиқ этилди. Мамлакатимиз худудидаги фермер хўжаликлари анкета-сўровномаларида қатнашди ва улар фаолиятидаги аниқланган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

3) Фермер хўжаликлари даромадига таъсир этувчи омиллар таъсирини “Probit” ва “logit” моделлари асосида эконометрик моделлаштириш натижасида фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини комплекс статистик таҳлил қилиш методологияси яратилган.

“Probit” ва “logit” моделлари фермер хўжаликлари даромадига таъсир этувчи энг кучли ижобий омилларни таҳлили натижасида фермер хўжалигинингизда янги иш ўринлари яратилиши 1 фоизга ошганда даромад 0,91 фоизга, фермер хўжалиklarининг кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 1 гектарга тўғри келадиган ўртача ҳосилдорлиги 1 фоизга ошганда даромад 0,98 фоизга, фермерлик фаолияти юритиш учун ер олиш имкониятлари 1 фоизга ошганда, даромад 0,57 фоизга, фермер хўжаликларида бозор хизматларининг (консалтинг, маркетинг, аудит, мулкни баҳолаш, кредит бюрolari ва бошқалар) етарлилиги 1 фоизга ошганда,

даромад 0,58 фоизга, фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги ер майдони 1 фоизга ошганда даромад 1,29 фоизга ошганлиги аниқланган.

4) Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи 21 та омиллар бўйича “Panel data” дастури асосида эконометрик модель яратилган.

Фермер хўжаликлари сонининг ўзгариши ҳисобига *POLS модели* бўйича 0,0075 фоизга, *FDE модели* бўйича 0,0019 фоизга камайган, *REE модели* бўйича 0,0075 фоизга, *FEE модели* бўйича эса 0,0051 фоизга ошганлиги аниқланган.

5) Фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар “гипотезаси” услубияти логирифмланган қийматлар асосида яратилиши натижасида таъсир этувчи омиллар 1 фоизга ошганда фермер хўжаликлари ЯИЧ ҳажми Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ҳажми ҳисобига 0,88 фоизга ($\text{LnY} = -0,56 + 0,88 X_1$), асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ҳисобига 0,66 фоизга ($\text{LnY} = 3,18 + 0,66 X_2$), иқтисодиётда банд бўлганлар сони ҳисобига 9 мартага ($\text{LnY} = -75,74 + 9,04 X_3$), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҚҚ ҳисобига 0,94 фоизга ($\text{LnY} = -0,08 + 0,94 X_4$), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ҳисобига 0,83 фоизга ($\text{LnY} = 3,25 + 0,83 X_5$), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида банд бўлганлар сони ҳисобига 9 марта ($\text{LnY} = -61,90 + 8,87 X_6$), фермер хўжаликларида киритилган инвестициялар ҳажми ҳисобига 0,58 фоизга ($\text{LnY} = 6,99 + 0,58 X_7$) ошганлиги, фермер хўжаликларида банд бўлганлар ҳисобига 2 марта камайганлиги ($\text{LnY} = 26,70 - 2,34 X_8$) аниқланган.

6) Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида фермер хўжаликларида қўлланиладиган макроиқтисодий кўрсаткичларни ахборотлар базасини статистик ҳисоботлар ва “Holt Winter seasonal” силлиқлаш модели асосида улар фаолиятини статистик баҳолаш ва прогнозлашни қўллаш асосида такомиллаштирилган. Натижада миллий ҳисоблар тизими стандартлари асосида фермер хўжаликларида қўлланиладиган статистик ҳисоботларни

халқаро даражаларда баҳолаш ва прогноз услубини ахборотлар базасини кенгайтириш имконияти яратилган.

Фермер хўжалиklarининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми “Holt Winter seasonal” силлиқлаш модели орқали 2022-2026 йилларга прогноз қилиниши натижасида унга таъсир этувчи омиллар асосида бир неча вариантдаги прогноз сценарийлари ишлаб чиқилди. Натижада, прогноз сценарийлари асосида 2026 йилда фермер хўжалиklари ялпи ишлаб чиқариш ҳажми пессемистик прогноз бўйича 124516 млрд сўми, ўртача прогноз бўйича 136438 млрд. сўми, оптимистик прогноз бўйича 148360 млрд. сўми ташкил этганлиги аниқланган.

Фермер хўжалиklarининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини статистик баҳолаш усулларини такомиллаштириш учун таклиф ва тавсиялар берилди:

1) **Хусусий фермерлик секторини ривожлантириш**, зарар кўриб ишлаётган ва истиқболсиз қишлоқ хўжалик корхоналари (ширкатларни) тугатилиб, уларнинг ўрнига фермер хўжалиklари ташкил қилинди. Бу жараён нафақат дон ва пахта етиштириш билан шуғулланувчи ширкатлар, балки мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил қилинишига ҳам олиб келди.

Республикамизнинг бошқа ҳудудлари каби Сирдарё вилоятида ҳам фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга муҳим аҳамият берилмоқда, мазкур ҳудуднинг нисбатан оғир табиий-иқлим шароитлари, меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражасининг пастлиги ва аҳоли менталитети ҳамда бошқа бир қатор ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий омиллар бунга ишончли асос бўла олади.

2) **Анкета-сўровномаларни ишлаб чиқиш жараёнлари ва статистик усуллари**нинг методологиясини такомиллаштириш, янги ташкил қилинаётган фермер хўжалиklари фаолиятига анкета-сўровномаларининг натижаларидан олинган хулосалар сезиларли таъсир кўрсатади. Республикамиз ҳудудларида фермер хўжалиklарига ер ҳайдаш ва

экин экиш бўйича хизматлар, ветеринария хизматлари, суғурта хизматлари, кимёвий ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатувчи компаниялар ва мини-банклар ташкил қилинди. Натижада, фермер хўжаликларининг бу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кескин ошади.

Бугунги кунда фермер хўжаликларидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш учун анкета-сўровномаларини ишлаб чиқиш бўйича статистик усуллар талабга жавоб бермайди. Ушбу муаммоларга жавобларнинг паст даражаси, респондентларга юқори ҳисобот юки ва маълумот йиғишга сарф бўладиган харажатлар киради.

Ушбу қайд этилган муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- фермер хўжаликларида банд бўлган ходимлар учун қоғоз ва электрон кўринишидаги анкета-сўровномаларни тузиш, юзма-юз савол-жавоб усулида суҳбат уюштириш ва телефон орқали керакли маълумотларни олишни ўз ичига олган турли анкета сўровномалари ишлаб чиқиш бўйича Низом ҳамда уларни амалга ошириш бўйича механизмларни ишлаб чиқиш;

- фермер хўжаликларида барча мавжуд муаммоларни аниқлаш бўйича анкета-сўровномалар базасини яратиш бўйича дастур яратиш;

- республикамиз фермер хўжаликларида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий, табиий иқлим шароитлари ҳолатидан келиб чиққан ҳолда анкета-сўровномаларни фойдаланишга қадар андозаларга мос келиши тартибларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

- фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини статистик баҳолаш учун ўтказиладиган статистик кузатишлар учун анкета-сўровномаларни тайёрлаш бўйича мутахассислар томонидан сўровда иштирок этаётган респондентларга анкета сўровномаларини тўлдириш қоидаларини тушунтириш бўйича ўқитишларни ташкил этиш.

Анкета сўровномалари ўтказиш жараёнида турли йўналишда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолияти

самарадорлигини ошириш муаммолари аниқланиб, унга таъсир этувчи омиллар таъсири ўрганилди. Фермер хўжаликларида маълумотлар олиш базаси ва статистик баҳолаш методологияси анкета-сўровномалари орқали такомиллаштириш натижасида фермер хўжаликлари барча иқтисодий ва статистик кўрсаткичларни очиқ, шаффоф эълон қилиш имконияти пайдо бўлди.

3) Эконометрик моделлаштириш асосида фермер хўжаликлари даромадига таъсир этувчи ижобий омиллар таъсирини кучайтириш. Фермер хўжаликларининг даромадига таъсир этувчи омиллар орасидаги ўзаро боғланишларни ўрганиш илмий тадқиқот ишининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Фермер хўжаликларининг даромади ортиб бориши натижасида унинг товар ва хизматларга бўлган талаби ошади. Бу боғланишда даромад натижавий белги - Y , унга таъсир этувчи омиллар - яъни X_1, X_2, X_3, \dots эса омил белгилардир. Илмий тадқиқот жараёнида тартибланган Probit va logit моделлари асосида фермер хўжаликлари даромадига таъсир этувчи энг кучли ва энг кучсиз ижобий ҳамда салбий омиллари аниқланди.

Илмий тадқиқот натижасида фермер хўжаликларининг умумий даромадларига кучли ижобий таъсир этувчи омил белгилар фермер хўжалигида яратилган иш ўринлари, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 1 гектарга тўғри келадиган ўртача ҳосилдорлиги, фермерлик фаолияти юритиш учун ер олишга имкониятлар, фермер хўжаликларида бозор хизматларининг (консалтинг, маркетинг, аудит, мулкни баҳолаш, кредит бюrolари ва бошқалар) етарлилиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирини бир фоиз ўзгариши, фермер хўжаликларининг умумий даромадларини ўртача 0.50 % кўпроқ ўзгаришига таъсир этар экан. Бу эса фермер хўжаликларининг умумий даромадларини яхшиланишига олиб келади.

Давлат буюртмаси бўйича етиштирилган маҳсулот учун махсус ташкил қилинган фонддан тўғридан-тўғри аванс ажратиш тизими, бозор

шароитларида босқичма-босқич банк кредитлари ҳисобига аванс бериш йўли билан алмаштирилди. Қишлоқ жойларида янги ташкил қилинган фермер хўжаликларига микрокредитлар ажратиш кенг ёйилмоқда.

Бироқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг молиявий ресурсларга эркин эга бўлиши борасидаги муаммолар ҳали тўлалигича ўз ечимини топгани йўқ. Аванс кредитлари, асосан, давлат буюртмалари учун ажратилмоқда, давлат буюртмасидан ташқари маҳсулотлар учун бўнак олиш кўплаб фермерлар учун қийинчиликлар туғдирмоқда. Микрокредитлар олиш учун эса анча катта миқдорда гаров кафолати талаб этилади. Харажатларнинг катталиги сабабли тижорат банклари улардан доимо ҳам манфаатдор эмаслар.

Ўзбекистон Республикаси дуч келаётган долзарб экологик муаммолар тупроқ, ҳаво ва сув ресурсларининг ифлосланиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг (флора ва фауна) камайиши, саноат ва шаҳар чиқитларини мос келувчи тўплам қайта ишлаш ва йўқ қилиш тизимининг йўқлигини қамраб олади.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, республикада сервис тузилмаларининг турли жиҳатлари ҳисобга олинган ҳолда уларни ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратилган, аммо уларнинг миқдорий жиҳатдан чекланганлиги ва уларнинг фермер хўжаликларидан узоқда жойлашганлиги, хизмат кўрсатиш соҳаси учун салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, моддий-техника ресурслари билан зарурий миқдорда таъминлаш ҳажмини кенгайтиришга доир Давлат дастурини қабул қилиш ва уни тез суръатлар билан амалиётга жорий этиш ҳамда бу борада соғлом рақобат муҳитини яратилишини таъминлаш зарур.

4) Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни

“Panel data” дастури асосида эконометрик моделлаштириш орқали салбий омиллар таъсирини камайтириш.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни тўлиқ ва ҳар томонлама статистик тадқиқ қилиш, моделлаштириш учун юқоридаги гипотезалар ва бошқа кўплаб илмий изланишларга мурожаат қилиб, “Panel data” модели асосида фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини эконометрик моделлаштирилди.

Шу сабабли, энг кучли таъсир этувчи салбий омиллар таъсирини камайтириш ҳисобига фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш зарурияти мавжудлиги аниқланди:

- фермер хўжаликлари бўйича деҳқончиликда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари ялпи ҳосилини ошириш зарур;

- фермер хўжаликлари бўйича аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қоплаган ҳолда экспорт ҳажмини кўпайтириш лозим;

- фермер хўжаликлари бўйича деҳқончиликда етиштирилган мева - резавор маҳсулотлари ўртача ҳосилдорлигини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

5) Логарифмланган қийматлар асосида фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар “гипотезаси” услубиятини такомиллаштириш.

Республикамиз фермер хўжаликларининг фаолияти самарадорлигини ошириш тенденциялари эҳтимоллик назариясидан нормал тақсимот қонуниятига мос келиш тахминини текшириш илмий тадқиқот ишига статистик ёндашув ҳамда эконометрик усуллардан кенг фойдаланишни талаб этади, чунки моделлаштириш ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнларини сон ва сифат кўрсаткичлари орқали ҳар томонлама таҳлил этиш, иқтисодий самарадорликка ҳар бир омилнинг мутлақ ва нисбий таъсирини аниқлаш, ресурсларнинг чегаравий самарадорлигини топиш ва уларнинг оптимал

комбинациясини тузиш, фермер хўжаликларининг ривожланиш истиқболларини белгилаш мумкин.

Фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари ва бошқа хўжалик субъектлари муассислигида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашга ихтисослашган агрофирмаларни яратиш жараёнлари кенгаймоқда.

Мамлакатимизда ер ресурслари чекланганлигини ҳисобга олинган ҳолда, аҳоли жон бошига ҳайдаладиган ер майдонларининг қисқариши келажақда ҳам барқарор тенденцияга эга бўлади ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини юқори даражада ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Ернинг шўрланишини камайтириш бўйича чора-тадбирлар катта молиявий харажатларни, шунингдек, меҳнат, сув ва техник ресурсларни талаб қилади. Давлат томонидан қўллаб-қувватланишга қарамасдан, ерларнинг маҳсулдорлигини сақлаш, ошириш ва қайтадан культивациялаш учун молиявий ресурсларнинг етишмаслиги сезилмоқда. Бугунги кунда республикадаги суғориладиган ерларнинг камида ярим ҳолатини яхшилаш (қайта таъмирлаш) учун кучли эҳтиёж талаб этилмоқда.

Юқоридаги қайд этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, логарифмланган қийматлар асосида фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар “гипотезаси” услубиятини такомиллаштириш учун қуйидаги таклифларни амалга ошириш зарур:

- фермер хўжаликлари тараққиётидаги иқтисодий қонуниятларни аниқлаш, эҳтимоллик назарияларидаги тақсимот функциялари орқали уларни моделлаштириш, ресурслардан фойдаланишдаги заиф жиҳатларни эътироф этиш, маржинал концепцияни қўллаш юзасидан тамойилларни белгилаш;

- фермер хўжаликларининг фаолиятига микроиқтисодий фирмалар назарияси ва ишлаб чиқариш омилларининг ҳозирги талқинини танқидий жиҳатдан кўриб чиқиш ва бу соҳадаги мунозараларга бозор механизми нуқтаи назаридан ёндашиш;

- фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари эволюциясини статистик тадқиқ этиш ва хўжалик юрителишининг бозор механизмига мос келувчи маржинал ёндашувни башоратлашда қўллаш зарурлигини асослаб бериш;

- эконометрик моделлар ёрдамида ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигига таъсир қиладиган омилларнинг мутлақ ва нисбий “соф” таъсирини аниқлаш, ресурслар сарфининг маржинал (чегаравий) самарадорлиги, ўзаро алмашинув шартлари ва оптимал комбинациясини, изокванта ва изокост чизиқларини яратиш;

- қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ умумий, ўртача, билвосита, бевосита ва маржинал харажатларни бошқаришининг илмий асосларини такомиллаштириш зарур.

б) Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида фермер хўжаликлари фаолиятини статистик баҳолаш ва прогнозлаш асосида такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида фермер хўжаликлари фаолиятини статистик баҳолаш ва прогнозлашни қўллаш асосида такомиллаштириш учун таклиф ва тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- хўжалик фаолиятини объектив баҳолашда ишлаб чиқариш самарадорлигини миқдорий ўлчаш тамойилларини ва фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини статистик баҳолашда умумий, ўртача ва маржинал харажатларни бошқаришининг концептуал асосларини яратиш зарур;

- фермер хўжаликларининг самарадорлик кўрсаткичлари бўйича симметрик, асимметрик, эмпирик тақсимот функциялари, рекурсив динамик моделлари, ишлаб чиқариш функцияларини ҳисоблаш методологиясини киритиш лозим;

- фермер хўжаликларини барқарор ва рақобатбардош иқтисодий ривожланишини башоратлаш учун экспоненциал усулини амалиётга татбиқ этиш лозим;

- аллокатив самарадорликни якуний маҳсулот қиймати орқали статистик баҳолаш алгоритми ва қишлоқ хўжалигида операцион харажатларни бошқаришнинг кўп босқичли функционал тизимини жорий этиш лозим;

- республикамиз фермер хўжаликларининг фаолияти самарадорлигини оширишда, аграр соҳада ривожланиш дастурлари тузишда, ялпи ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини аниқлашда маржинал таҳлил усуллари, ресурсларни тақсимлашда маржинал даромад, маржинал харажат, маржинал фойда кўрсаткичларининг эконометрик моделларидан кенг фойдаланиш зарур;

- маржинал ёндашувни амалда жорий қилиш асосида фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини оширишни, иқтисодий ривожланишини, ижобий тенденцияларини статистик баҳолаш натижаларидан олинган прогнозларни сценарийлар асосида такомиллаштириш зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини статистик баҳолаш усулларини такомиллаштириш орқали фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқаришига, олган даромадларига, фаолияти самарадорлиги даражасига таъсир этувчи ижобий ва салбий омилларни аниқлаб, республикамизнинг айрим ҳудудларида юзага келаётган муаммоли ҳолатларга барҳам бериш ва хўжаликлар фаолиятига статистик ва эконометрик жиҳатдан баҳо бериш ислохотлар стратегиясининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, меъёрий ҳужжатлари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021-й., 03/21/671/0093-сон.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 11 августдаги “Расмий статистика тўғрисида”ги ЎЗР 707-сон қонуни.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Фермер хўжалиги тўғрисида”. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами.-Т.:“Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. 2004 йил. 26 август.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: (2010 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги - Т.: “Адолат”, 2010 й. – 276 б.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Ер Кодекси”. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами.-Т.:“Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. 1998. 1-том.416 б.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) хўжалиги тўғрисида”. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами.-Т.:“Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. 1998. 1-том.416 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. // 28.01.2022.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4964-сонли Қарори. // 27.01.2021 й.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сонли Қарори.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 17 февраль.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478 сонли Фармони. –Тошкент. – Қишлоқ ҳаёти. 2012 йил 23 октябрь.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат статистика органлари тизимининг дастурий-техникавий таъминоти ва кадрларининг профессионал малакаси даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 999-сонли Қарори. 2008 йил 13 ноябрь.

2.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

2.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.

2.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 4058-сонли Фармони. 2008 йил 28 ноябрь.

2.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2005 йил 17 июнь.

2.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 2005 йил, 6 октябрь.

2.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”. 2003 йил 27 октябрь.

2.17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 476-сонли Қарори. “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги. 2003 йил 30 октябрь.

2.18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари”. 2003 йил 24 март.

2.19. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8-сонли қарори. 2003 йил 8-январь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003, №1-2, 35-50 б.

2.20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8-сонли Қарори. “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалиklarига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2002 йил 5 январь.

2.21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 383-сонли Қарори. “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизминини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2002 й. 7 ноябрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузалари ва асарлари

3.1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. - 464 б.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//“Халқ сўзи” газетаси, 30 декабрь 2020 йил № 275–276 (7746–7747).

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//“Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).

3.4. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Тошкент «Ўзбекистон» 2019.

3.5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//“Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230).

3.6. Мирзиёев. Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент «Ўзбекистон» НМИУ, 2018.-592 б.

3.7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент «Ўзбекистон» 2017.-488 б.

3.8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи.-Тошкент. Ўзбекистон, 2016.-56 б.

3.9. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: «Ўзбекистон» 2017.-592 б

3.10. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент «Ўзбекистон» 2017-104 б.

3.11. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза 2016 йил 7 декабрь. Тошкент: «Ўзбекистон» 2017. -48 б.

4. Китоб ва туркум нашрлари

**Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар,
мақолалар тўплами:**

а) бир муаллифнинг:

4.1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик. – Т.: «FAN», 2019. - 670 б.

4.2. Хушматов. Н.С. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари, ривожланиш зарурати, шартлари ва йўналишлари. Рисола. –Тошкент, ЎзБИИТИ, 2013. -16 б.

4.3. Маматкулов Б.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари мисолида) [Монография] /. - Т.: “Иқтисодиёт” нашриёт-матбаа уйи, 2011. - 100 б.

4.4. Қодиров А.М. Иқтисодиёт назарияси . Т.: ТДТУ. 2002. 76 б.

4.5. Харченко Н.М. Экономическая статистика. – М.: ИТК «Дашков и Ко», 2010. – 296 стр.

4.6. Кундиус П. Экономика агропромышленного комплекса. – М.: «Издательство КноРус», 2010. – 570 стр.

4.7. Статистика: учеб. /Под ред. И.И. Елисеевой. – М.: Проспект, 2010. – 448 с.

4.8. Дубина И.Н. Математико-статистические методы в эмпирических социально-экономических исследованиях. –М.: «Финансы и статистика», 2010. – 643 стр.

4.9. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. - Т.: ТДИУ. 2004.- 79 б.

4.10. Ҳамдамов Қ.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш. (Ўқув қўлланма). Т.: ТДИУ, 2004. 155-бет.

4.11. Соатов Н.М. Статистика: олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.:Ибн Сино, 2003. – 744 с.

4.12. Эконометрика: Учебник. /Под ред. И.И.Елисеевой. –М.: Финансы и статистика, 2003. – 344 с.

4.13. Шодиев Х.А. Молия статистикаси. –Т.: Ибн-Сино, 2002. – 319 бет.

4.14. Ҳусанов Р.Ҳ. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. – Т.:Узбекистан,-1994.-72 б.

4.15. Шадиёв Т.Ш. Экономические модели развития сельского хозяйства. – Т.: Фан, 1986. –168 стр.

б) икки муаллифнинг:

4.16. Soatov N.M., Ayubjonov A.H. Amaliy statistika Darslik. Т.: IQTISODIYOT-2020.

4.17. Макконнелл К. Р., Брю С. Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика : [рус.] = Economics: Principles, Problems, and Policies. — 21-е изд. — М. : ИНФРА-М, 2020. — 1152 с. — ISBN 978-5-16-012985-3.

4.18. Abdullayev O.M., Xomidov S.O. Sotsiologik tadqiqotlarda matematik usul va modellar. O‘quv qo‘llanma. – T.: Iqtisodiyot, 2019-y. – 135 b

4.19. Shodiyev X. va Xabibullayev I. Statistika: darslik//. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2019.-454 b.

4.20. Ayubjonov A.H., Akbarova B.Sh. Xalqaro Statistika O‘quv qo‘llanma.:T-IQTISODIYOT-2020 17,0 b.t.

4.21. Болдыревский П.Б., Зимина С.В. Эконометрика. –М.: КНОРУС,2017. –178 с.

4.22. Набиев Х.Н., Набиев Д.Х.. Иқтисодий статистика. Дарслик. – Т.: “Алоқачи” нашриёти, 2008.-512 б.

4.23. Қудратов Т., Деҳқонов С. Қишлоқ хўжалиги статистикаси.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”,-2004 й. -232 б.

4.24. А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). -Т.: ТДИУ, 2004 й. 169 б.

4.25. Красс М.С., Чупрынов Б.П. Основы математики в экономическом образовании. – М.: «Дело», 2008. – 341 стр.

4.26. Чуев И.Н., Чуева Л.Н. Комплексный анализ хозяйственной деятельности. – М.: ИТК «Дашков и Ко », 2010. – 420 стр.

4.27. Беркинов Б.Б., Тошматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликлар ва уларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини ривожлантириш истиқболи. –Т.: ТДИУ, 2008. – 147 бет.

4.28. Шодиев Т., Хакимов Т. Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси нашриёти, 2005. – 271 бет.

4.29. Фармонов Т.Ф. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 178 бет.

4.30. Сафаева Қ., Бекназарова К. Операцияларни текширишда математик усуллар. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 340 бет.

в) уч муаллифнинг

4.31. Shodiyev X., Xabibullayev I., Utanov B.Q. Statistika bo‘yicha praktikum: o‘quv qo‘llanma //.-T.: IQTISOD-MOLIYA”, 2021.-336.

4.32. Soatov N.M., Nabiyev X., Ayubjonov A.H. Statistika Darslik – T.:IQTISODIYOT-2020.

4.33. Akbarova Z., Umarova M.A., Shakirova N.A. Mehnat statistikasi. O‘quv qo‘llanma – T.: TDIU, 2020, 207 bet.

4.34. Alimov R.X., Almuradov A.A., Xomidov S.O. Ekonometrik modellashtirish. O‘quv qo‘llanma. – T.: IQTISODIYOT, 2019. – 122 b.

4.35. Бабешко Л.О., Бич М.Г., Орлова И.В. Эконометрика и эконометрическое моделирование – Москва: Вузовский учебник: ИНФРА-М, 2018. - 385 с

4.36. Набиходжаев А.А., Хужакулов Х., Умарова М.А. Халқаро статистика. – Т.: 2010. – 124 б.

4.37. М.Г.Назарова, В.С. Варгин, Т.Б. Великанова / и др./; Статистика: учебно-практическое пособие/ под. ред. д-ра экон. наук, проф., акад. Межд. акад. информ. и РАЕН М.Г. Назарова.-2-е изд., стер.-М.: КНОРУС, 2008.-480 стр.

4.38. Аюбжонов А.Х., Маматкулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н. “Қишлоқ хўжалиги статистикаси” фанидан ўқув қўлланма Тошкент: ТДИУ, 2007 152 бет.

4.39. Аюбжонов А.Х., Маматкулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н. “Қишлоқ хўжалиги статистикаси” ўқув курси бўйича таълим технологияси: (Услубий қўлланма) “Иқтисодий таълимда ўқитиш технологиялари” серияси. – Тошкент: ТДИУ, 2006. 66 бет.

4.40. Аюбжонов А.Х., Маматкулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н. “Қишлоқ хўжалиги статистикаси” фани бўйича ўқув-услубий мажмуа: (Ўқув услубий мажмуа) Тошкент: ТДИУ, 2006. 64 бет.

4.41. Набиходжаев А.А., Насреддинова Ш., Махмудов Б.М. Молиявий дастурлаш. – Т.: Молия, 2005. – 247 бет.

4.42. Гулямов С.С., Догиль Л.Ф., Семенов Д. Предпринимательство и малый бизнес. – Т.: ТГЭУ, 1996 г.

4.43. Абдуллаев А.М., Ходиев Б.Ю., Ишназаров А. Эконометрика. – Т.: ТГЭУ, 2007. – 467 стр.

д) муаллифлар жамоаси учун:

4.44. Rasulev D., Nurullayeva Sh., Ro‘zmetova N., Muminova M. Biznes-jarayonlarini modellashtirish: O‘quv qo‘llanma. – T.: IQTISODIYOT, 2019. – 175 bet.

